

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Олий ўқув юртлари “Санъат” факультети талабалари учун

Тошкент 2007

Р.Н.Мухитдинова

Хоршунослик асослари

ўқув қўлланма

Тошкент 2007

Р.Н.Мухитдинова

Хоршунослик асослари ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлари мусиқа санъат факультети талабалари ва педагогларига мўлжалланган.

Хозирги замон хор санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи.

Хор билан ишлаш назарий ва амалий услубий ишлар.

Хор жамоасини ташкил қилиш ва хорни бошқариш методлари.

Хор асарларини таҳлил қилиш.

Текшириш учун тест саволлари.

Ҳар бир бўлимни мустаҳкамлаш

учун тест саволлар мажмуаси.

Назорат иши учун мавзулар.

Илова.

Адабиётлар рўйхати берилган.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ўқув қўлланма баркамол авлодни вояга етказиш соҳасида Республикамизда олиб борилаётган маданий ва маърифий ислохотлар, чоп этилган мавжуд адабиётлардан ижодий фойдаланиш асосида яратилди.

Ўқув қўлланма тўғрисида қисқача маълумот

Хоршунослик асослари ўқув қўлланмаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланди. Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртларнинг муסיқий таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Ушбу қўлланмада болалар ва катталар профессионал ва хаваскорлик хор жамоасини ташкил қилиш ва унга дириижёр-рахбарлак қилиш борасида назарий ва амалий билим малака ва кўникмалари атрофлича ёритиб берилган. ҳар бир бўлимни мустаҳкамлаш учун саволлар, мустақил назорат иши учун мавзулар, муסיқа луғати ва фойдаланиш учун адабиётлар рўйҳати берилган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ўқув қўлланма баркамол ёш авлодни вояга етказиш соҳасида республикамизда олиб борилаётган, маданият ва санъат, маданий ва маърифий ислоҳотлар, чоп этилган мавжуд адабиётлардан ижодий фойдаланиш асосида яратилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ-бу айнан-шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми.

И.А.Каримов.

Хоршунослик асослари фанининг мақсад ва вазифалари.

Келажак бугундан бошланади дейди доно халқимиз. Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи рухий ва маънавий жараённинг қай мақсадга йўналтириб келиб чиқадиган муҳим вазифаларни бажаришга боғлиқ.

Хоршунослик фанининг мақсади Республикаимизнинг умумтаълим мактаблари, мусиқа мактаблари коллеж ва академ лицейлари мусиқа педагогика санъат факультетларида адарсда ва дарсдан ташқари олиб борилган хор жамоалари, вокал ансамбллари, кўшиқ ва фольклор ансамбллари, тўғараклар жамоасини ташкил қилиш ва уларга раҳбарлик қилиш киради.

Муסיкий тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш.

Бўлажак мусиқа ўқитувчи ва тарбиячиларни вояга етказиш масалалари узлуксиз таълим тизимини янги педагогик технологияларидан ўз ўрнида фойдаланиш. Муסיкий таълим тизимини ривожлантириш. Хор жамоалари, муסיкий ижодий тўғараклар ташкил этиш ва ижро санъатини юқори кўтаришдир.

Хоршунослик асослари фанининг вазифалари:

Хоршунослик фанининг назарий ва амалий методикасини янги педагогик технология қонунларига амал қилиш. Хоршунослик санъатининг назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларини ўргатиш. Хор жамоаларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш. Бўлажак хор дирижёрлари ва мусиқа ўқитувчиларига ўргатиш. Болалар хор жамоасини бошқариш усул ва методларининг энг муҳим турлари ва шакллари. Хор жамоасини бошқариш масалаларини чуқур ўрганиб бўлажак мусиқа ўқитувчиларини қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш. Ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, хор маданиятини кенг кўламда тарғибот қилиш, ёш авлоднинг эстетик дид, маънавий баркамоллигини ривожлантиришда ишонч, меҳр, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат маърифат чўққиларини ишғол қилишни ҳар бир ўқувчи ва талаба онгига сингдириш - Хоршунослик фанининг асосий вазифаларига киради.

Саволлар.

1. Хоршунослик фанини мақсад ва вазифаларини шарҳлаб беринг.
2. Хоршуносликка оид тушунчалар, уларнинг моҳияти нимада?

Назорат иши учун мавзулар.

1. Хоршунослик асослари фанининг таркибий қисми.
2. Хоршунослик фанининг мазмуни ва моҳияти.

Хор санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ва аҳамияти.

Жамиятнинг маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий ахлоқий негизларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов қайд қилганидек: “Бу негизлар миллий қадриятларга содиқлик, маънавий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш Ватанпарварликдан иборат”.

Умуминсоний қадриятлар муштараклигига республикамизнинг барча ёшларининг маънавий эстетик маданиятини шакллантиришга эришиш ётади. Шахсан эстетик дид, тафаккурни бойитмасдан туриб ижтимоий-иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, миллий анъана истиқлол мавқурасини тўла тўқис яратиш мумкин эмас. Замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, юқори малакали баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мустақиллик йўлидан борадиган жамиятимизнинг энг олий мақсадидир. Баркамолликнинг юксак мезони инсоннинг чинакам манавият ва маърифат соҳиби бўла олиш билан белгиланади.

Муסיқий таълим жараёнида муסיқий тафаккур, билиш жараёни, тасаввурлар, тушунчалар, категорияларнинг таркиб топишига олиб келади.

Инсон муסיқа тинглаши, ижро этиши орқали ўз ички хис туйғуларини, воқелик ходисаларини акс эттиради. Инсон руҳи орқали муסיқий оламни билади, сўнгра уларни бошқа тингловчиларга етказмоқ учун муסיқий ижод орқали шаклларга киритади. Вахоланки атрофимизни табиат ходисалари, предметлари, инсон томонидан яратилган муסיқий хор асарлари, куй ва қўшиқлар, қўшиқлардаги товуш оҳанглари жаранги қуршаб олган.

Бу олам ўзининг ниҳоятда хилма-хил товуш тембрлари, ранглари ва буёқлари билан инсон ҳиссиётига ижобий таъсир этиб туради. Муסיқа оҳанглари ва товушлар мажмуаси инсон сезгиларида акс этади. Ўқувчи ва талабаларнинг яратувчанлик қобилиятини ахлоқий фазилатларини, ижодий кўтаринкилигини, истеъдодларини тўла намоён эта олиш фазилати- муסיқий таълим фаолияти асосида руёбга чиқади. Бу фазилатлар бўлғуси муסיқа ўқитувчиларнинг баркамоллигини таъминлашга хизмат қилади. Бу муסיқий фаолият жараёнида онгли

самарали иштирок этиш фаоллигини тинмай ошириб бориш ва камол топтириш билан узвий боғлиқдир. Ахлоқ, одоб ва ижодий кўтаринкилигини, истеъдодларини тўла намоён эта олиш фазилатлари –хоршунослик асослари фанини пухта ва мукаммал ўрганиши орқали руёбга чиқади. Бунда хор дирижёрлиги, хор синфи, хор адабиёти , хор партитурасини ўқиш маҳорати, мусиқа назарияси гармония, сольфеджио, полифония мусиқий таҳлил, педагогика психология, болалар ва ўсмирлар физиологияси, хор санъати асосларини ўзлаштириш ва раҳбарлик қилиш тамойиллари киради.

Хор санъатида адабий ва мусиқий ижоднинг ўзаро уйғунлашуви натижасида, яхлит бир бадиий асар яратилади. Бу санъат халқ қўшиқчилиги ижодиёти билан боғлиқ бўлиб, бошқа халқлар миллий мусиқа маданиятини шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаб келган. Ўтмишда профессионал хор ижрочилигига эга бўлмаган қардош республикаларда ўзига хос йўллар билан шаклланиб келган. Бу халқлар миллий анъаналарга таянган ҳолда хор санъатини янги йўналишларини ярата бошладилар. Айрим маълумотларга кўра Сўғд давлатларида профессионал хор жамоалари мавжуд бўлган. Кейинчалик араб истилосидан кейин бу санъат ривожланмаган. Ядим замонлардан бери уруғчилик жамиятини емирилиши ва синфий жамиятга ўтиш Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразм давлатларининг пайдо бўлиши, ахмонийларнинг харбий юришлари, маъмурий жиҳатдан бирлашувлари, Александр Македонский давлати Грек-Бактрия подшоҳлигига вужудга келиши эрамиздан олднги VII-асрдан то эрамизнинг IV асригача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади.

Jaҳрамонлик афсоналари, эпик қўшиқлар ўрта Осиё халқларининг ўз мустақилликлари учун олиб борган мардонавор курашларининг бўёқдор тасвирлари билан тўла.

Ватанга бўлган муносабати тўғрисида хикоя қилувчи Сак афсоналаридан парчалар бизгача сақланиб қолган. Масалан: Рустам ва унинг жанглари, малика Тахминага бўлган мухаббати , Рустам ва Сиёвуш ва бошқа баходирлар тўғрисидаги афсоналар цикли шулар жумласидандир.

Ерли маданиятга юнон маданияти афсоналари, куй ва қўшиқлари маълум даражада таъсир кўрсатди ва аксинча халқларимиз ҳаёти афсоналари куй ва қўшиқлари ҳақида маълумотлар қадимги юнон муаллифларининг асарларида ўз аксини топди. Масалан: Климей Александрский Ксенифонт, Страбон, Птоломей, Геродот асарларида қадимги халқларимиздаги турли маъданий қадриятлар, халқ қаҳрамонлари: Тўмарис, Спаретиери, Зарина, Широқ ҳақидаги маълумот ва афсоналар келтирилади.

Амир Темур (1336-1405) давлати ўз даврида Европа ва Осиёдаги энг йирик мустаҳкам ва ривожланган давлат сифатида танилди. Унинг авлодлари бошқарган давлат Шохруҳ, Улуғбек, Хусайн Бойқаро даврларида маданият ва санъат гуллаб яшнади. XIV асрнинг иккинчи ярмидан асрнинг бошларигача бўлган давр ёрқин, сермазмун, самарали

давр ҳисобланади. Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг, маданий маънавий бойликларни яратгани, халқ талантлари учун имконият ярата олганлиги туркий халқлар маданияти ва санъати тарихида тамоман янги узоқ асрларга озуқа берган қатламлар янги саҳифалар вужудга келтиргани билан машҳурдир.

Биргаликда куйлаш санъати узоқ тарихга эга. Одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламда, ўзи яшаётган жамиятда, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилаётган бадиий ижод биргаликда куйлаш намуналарида руёбга келган.

Инсон гўзалликни хис қила олмас экан, ҳеч қачон уйғун, маънавий баркамол инсон бўла олмайди. Хор санъати мана шу нозик туйғуларни шакллантириш қудратига эгадир.

ўрта Осиё халқлари жумладан ўзбек халқи профессионал хор санъатига эга бўлмасада қадим замонлардан бери жамоа бўлиб қўшиқ айтиш анъаналарига эга бўлган. ўзини меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган, мусикий дурдоналарни яратган, оғзаки усулда авлоддан-авлодга қолдирган. Болалар, аёллар, эркаклар алоҳида қўшиқ айтиш анъаналари бўлган. Масалан: Диний маросимда катталарни зикр тушиши, марсия қўшиқларни куйлаш, болаларни рамазон ойларида кўпчилик бўлиб қўшиқ куйлаши, Наврўз байрамларида, мавсумий сайллар, қиз болалар ва йигитларни қўшиқ куйлаши, тўй маросимида аёлларни ёр-ёр, лапар, ялла, чертмак, беш қарсак жамоа (хор) ва яккахон бўлиб ижро этилган. Асрлар давомида тўпланган “Шошмақом”нинг вокал қисмидаги тароналар ҳам уч-тўрт ва ундан кўп хонандалар томонидан айтилган. Халқимиз орасида кенг тарқалган айниқса Фарғона водийсида “катта ашулалар” ҳам уч-тўрт ва ундан ортиқ хофизлар биргалашиб ижро қилишган. Ана шу фольклор қўшиқларнинг (ёр-ёр, ўлан, ялла, хашар, беш қарсак, лапар, катта ашула ва мақомлардаги тарона, уфур нақш қисмлари) биргаликда жамоа бўлиб айтиш каби ижрочилик шакллари келгусида ўзбек халқи орасида хор хаваскорлиги, қолаверса ўзбек хор санъати жанрининг ривожига замин яратди.

Хаваскорлик хор жамоалари октябрь инқилобидан кейин оммани сиёсий ижодиётини ўстириш, оммани уйғотиш, унинг ижодий фаолиятини ташкил қилиш керак эди.

Бадиий хаваскорлик социал эҳтиёж бўлиб, у собиқ иттифоқ даврида туғилди, шаклланди ва ўсди.

1920 йиллардан бошлаб Республикамизда рақс ва хор жамоалари мактабларда, ўқув юртларида тузилиб кенг тарқалди. Гар бир тўғаракларда кичик хор ансамбли бўлиб, яллалар, лапарлар, революцион қўшиқлар ва марсиялар ижро этилар эди. Шу йилларда Ғамза Ғакимзода Ниёзийнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Шу даврларда шаҳар ва қишлоқлардаги мактабларда хаваскорлик театр, хор тўғараклари ташкил қилинди. Бу жамоалар хор, рақс ва бадиий сўз гуруҳларидан иборат эди.

Мактаб театр хаваскорлик тўғаракларини ташкил этишда В.Сакович, Али Ардобус каби ташаббускорлар жонбозлик кўрсатди. 1919 йили Сакович 300 та болани мактаб (хор, рақс ва драма) театрига бирлаштирди. “Зебинисо” мактабида қизлар хори, кейинчалик бу хор “Санъатчи қизлар” номи билан юритилди.

1919 йилда Ш.Шоумаров “Намуна” номли ўзбек мактабида.

1922 йилда Саодатхоним Еникеева Тошкент импросида ўзбек қизларидан хор жамоалари туздилар.

Марғилонда Уста Олим Комилов, Самарқандда Матюсуф Харратов Туркистон fronti қисмларида ҳам интернационал концерт бригадалари ташкил топади. Улар оммавий кўшиқларни ва миллий ашулаларни куйлаш билан бирга ўзлари ҳам кўшиқлар тўқишар эди. Масалан: “Ботир аскар”, “Соқчи” ва шунга ўхшаш жуда кўп куй ва кўшиқлар тўқиб хор жамоалари билан ижро қилар эдилар. 1930 йилларга келиб мусиқа хор хаваскорлигида янги бурилиш пайдо бўлди. Янги-янги кўшиқлар етук бастакорлар томонидан хор жамоалари учун ёзилди ва ижро этилди.

Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Ориф Јосимов, Фахритдин Содиқовлар бир-икки овозли хор кўшиқлари яратдилар. Юнус Ражабийнинг “Бизнинг қишлоқ”, Фахриддин Содиқовнинг “Торманг энди, колхозчилар” каби кўшиқлари хаваскорлик хор жамоаларида кенг тарқалди. 1934 йилда Тошкентда хаваскорлик санъатининг вилоят мусиқа бадий олимпиадаси ўтказилди. 1000 кишилик кўшма хор, 300 кишилик духовой оркестр қатнашди. Бу олимпиада хаваскорлик тўғараги иш фаолиятини анча илгарилатди. 1937 йил Москвада ўтган ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида хор жамоалари фаол қатнашдилар. 1938 йилда Республика олимпиадасига асосан мактаб ва ўқув юртлари хор жамоалари, хаваскорлик тўғараклари сон жиҳатдан кўпайди. Урушгача даврда хор жамоалари сони кўпайгани билан сифат жиҳатидан уни сон ижрочилиги ҳукмрон эди. 1943 йилдан бошлаб Республика ижодий уйи ўз фаолиятини давом эттира бошлади. 1940 йилларнинг II-ярмидан бошлаб барча хор жамоаларини иши тиклана борди. 1946 йилда Бадий хаваскорликнинг иккинчи олимпиадаси ўтказилди. Бунда 20 минг кишини ўз ичига олган мингдан ортиқ хаваскорлик жамоалари қатнашди.

1949-1950 йилларда ўтказилган учинчи Республика олимпиадаси ўтказилди. Бунда 1585 хаваскорлик жамоаси бўлиб 25 минг киши қатнашди. ўзбек хори ва ансамбллари иштирок этди. 1950 йиллардан бошлаб хор хаваскорлигининг кўп овозлилик тури ривожлана борди. Бунда Тошкент Давлат Консерваторияси, мусиқа билим юрти маданий оқартув техникуми ўқитувчи ва талабалари томонидан хор жамоаларига амалий ва методик ёрдам бердилар ва ўзлари хор жамоаларини кўплаб туздилар.

С.Юдаковнинг “Тинчлик тарафдорлари марши”, А.Мухамедовнинг “Тинчлик байроқдори”, С.Юдаковнинг “Мирза чўл” сюитасидан айрим қисмлари ва кўп овозли хорлар янгради. 1953, 1954, 1955 йилларда

ўтказилган ашула байрамларида 20 минг хаваскор ижрочи қатнашди. Хилма-хил кўп овозли хор асарлари янгради. Бунда юқори ижрочилик маҳоратини намойиш этдилар. 1950 йилларни охирига келиб Тошкент Давлат Консерваторияси ўқитувчилари М.Субаева, С.Валенковларнинг болалар хори ташкил қилинди. 1960-1970 йилларга келиб хаваскорлик хор жамоаларини сон ва сифати ўзгарди. 1975-1977 йилларга келиб Биринчи Бутун иттифоқ меҳнаткашлар бадий ижодиёти фестивалининг зонал кўрикларида кўпгина хор жамоалари лауреат, диплом ва олтин медаллар билан тақдирландилар.

1977 йилда ўзбекистон хаваскорлик хор жамоалари Таллинда ўтказилган фестивалда ўз чиқишлари орқали хор жамоалари маҳоратини намойиш қилдилар. Бугунги кунда ўзбекистонда мусиқа ва хор санъатига янада катта эътибор берилмоқда.

Республикамизда болалар хор ижрочиличининг ривожланишида Е.М.Кензер, С.А.Валенков, А.Васильева, ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Ёрматовларнинг хизматлари жуда катта. Ҳозирги даврда “Бойчечак” болалар хори ва “Булбулча” болалар хори Тошкент Давлат Радиоси Телекомпанияси қошида ташкил топган, раҳбари Ш.Ёрматов уларнинг дастурида кўп овозли жўрсиз хор асарлари мавжуд. 1982 йилда Болгарияда бўлиб София, Хасково, Пловдив ва Дмитровград шаҳарларида концертлар беришган. Бундай хор жамоалари келгусида профессионал хор жамоаларини ривожланишига олиб келади.

Катталар аралаш хорлари Республикамизни ҳар бир Институт, Университет, Академик-лицей ва Коллежларида мавжуд. Тошкент, Андижон, Бухоро, Фарғона, Янгийўлдаги хаваскорлик хор жамоалари ўз маҳоратларини ошириш борасида муттасил ишлаб келмоқдалар. Ҳозирги даврда Республикамизда юзлаб ашула ва рақс ансамбллари, фольклор ансамбллари мавжуд. Хор жамоалари аёллар ва эркеклар вокал ансамбллари тузиш ва кейинчалик уч-тўрт овозлик хор вокал группаларни ташкил қилиш мумкин. Келгусида бундай хор жамоалари маҳаллий халқ орасида ривожланиши мумкин. “Анор” халқ ансамбли Фарғонанинг Јува вилоятида, Наманган вилояти Чуст тумани “Гулруҳ”, “Чуст тароналари”, “Роҳат”, “Шалола” халқ хорлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда композитор ва бастакорларимиз томонидан академик ва халқ хорлари учун жуда кўп асарлар ёзилган.

Ш.Рамазонов, Т.Содиқов, М.Ашрафий, С.Юдаков, Д.Зокиров, Ю.Ражабий, А.Муҳаммедова, Т.Жалилов, М.Бурхонов, М.Левиёв, И.К.Акбаров, С.Бобоев, Ф.Назаров, К.Кенжаёв, Б.Умиджонов, Д.Омонуллоева, М.Бафоев, Р.Абдуллоев, Р.Муждабоева, Ж.Шукуров ва бошқа ёш бастакор ва композиторлар халқ кўшиқларини қайта хорга мослаштирганлар.

Кўп овозли, жўрли ва жўрсиз хор асарларини ёздилар. Халқ ижрочилик анъаналари негизида туғилган мусиқа хор хаваскорлиги ярим асрдан ортиқроқ даврда шаклланди ва ривожланди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Мустақиллик даврида хор санъатининг тутган ўрни нималардан иборат ва қандай функцияни бажаради?
2. Бўлғуси мусиқа ва хор ўқитувчиларини баркамол инсон бўлиб етишига қандай усул ва методлардан фойдаланилади?
3. ўрта Осиё халқининг тарихи бизга нимани ўргатади?
Назорат иши учун саволлар.
1. ўрта Осиё халқининг халқ оғзаки ижоди ва маданияти тўғрисида.
2. 1917 йилда Республикамизда маданий оқартув ва хаваскорлик тўғаракларининг ташкил топиши ва ривожланиши.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов “Баркамол авлод ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. “Шарқ” нашриёт матбаа концерти 1998 йил.
2. ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни Т.1997 йил.
3. Кадарлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997 йил.
4. Р.Соломонова, Р.Абдуллаев “Ўзбек мусиқа тарихи ва хрестоматияси”. Т.1983 йил.
5. Ш.Рўзиев “Хоршунослик”. Т.1987 йил.
6. Е.В.Романовская статьи и доклады. Записи музыкальна фольклора (сост. М.Ковбас) Т.1957.
7. Ю.Ражабий “Ўзбек халқ мусиқаси” т III. Тошкент 1959.

Профессионал хор санъатининг ривожланиши.

Ўзбекистонда профессионал хор санъати энг кеч ривожлана бошлаган санъат турларидан биридир. Чунки дастлабки йилларда профессионал хор санъатини ривожлантириш учун шарт-шароитлар йўқ эди. Маориф ва маданият соҳасида қатор муҳим тадбирлар ўтказилди ва аста-секин амалги оша борди. Рус мусиқа санъати арбоблари: В.Успенский, Е.Романовская, Н.Миронов, Р.Глиэр, С.Василенко, А.Козловский ва ўзбек композитор, бастокорларининг вужудга келиши туб ўзгаришларнинг бошланиш нуқтаси бўлиб ҳисобланади.

1930 йилларда ёзилган мусиқа драммаларида “Фарҳод ва Ширин”, В.Успенский ва Г.Муниел “Гулсара”, Р.Глиэр ва Т.Содиқов мусиқаларида хор ижрочилигининг оддий формалари мавжуд. Кейинчалик кўп овозли хор асарлари ёзила бошлади.

1936 йилда ўзбекистон радиоси қошида ўзбек хори тузилди. Бу хорга Л.Б.Штейнберг раҳбарлик қилди.

Шу йилда ўзбекистон Давлат Филармонияси қошида хор капелласи ташкил қилинди. Унга М.Лепёхин раҳбарлик қилди. У жамоа М.Ашрафий

ва Т.Содиқовнинг тўрт овозли хор асарларини, мусиқа драммаларидаги хор номерларини 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида намоиш қилди ва юқори баҳоланди. Тақиқатда қисқа вақт ичида намунали хор жамоаси тузилиб, ижодий ютуқларга эришди. Бу ютуқлар республикамызда профессионал хор жамоалари ишини янада ривожланишига туртки бўлди. 1934-1937 йиллар давомида Москва Консерваториясида янги ташкил қилинган опера студиясини ҳар хил бўлимларида ўзбекистондан келган истеъдодли ёшлар ҳам ўқиди. Карим Зокиров, ўулом Абдурахмонов, Михаил ва Мордухай Давидовлар, Мухтор Ашрафий, Сара Самандарова, Фазлиддин Шамсиддинов, Мардон Насимов, Насим Хошимов, Бобораҳим Мирзаев, Салима Хўжаева, Мухиддин Жори Ёқубов, Шоназар Соҳибов, Давид Муллақандов, Мутал Бурхонов, Олим Ғалимов, Сулаймон Юдаков, Баҳром Иноятов ва бошқалар шу студияда таҳсил олиб келгусида танилган хонанда, композитор бўлиб етишдилар ва ўз меҳнат фаолиятларини билим юртлари, мактаблар, концерт ташкилотлари, мусиқа билим юртлари, театрлари энди истеъдодли ёшлар ҳисобига таъминлана борди.

Рус композиторининг ўзбек композиторлари билан ҳамкорлиги С.Василенко ва М.Ашрафийнинг биринчи ўзбек операси “Бурон” яратилди. 1940 йилда “Улуғ канал” операси Р.Ғлиэр ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун” опералари ёзилди.

1941 йилларда композитор ва бастакорлар ижодида ҳарбий ватанпарварлик мавзуси асосий ўрин эгаллади.

Ў.Јодировнинг “Ботир аскар”, Д.Зокировнинг “Јасос ол”, М.Бурхоновнинг “Жангчи қўшиғи”, Ашрафийнинг “Улуғ қўмондон”, Ю.Ражабийнинг “Ватан”, Т.Жалиловнинг “Уч командир”, “Азиз Ватан”, У.Толмасовнинг “Танкчи қасами”, каби хор қўшиқлари ёзилди.

Шу йилларда йирик формадаги вокал-симфоник асарлар ҳам ёзилди. С.Юдаковнинг “ўалаба” контаталари Ғ.Мушелнинг “Фархадстрой” контатаси, Б.Арапов ва А.Козловскийнинг “Жалолиддин” каби контаталари шулар жумласидандир. А.Козловскийнинг “Улуғбек” операси, О.Чишконинг “Махмуд Таробий” опералари ёзилди. Бу асарларда кўп овозли хор сахналари мавжуд эди.

1944 йили “ўзбекистонда санъатни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида” қарор чиқди. Мусиқа хор санъатини оммалаштириш, уни тарғибот қилиш ишларини жонлантириш зарур эди. Бунга Ленинград консерваторияси профессори А.Егоров ва бошқа хормейстерлар ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар.

Улуғ Ватан уруши даврида мусиқа драматик жанрида катта ютуқларга эришилди. М.Ашрафийнинг “ўзбекистон”, “Бахт қўшиғи” контатаси, С.Юдаковнинг “Мирзачўл” сюитаси Давлат мукофотиға сазовор бўлди. 1951 йилда Москвада ўтказилган иккинчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасида шу асарлар ижро этилди.

1952 йилда ўзбекистон Давлат Филорманияси қошида биринчи профессионал хор капелласи ташкил қилинди. Бадий раҳбар С.Валенков хормейстер А.Султонов тайинланди. Капелла учун М.Бурхонов ўзининг биринчи жўрсиз хор қўшиқларини яратди. Шундай қилиб Республикада а'капелла жанри вужудга келди.

Капелла дастурида қарийб барча қардош Республикалар композиторларининг асарлари ва халқ қўшиқлари бор эди. Уларнинг ранг-баранг хор асарлари бутун собиқ иттифоқ шаҳарларида концертларда янгради. 1967 йили Бутун иттифоқ профессионал бадий коллективлар конкурси лауреати бўлган. Бу капелла Республикада хор маданиятининг ривожланишига мазкур жамоанинг аҳамияти каттадир.

1960 йилда ташкил этилган ўзбекистон радио телевидениеси Давлат комитети миллий хорининг салмоқли хиссаси бор. Б.Умиджонов бошчилигида ажойиб ижодий ютуқларга эришди. Бу жамоани ижодий юксалиши, куйлаган хор асарлари нафақат ўзбек мухлисларига, балки бутун оламга ҳам яхши танишдир.

1950 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб опера жанрида ҳам ижодий юксалиш кўзга ташланади. 1950 йилларда куйидаги опералар яратилди:

“Гулсара”, Р.Гилэр ва Т.Содиқов

“Тоҳир Зухра”, Т.Жалилов, Б.Бровцин

“Фарход ва ширин” Г.Мушель, В.Успенский

“Лайли ва Мажнун”, Р.Глиэр, Т.Содиқов

“Улуғ канал”, М.Ашрафий, С.Васеленко.

“Улуғбек”, А.Козловский 1960 йилларда ёзган.

“Дилором”, М.Ашрафий.

“Зайнаб ва Омон”, Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Б.Зейдман, Д.Зокиров.

“Майсаранинг иши” С.Юдаков.

“Шоир қалби”, М.Ашрафий.

“Хамза”, С.Бобоев.

“Хоразм қўшиғи”, М.Юсупов.

“Зулматдан зиё”, Р.Хамроев.

“Ойжамол”, Р.Хамроев.

“Сўғд қизи”, И.Акбаров.

“Мангулик” У.Мусаев.

ва бошқа операларнинг кўпчилиги хор сахналари бўлиб мукаммал кўп овозли хор мусикалари ўз ўрнини топган. Юқорида қайд қилинган операларнинг яратилиши опера-хор ижрочилигини ривожланишига олиб келди. Контата, оратория, сюита, ода, баллада, жўрсиз хор асарлари ва оммавий хор асарлари яратилди.

Масалан: С.Юдаковнинг куйидаги “ўалаба”, “Менинг ватаним”, “Муборакбод”, “Тусна” контаталари ва “Мирзачўл” сюитаси; М.Ашрафийнинг “ўзбекистон”, “Бахт қўшиғи” контатаси; И.Гамроевнинг “ўзбекистон хотин қизларига” контатаси; А.Халиловнинг “Јарақалпоғистон” контатаси; С.Бобоевнинг “Пахта байрами” контатаси;

И.Акбаровнинг “Тошкентнома” ораторияси ва “Хамса” контатаси; М.Бурхоновнинг “Алишер Навоийга қасида”; М.Насимовнинг “Дилбарим” сюитаси, Д.Зокиров, Б.Умиджонов “Асрим садоси” контаталари хор жанрларини бойитди. Профессионал хор санъатини ривожлантирди. Профессионал хор ижрочилиги билан боғлиқ бўлган а’капелла жанри ҳам тез суръатларда ривожланди. Масалан: М.Бурхоновнинг “Ёрларим”, “Гўзал қизга”, “Сайра”, “Зарра гул”, “Бибигул”, “Сари кўхи баланд”; А.Муҳаммедовнинг “Яшна хур Ватан”, С.Бобоевнинг “Чаман ичра”, “Яли-яли”, “Энди сендек”, “Халқимиз бахти”; И.Акбаровнинг “Йойилман”; А.Муҳаммедов мусикасини хорга мослаштирган “Алла”; В.Князатовнинг “Гулпак”; В.Князатов а’капелласи хорга мослаштирган “Мо сар ниходам” асарлари барча ўқув хорлари дастуридан ўрин олди. Б.Умиджоновнинг 100 дан ортиқ халқ кўшиқлари асосида яратган а’капеллалари ҳозиргача ўқув хорларида севиб ижро қилинмоқда. Масалан: “Япурай”, “Јорасоч”, “Илила ёр”, “Оға даром”, “Гал бари”, “Хуршиди жаҳон галди”, “Јомузчи”, “Чаманда гул” ва “Дилбарума” хор сюитаси ва бошқа хор асарлари радио телевидение орқали янграб келмоқда. С.Бобоев “Тановор”, “Боғ сайлига”, “Галдир” каби классик ашулалар асосида хор асарлари яратди.

М.Бурхонов ўзбек, тожик, афғон, эрон, каракалпоқ халқ кўшиқларини хор учун қайта ишлади. “Айрилиқ”, “Дамкўл-дамкўл”, “Чашми сиёҳ”, шу билан бир қаторда ўбек мусиқа хор жанрини юксалишида ўзбек композиторлари томонидан яратилган хор асарлари келажакда профессионал хор ижросининг юксалишига замин яратди.

Классик меросни хорга қайта мослаштиришда С.Бобоев, М.Бурхонов, И.Акбаров, М.Насимов, И.Хамроев, Г.Јодиров, М.Јосупов, С.Джалил, П.Холиқов, А.Берлин, С.Варелас, М.Бафоев, Б.Умиджонов, Т.Демилинов, болалар композиторлари Э.Налбандов, Н.Норходжаев, М.Таджиев, А.Хошимов, Ш.Ёрматовларнинг серқирра бой ижоди ва бошқа композиторлар хор жанрини ривожланишида алоҳида ўрин тутди.

Мусиқа луғати

1. Сюита – (франц. сўз бўлиб, кетма-кетлик маъносини билдиради.) бир неча контраст, мустақил қисмлардан иборат бўлади.
2. Контата – (инглизча сўз бўлиб, “cantare” куйлайман маъносини билдиради.) Хор яқкаҳон, оркестр фортепиано учун бир неча мустақил қисмлардан иборатдир.
3. Баллада – (лотинча сўз бўлиб, рақс тушаман деган маънони билдиради.) хор, рақс ва кўшиқлардан иборат. Фантастик ёки драматик характерда бўлади.
4. А’капелла – жўрсиз ижро. Куйлайдиган жой маъносини билдиради.

5. Оратория – лотинча сўз бўлиб, илтижо қиламан, сўзлайман деган маънони билдиради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Профессional ва хаваскорлик хор жамоаларининг ривожланишининг сабаби нималардан иборат?
2. Профессional хор жамоаларининг жамоаларининг функциялари нимадан иборат?
3. Ўзбекистон хор санъати ва маданиятининг ривожланишида бастакор ва композиторлар қандай роль ўйнайди? Шарҳлаб бering.

Назорат иши учун мавзулар.

1. Профессional ва хаваскорлик хор жамоаларининг ижтимоий функциялари.
2. Ўзбекистон бастакор ва композиторларининг хор санъати жанрини ривожланишидаги ўрни.

Адабиётлар.

1. “Ўзбекистон мусиқаси тарихи” Т.Е.Соломонова Т.1983 й.
2. Ш.Рўзиев “Хоршунослик” Т.1987 й.
3. В.Гудкова “Узбекская хоровая интература” Т. 1974 г.
4. С.Валенков “Хаваскорлик хори” А.Винежев, Р.хубларов Т. 1970 й.
5. “История узбекской советской музыки” I – II т. Т.1973 г.
6. М.Ковбас Некоторые вопросы развития музыкальной самодеятельности в Узбекистане. “Вопросы музыкальной культуры Узбекистана” 291-310 стр. Т. 1961 г.

Европада хор санъатининг ривожланиши тарихи

VI асрнинг иккинчи ярмида биринчи бўлиб дьяклар хори пайдо бўлди. Россияда бу профессионал хор кейинчалик 1963 йилдан бошлаб Пётр I номи билан аталиб, шох саройининг император профессионал а’капелласи номи берилди.

XVI асрда эса патриарх дьяклар хори кейинчалик “Синадол” хори деб аталди. Асосан бу хорнинг дастури илохий кўшиқлардан иборат бўлган. Кейинчалик подшоҳ, княз, помещиклар саройида байрам тантаналарида кувноқ халқ кўшиқлари, шўх хор асарлари ижро этилган. Улар кўп овозли хор кўшиқларини ижро услуги “партесное” - гармоник аккордлари тизимида кўп овозлик хор партияларида куйлаганлар. Кейинчалик эса нота чизикларидаги оҳанг йўлларида кўшиқлар куйлаганлар. Бундай куйлаш Н.П.Делецкийнинг “Музыкальное грамотике” китобида ҳар тарафлама тўлиқ ёритиб берилган. VIII асрнинг 30 йилларида Россияга Италия вокал мусиқаси кириб келди. Италия операларида асосан император саройининг хор капелласи иштирок этиб, муваффақият қозонади. Италия мусиқа усталари рус капелласидаги кўшиқчиларга алоҳида вокал дарслари бердилар. Бу хор капелласини ривожланишига, юксалишига имкон яратди.

1738 йилда Глухова Черниговский губерниясида болалар капелласи мактаби очилди. Бу хор капеллалар овозини тўлдириш ва янги истеъдодли хор кўшиқчиларини тарбиялаш имкониятини яратарди. Хор капелласини хор дирижёри, ўқитувчи композитор вокал мусиқаси Д.С.Бортнянский (1751-1825) узоқ йиллар давомида бошқарди. Унинг даврида бу болалар хори юксак вокал техник маҳоратига эга бўлди.

XVII асрда черков капелла хорлари регентларни, хор ўқитувчиларини ва опера кўшиқчиларини ўқитиб, хор жамоаларига тайёрлаган.

XV – XVII асрларда Д.Палестрина, О.Лассо, К.Жанекен, Ж.Депре каби буюк полифонист композиторлар хор асарлари санъатининг ривожланишига Европа давлатларидаги хор ижрочилиги санъатига ўз хиссаларини қўшдилар.

Вақт ўтиши билан хор санъати черковлардан ажралиб чиқди. И.С.Бах, Г.Ф.Гендел, Л.Бетховен, К.В.Глюк, Ф.И.Гайдн, В.Моцарт, Д.Верди, Ж.Бизе романтик композиторлардан: Ф.Шуберт, Р.Шуман, Мендельсон, Бортальди Феликс, рус композиторларидан М.Глинка, Н.А.Римский, Корсаков, М.П.Кюи, С.И.Танеев, М.А.Баллакирев ва бошқалар ўз бой ижодлари билан хор санъатини ривожлантирдилар.

Рус хор маданияти бой тарихга эга. Хор санъати жанри бир неча йўналишда ривожланди. Масалан: Крестьян, маърифатли кўшиқ севувчилар хорлари, мактаб хорлари, профессионал черков хорлари ва опера хорларидан иборат бўлган. XVII-XVIII асрларга келиб кўпчилик дворян ва помещиклар ўз қарамоғида хор ва оркестрлар ташкил қилдилар. Бундай хорларни “Меценатлар” хор санъатини севувчилар деб аталган.

XIX аср бошларида граф Шереметев хор капелласи (150 йил фаолият кўрсатган) Петербургда Дубенский хори, Гольцын хор капелласи (50-60 йиллар хизмат кўрсатган), Москвада Губанин, Васильев ва Перлов хорлари. Петербургда почтамт хори, Нижний Новгороддаги Рукавишников, Пензадаги Костарский хорлар фаолият кўрсатганлар. XIX аср охирида А.Архангельскийнинг хори (1880 йилда тузилган) нафақат Россияда чет элларда ҳам танилган. Улар хамиша хор асарларини ёддан ижро этганлар. У биринчи бўлиб хорга болалар овозини ўрнига аёллар овозини киритди. XX асрларга келиб рус хор санъати яна ҳам ривожланди. Янги-янги капеллалар тузилди. Хор дирижёрлари В.Булычев, И.Юхин, П.Ярковлар фаолияти диққатга сазовордир. М.Пятницкий (1864-1927 йилда) Варонеж, Рязань, Смоленск кресътянлардан иборат ўзининг машхур рус халқ хорини тузди ва юксак ижро маҳоратига эришди.

XIX асрнинг 30-40 йилларида А.Лядов, А.Аренский, Э.Направних, М.Ипполит-Иванов, С.Танеев, А.Греганинов, А.Кастальский ва бошқалар томонидан халқ кўшиқлари жўрсиз хорлар учун қайта ишланди. Рус полифониясини ўлмас кантаталари С.Танеев томонидан ёзилиб, хорларда ижро этилди. Рус хор санъати маданияти оддий бир овоздан кўп овозли турли хилдаги рус хор жанрлари нодир адабиёти дунё мусиқа маданиятининг олтин фондига кирди.

Рус хор жамоалари машхур композитор ва дирижёрлар мислсиз ижодий ютуққа эришдилар. Бундай юксак ижодий йўналишнинг илғор анъаналари кейинчалик XX аср мусиқа маданиятини куриш учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Хоршунослик фани методологиясини яратишда хор санъати намоёндалари ва хор дирижёрлари ўрни диққатга сазовордир. Н.Римский-Корсаков, Г.Ломакин, С.Смоленский, Д.Резумовский, Д.Касталский, В.Булигев, А.Преображенскийларнинг хор билан ишлаш тарзи, хор санъатида эришилган муайян ютуқлари оммалаштирилди ва юксак маданиятга эга бўлди. XX асрга келиб А.В.Николский, П.Г.Чеснаков, А.А.Егоров ўзларининг кўп йиллик иш тажрибаларини ва илғор анъаналарини хор дирижёрлари очерк ва ўқув-методик қўлламалари билан хоршунослик фанининг шаклланишига ўз хиссаларини қўшдилар.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Европада хор санъатини ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
2. Россияда хор санъатини ривожланишига қандай шароит сабаб бўлган?

Назорат иши учун саволлар.

1. Европа хор санъатини шаклланиши.
2. Россия хор санъатини шаклланишида композиторларнинг ўрни.

Муסיқий луғат

1. Тенута (итал. tenere-ушлаш) ўлчовга қараб товушни охиригача куйлаш, бу белги тўғри чизик билан белгиланади, нота тепасига ёки тагига (-) қўйилади.
2. Тесситура (итал. tessitura-товуш баландлиги) оҳанг ёки овоз диапозонига ёки мусиқа асбоби. Тесситура уч хил бўлади: баланд, ўрта ва паст. ўрта тесситура овозни мақомига келтириб куйлашда қўл келади.

Ўзбекистон болалар хор маданияти

Мустақиллик шароитида халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари муҳим, давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалаларга айланган. Халқ анъаналарини ва қадимги, Наврўз каби байрамларни тиклаш, янги – Мустақиллик, Конституция, билимлар ва мураббийлар байрамларини жорий этиш, халқаро (“Шарқ тароналари” ва бошқа) мусиқа фестивалъ ва анжуманларни ташкил этиш - бунинг ҳаммаси мусиқа, шу жумладан хор маданияти соҳасида янги шаклларни излаб топиш, фаолиятини жадаллаштириш талаб этмоқда.

Республикамиздаги ижодий кучларнинг юксалиши болалар ижоди соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Ёш авлодни мусикали эстетик тарбияси ишларининг ривожига “Биз - ўзбекистон болаларимиз”, “Чегарасиз гўзаллик” танловлари, “Усталар шаҳарчаси”, “Ядимги ривоятлар кулгиси”, атоқли хофиз ва бастакорлар Гожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовларга бағишланган хонандалар танловлари яқиндан ёрдам бермоқда.

Бу йўналишдаги янги ташаббуслар сифатида “ўзбекистон Ватаним маним” кўшиқ танлови, ёш ижодкорлар (шу жумладан, ёш хонандалар) танловларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, 1997 йилдан бошлаб ўтказилаётган “ўзбекистон Ватаним маним” кўшиқ танловида бой ва қизиқарли тажрибалар орттирилган. Унда барча мактаб хор жамоалари қатнашиб, энг зўр ижодий кучларни намойиш этмоқда. Жамоаларнинг бадиий дастурлари ранг – баранг бўлиб, Е.Шварц, Ш.Ёрматов, Н.Норхўжаев, А.Варелас, А.Мансуров, Д.Омонуллаева ва бошқа композитор асарларини қамраб олган. Хор раҳбарлари кўшиқ танловига тайёрланиш жараёнида болалар билан катта ижодий ва тарбиявий ишларни бажармоқда.

Республика маданий ҳаётида “Бизнинг келажагимиз” болалар ижодий фестивали ҳам ёрқин из қолдирган. У “Ёрқин юлдузчалар” жамғармаси, Успенский номидаги мусика мактаби ва “Фестиваль” интерклуби томонидан 2002 йилда ташкил этилган. Фестиваль дастурида болалар бадиий ижод кўргазмаси ҳамда болалар ижодий (жумладан, хор) жамоалари қатнашган.

Мустақил ўзбекистон мусика маданияти бадиий турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бунга ҳозирда мавжуд бўлган миллий мумтоз мусика анъаналари, халқ ижоди, композиторлар фаолияти, бадиий хавасқоролик шакллари ҳамда кенг ривож топган эстрада йўналишлари далолат беради. Замонавий композиторлар ижодида янги турли услубларни мужассам этган асарлари пайдо бўлмоқда. Охириги пайтда болалар учун эстрада йўналишидаги, поп- мусика услубида яратган асарларини ижод этиш ҳам юз бермоқда. Бунга Н.Норхўжаевнинг “Бургут ва тойчоқ” мусикали эртаги, А.Эргашевнинг “Морозко”, “Ёр ости подшоҳининг ҳазинаси”, А.Мансуровнинг “Тайвонлар султони”, “ўзга сайёрали робот” опералари ёрқин мисоллар бўла олади.

ўзбекистон болалар хор маданияти ривожига, бу соҳада эришилган ютуқларга ажойиб мусиқачи, болалар хор санъати фаол тарғиботчиси, ўзбекистон халқ артисти, “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби, ўзбекистон телерадио компаниясининг “Булбулча” болалар хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ш.Ёрматовнинг кўшган хиссаси ниҳоятда салмоқлидир. Республика болалар хор санъатидаги кўпгина ижодий ташаббуслар унинг номи билан боғлиқдир. У доимо хор маданияти ривожланишидаги янги йўллари излаб топмоқда. Концерваторияда ўқиш даврида Ш.Ёрматов

Республика болалар ва ўсмирлар саройи қошида болалар хорини ташкил этди.

Консерваторияни тугатгандан сўнг Ш.Ёрматов ўша мактабнинг ўзида, хор тўгараги раҳбари ва мусиқа ўқитувчиси сифатида ишини давом эттирди.

Ш.Ёрматовнинг толмас ташкилотчилик фаолияти ундаги иштиёқ, болаларга бўлган муҳаббат юқори даражадаги касбий маҳорат қисқа муддат ичида унга хорнинг ижрочилик савиясини янада юқори босқичга олиб чиқиш имконини берди. Ўзининг ижодий йўлини топиб олган ушбу хор жамоаси энди хор мусиқаси ишқивозлари, барча мусиқа шинавандалари орасида шуҳрат қозониб, турли республика ва чет эл кўрик танловларида қатнашчи ва совриндор бўлди, шунингдек, давлатимизда ўтказиладиган барча байрам тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Ш.Ёрматовнинг ижодий синчковлиги, изланувчанлиги, болаларнинг мусиқа тарбиясига оид янги шаклларига мойиллиги, унга мактаб мусиқали-хор синфларининг ташкил қилишга имкон берди. Аксарият ҳолларда ушбу синфларга мусиқали қобилияти бор болалар қабул қилинган. Булар республикамызда хор студияларининг таркибий қисми сифатида илк бор ташкил қилинган хор синфларидан эди. Буларнинг ҳаммаси хор машғулотларининг фаоллашуви ва самарадорлигига асос бўлди. Айнан шу даврда Ш.Ёрматов мактабда ўзини барқарор ва ўзига хос жамоа сифатида кўрсатган ўғил болалар хор гуруҳини ҳам ташкил этди. Унинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, академик ва ўзбек миллий қўшиқчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган янги ижрочилик йўналишида намоён бўлди. ўғил болалар хор жамоасининг концерт фаолияти тез орада уни машҳур қилди ва ўзбек ўғил болаларини хор ижрочиличига жалб этишда катта аҳамият касб этди. Шундай қилиб, 1970 йилларнинг ўртасида Тошкент шаҳар 99 мактабида “Бойчечак” катта хор гуруҳи, ўғил болалар хори қизлар вокал ансамблига асос солинди.

Йил сайин хор жамоаларининг ижрочилик маҳорати юксалиб борди, дастурлари кенгайиб, концерт чиқишлари кўпайди. Мактабнинг иккала хор жамоалари “До, ре, ми, фа, соль”, “Куйланг болалар”, “Бирга куйлаймиз”, “Санъат ғунчалари” каби болалар телевизион дастурларига жалб этилди. “Бойчечак” хор жамоаси ўзбекистон бўйлаб гастролда бўлган, Финляндия, Болгария хор жамоаларининг фестивалъ – танловларида, бир неча марта Эстонияда қўшиқ байрамларида қатнашган. 1970 йилда хор “Бойчечак” хор студияга айланиб, “Республиканинг намунали болалар хор жамоаси” унвонига сазорвор бўлган. Гастрол фаолияти кенглиги туфайли унинг бой ва ранг-баранг (жаҳон мумтоз, ўзбекистон композиторлар хор асарларидан иборат бўлган) дастурларидан турли халқ қўшиқларининг ҳам ўрин олишга сабаб бўлган.

Афсуски, болалар саройидаги шароитнинг етишмовчилиги туфайли ўғил болалар хор жамоаси 10 йилги фаолиятдан сўнг 1980 йилларда тарқалиб кетди.

Ўзбек композиторларининг болалар хор мусиқаси соҳасидаги фаол ижоди, турли кўрик, танлов, фестивал, кўшиқ байрамларининг ўтказилиши 1970 йилда Ўзбекистон Давлат телерадио кўмитаси қошида Ш.Ёрматов бошчилигида болалар хор жамоаси ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб, бу жамоа – республикамиздаги энг машҳур Ўзбекистон телерадио компаниясининг “Булбулча” болалар хориға айланди. Болалар хорининг жарангдор, завқу-шавққа тўла санъати барча хор мусиқаси мухлисларига маълумдир. Репертуардаги асарларнинг ижроси юксак маҳорат, мусиқавийлиги, жонлилиги, самимийлиги билан ажралиб туради.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу жамоа машҳур хор жамоалари (Россия марказий телевидение ва радиоси қошидаги катта болалар хори, “Пионерия” хор студияси) тажрибаларига ижодий суяниб, хор ижрочиларини тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос қоидаларига асос солди. Ҳозирда жамоа таркибида 600 га яқин бола бўлиб, у ўзининг қуйидаги тузилмага эга:

- мактабгача бўлган болалар гуруҳи;
- кичик хор гуруҳи;
- ўрта хор гуруҳи;
- ўғил болалар хор гуруҳи;
- ёшлар хор гуруҳи;
- фольклор хор гуруҳи.

Хор жамоасига Ш.Ёрматов кейинчалик ўзининг маслакдошларига айланган, “Булбулча” хорида вокал мактабини ўтган хор-дирижёрлари (уларнинг деярли барчаси консерватория битирувчилари) ни таклиф этди. Булар С.Олимов, А.Нестерова, И.Рўзиев, Н.Иброҳимова, Г.Мансурова, Д.Собирова, Н.Мирзаева ва бошқалардир.

Фольклор, халқ кўшиқларига қизиқишининг ортиб бориши туфайли жамоанинг бадиий ижрочилигида янги йўналишлар пайдо бўлди. Фольклор ансамбли, шунингдек дуторчи қизлар, доирачилар, халқ чолғу асбоблари, рақс (кичик ва катта гуруҳлар) қатнашчилари, ҳам тингловчиларда халқ мусиқа ижодига муҳаббат уйғотмоқда. Жамоанинг ижро дастури, ижро услуби турли халқ кўшиқларининг хусусиятларини англаб олишга ёрдам бери. Шундай қилиб, Ўзбекистон телерадио компаниясининг “Булбулча” болалар хори гуруҳдаги ҳар бир иштирокчига санъатнинг барча жанр ва турлари билан яқиндан танишишига имкон бери.

Ш.Ёрматов хор жамоасининг дастурига катта аҳамият беради ва унинг асосий вазифаси деб болалар кўшиқларининг тарғиботини тушунади. Унинг ўзи, истеъдодли композитор сифатида, турли жанрлардаги 100 га яқин кўшиқ, (“Сумалак”, “ўилдирагим”, “Меҳнат кўшиғи”), а’капелла асарлари (“Ялпиз”, “Майса”, “Бойчечак”, “Ўр ёғар” ва бошқа)ларни яратди. Кўшиқ мавзулари болаларга яқин ва тушунарли бўлиб, уларнинг мазмуни, маънодорлиги, мусиқаси эса оҳангдорлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Жамоа репертуаридан Ўзбек композиторларининг

асарлари билан бирга доимо чет эл мумтоз хор асарлари ўрин олиб, болаларнинг жаҳон маданиятига бўлган ҳурмати оширмоқда. Катта хор жамоаси концертларда фаол қатнашиб, радио ва телевидениеда кўп қўшиқларни ёздирмоқда, республика ва халқаро учрашувларда иштирок этиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Ўзтелерадио болалар хор жамоаси 1981 йили Москвадаги Россияда хизмат кўрсатган артист Г.Струве раислигида бўлиб ўтган “Комертон” (композиторлар ва болалар-ўсмирлар, хор жамоалари дирижёрлари) клубининг 2-йиғилишига ташриф буюрди. “Болалар хори ва халқ мусиқа анъаналари” мавзусидаги бахс мунозара Ўзбекистон давлат телерадио хор жамоасининг ижодига бағишланди, тингловчилар хорни катта қизиқиш билан кутиб олдилар ва қизғин равишда қўллаб-қувватладилар. Бу концертда, хор жамоасининг юксак ижрочилиги маҳорати, куйлаш услубининг софлиги, ёрқинлиги ва ифодавийлиги, ажойиб маънодорлигидан таъсирланган Г.Струве, хор жамоасини “Булбулча” деб аташни таклиф этди.

1989 йили “Комертон”нинг навбатдаги “Хор санъатининг халқчиллиги” мавзусидаги йиғилишига ўзтелерадионинг ёшлар хор жамоаси таклиф этилди ва у ўзининг катта ва ранг-баранг дастури билан муваффақият қозонди. Ёшлар хор жамоаси тингловчиларни ўзбек композиторлари асарлари, қайта ишланган халқ қўшиқлари билан бирга ўзбек мумтоз мақом йўллари билан ҳам таништирди.

Мазкур бадиий жамоа Россия, Украинада, Душанбе, Боку шаҳарларида, шунингдек Югославия, Финландия, Конго, Туркияда бўлиб ўтган болалар хор жамоаларининг халқаро фестивалларида зўр муваффақият билан иштирок этди.

“Булбулча”нинг Югославиядаги Халқаро болалар қўшиғи танловига ташрифи ниҳоятда самаралаи бўлди: хор қатнашчилари Н.Мирзаева, Б.Шокировлар лауреат унвонига ҳамда “Олтин булбулча” совринига эга бўлишди. Туркия ва Омск шаҳрида (1991 йил) ўтказилган Халқаро хор мусиқа фестивалларида хор чиқишлари катта муваффақият билан ўтди. ўша пайтда машҳур рус дирижёри Г.Сколов “Булбулча” хорини “Шарқ дурдонаси” деб унга юксак баҳо берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ш.Ёрматов бошчилиқ қилаётган жамоада иштирок этган юзлаб, минглаб болалар, ҳаётга мусиқа жиҳатдан саводли ва маънавий етук инсонлар сифатида кириб бориб, бир умр санъатга ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини сақлаб қолмоқдалар.

Хор жамоасидаги тарбиявий ишларнинг асоси нафақат хор қўшиқчилигига ўргатишга шунингдек, ҳар бир хор ижросини шахс сифатида шакллантиришга қаратилган. “Уларнинг кейинчалик, мустақил ҳаётида қандай касбни эгаллашлари муҳим эмас, муҳими улар ҳақиқий инсонлар бўлиб етишадилар ва бунга мен ишонаман”, - дейди Ш.Ёрматов.

Ш.Ёрматовнинг мусиқий-маърифий ишлари алоҳида диққатга сазовор. “Ўшиқ маънавияти” радиотуркуми қўшиқнинг гўзаллигини очиқ беришга,

тингловчиларнинг хор санъати ноёб намуналари ҳамда ўзбек композиторлари асарлари билан таништиришга қаратилган. Мазкур эшиттиришда республикамиз энг яхши хор жамоалари қатнашмоқда (масалан, Марғилон шаҳар болалар хунар ва санъат саройининг “Шодиёна” ансамбли ва бошқалар). Ш.Ёрматовнинг “Ўшиғим – жон қўшиғим”, “Биргаликда куйлаймиз” муаллифлик теледастурлари алоҳида аҳамият касб этади. Унда Ш.Ёрматов хор санъати ва қўшиқ турлари тарихи ҳақида қизиқарли тарзда баён этиб, ўзбекистон композиторлари ижоди, мусиқа тушунча ва атамалар билан таништиради, алоҳида халқ қўшиқчилиги анъаналарига аҳамият беради.

“Булбулча”да вокал мактабини кўрган кўпгина йигит ва қизлар кейинчалик мусиқа касбини танлаб олишган. ўзбекистон давлат консерваториясини тугатиб, улар устоз ишини давом эттирмоқда, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида мусиқа ва хор дарсларини олиб бормоқда, вокал ёки вокал-чолғу ансамбль, вокал эстрада студиялар ва гуруҳларини ташкил қилмоқда (“Севинч” С.Рустамова, “Тантана” Ф.Зиёмуҳаммедова ва З.Зиёмуҳаммедовалар, “Сарбон” Ф.Саидов, “Бунёд” В.Јулдошев ва бошқалар). ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист И.Фармонов, “Нихол” соврини лауреати Д.Раҳимова, Севара Назархон, М.Саидумаров каби машҳур эстрада қўшиқчилари ҳам “Булбулча” хорида тарбия олган. Шунинг таъкидлаш керакки, Ш.Ёрматовнинг кўп йиллик, сермахсул фаолияти, унинг янги болалар хор жамоаларини ташкил этиш болалар мусиқавий тарбиясини янги шакллариини излаб топиш тажрибалари ўрганиш ва ўзбекистонда кенг жорий этишига сазовордир.

Оммавийлик, изчиллик, касбий тайёргарлик омилларига асосланган оммавий мусиқали эстетик тарбиянинг янги шакллариини фаол қидириш жараёни республикада яна битта хор студиянинг ташкил қилишда намоён бўлди.

1972 йилда Навоий шаҳрида “Фарҳод” маданият уйида болалар хор жамоаси тузилиб, унинг асосида 1979 йил хор студияси ташкил этилди. Ҳозирда студияда 400 дан ортиқ (4 ёшдан 16 ёшгача бўлган) бола шугулланмоқда.

Студиянинг биринчи раҳбари Ж.Ларинова эди. Бу студия ўқув жараёнини ташкил қилишдан тортиб, то тарбиявий ишга бўлган барча тадбирлар хор жамоасининг ҳар бир аъзосини шахс сифатида шакллантиришга, унинг маънавий дунёсини бойитишга қаратилган.

Студия жамоаси – нафақат Навоий шаҳрида, балки бутун республикага ҳам яхши танишдир. Республикадаги “Санъат байрами” танловининг бир неча бор совриндори бўлган ушбу хор жамоаси Москва вилояти Дубна шаҳрида бўлиб ўтган 3-болалар қўшиқ байрамининг иштирокчиси сифатида диплом билан тақдирланди, мамлакатимиздаги хор қўшиқлари байрамининг доимий иштирокчисига айланди.

“Фарҳод” студиясининг шаклланиши ва ривожланишида Г.Струве, шунингдек О.Ионова (Дубна)лар катта роль ўйнаган, улар билан бўлган

алоқалар ва учрашувлар студиянинг ташкилий ва таркибий хусусиятларини белгилаб қўйган. Хор студияси ўзбекистон композиторлар уюшмаси билан яқиндан ижодий алоқададир. Бастакор Е.Шварс ҳамда Ш.Ёрматов студиянинг яқин дўстлари ҳисобланадилар.

Студия бир неча хор гуруҳидан иборат бўлиб, уларнинг таркиби болаларнинг билим даражаларига боғлиқдир. Бу гуруҳлар “хор босқичлари” деб аталиб, қуйидагича бўлинади:

- “Томчилар” тўрт ёшлик болалар хор гуруҳи;
- “Булбулчалар” беш ёшликлар хори;
- “Ўнғироқчалар” олти ёшликлар хори;
- кичик хор гуруҳи;
- ўрта хор гуруҳи;
- ўғил болалар хор гуруҳи;
- номзодлик хор гуруҳи;
- катталар хор гуруҳи.

Еттинчи хор босқичи – катталар хори етакчи хор жамоаси бўлиб, студия фаолиятининг асосий етакчиси ва концерт бирлиги ҳисобланиб, хорнинг олдинги олти босқичнинг натижасидир.

Студиядаги болалар 4-5 ёшдан бошлаб хорда қўшиқ ижро этиши билан бирга мусиқа ўйинларига ҳам қатнашадилар (К.Орф, В.Кодай, Д.Ковалевский тизимлари билан боғлиқ бўлган мусиқа машқлари ва усуллари мажмуаси). Бу ўйинлар жараёнида болалар мусиқа саводини эгаллайдилар, ритмика билан шуғулланадилар, мусиқа эшитадилар, болалар мусиқа чолғуларида чаладилар ва буларнинг ҳаммаси уларнинг мусиқали қобилиятига, мусиқага бўлган эмоционал таъсирчанлигига таъсир этади. 1- синфдан эътиборан студия иштирокчилари (албатта мусиқа соҳаси бўйича муайян билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган ҳолда) бирор мусиқий чолғу (фортепиано, аккордеон, баян, гитара)да куй ижро этишни ўргана бошлайдилар, бу эса уларнинг хор ижрочилиги билим ва малакаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. “Фарҳод” студияси мусиқани ўрганиш истагини билдирган ҳамма болалар қабул қилинади ва айни шу нарса студия фаолиятининг афзалликларидан биридир. Мусиқа дарсларининг барча турларида хор қўшиқчилиги ёрдамида болалардаги мусиқавий қобилиятлар ривожланиб, улар эса ижодкор шахс сифатида шаклланиб, такомиллашади. Балки алоҳида қобилияти бор болалар мусиқа касбини танлаб олиши мумкин, амма уларнинг аксариятида мусиқага садоқат ва меҳр туйғулари бир умрга қолади.

Студиянинг ўқув режасида қуйидаги ўқув фанларининг мажмуаси белгиланган бўлиб, улар орасидаги ўзаро алоқа йил сайин мустаҳкамланиб боради:

1. Хор – барча босқичлари;
2. Сольфежио – биринчи синфдан бошлаб;
3. Мусиқа адабиёти – юқори синфларда;
4. Мусиқа чолғу асбоби – биринчи синфдан бошлаб;

5. Танлаб ўрганиладиган ўқув фани – беш ёшидан бошлаб:

а) расм; б) ритмика; в) басейн.

Таъкидлаш лозимки, ўқув режасига биноан, машғулотлар изчиллик билан, режа бўйича болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. “Фарҳод”даги хор босқичлари Д.Огородновнинг услуб тизими бўйича болаларнинг ижодий имкониятларидан фойдаланиб, уларнинг онгли тасаввурларини ҳисобга олган ҳолда ишлайди.

Ўшиқчилик малакаси ва овозини тўғри йўлга қўйиш усуллари излаётган педагоглар, аксарият ҳолларда, вокал ижрочилигининг замонавий усулларига мурожаат қилмоқдалар. Чунончи, хор раҳбарлари, тажриба тариқасида В.Емеляновнинг вокал ишида тайёрлов ва ёрдамчи босқич ҳисобланган фонопедик машқлардан фойдаланмоқдалар; бу машқлар томоқ мушакларини ривожлантиради ва овоз тузилишида иштирок этадилар.

Хор машғулотларига қўшилиб кетган хор сольфежиоси машқларида куй, гармоник, ладофункционал ўқувлари, шунингдек ритмни ҳис этиш қобилияти ривожланади, болаларга қўл ҳаракати орқали берадиган белгилардан, замонавий услубий воситалардан кенг миқёсда фойдаланилади.

“Фарҳод” студиясида яна битта қизиқарли анъана – ёзги “хор оромгоҳлари” бўлиб, бу ерда дам олиш фаол хор машғулотлари билан уйғунлашиб кетган. Болалар Москва, Екатеринбург, Подольск, Ереван, Бахмали шаҳарларидаги ёзги оромгоҳларда бўлиб қайтган.

Меҳнат билан хордиқ чиқаришнинг қўшилиб кетиши ҳам жамоани шаклланишига, ҳам ҳар бир хор ижросини алоҳида тарбиялашга жуда катта таъсир кўрсатади. Шу вақт мобайнида студия муаллимлари мусиқа раҳбари ва тарбиячи вазифаларини бажарадилар. Гар йилги ёзги оромгоҳлар болалар орасидаги дўстлик алоқаларининг вужудга келишига ёрдам беради, муайян анъаналарни вужудга келтиради.

Ёзги оромгоҳлар студия иштирокчилари билан хор раҳбарлари ўртасидаги ҳамфикрлиликнинг яхшиланишига ёрдам беради ва бу нарса ўқув йили давомида студиянинг кейинги фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади. Ёзги таътиллار вақтида студия иштирокчилари навбатдаги ўқув йили учун режалаштирилган асарларнинг учдан икки қисми билан танишиб, ўрганишга улгурадилар.

Хор дастурига ҳам катта аҳамият берилиб, унинг асосини рус ва хорижий композиторларнинг мумтоз асарлари (М.Глинка, П.Чайковский, Ф.Шуберт, В.Моцарт), ўзбекистон композиторлар (Н.Норхўжаев, Ш.Ёрматов, Ф.Назаров, А.Мансуров, А.Берлин ва бошқалар)нинг асарлари ташкил қилади. Хор дастуридан шунингдек, рус, молдаван, грузин ва бошқа халқ қушиқлари ўрин олган. Хор студияси жамоалари актив концерт фаолияти билан шуғулланмоқда ва уларнинг чиқишлари доимо хор мусиқаси ишқибозларининг таҳсинларига сазовор бўлмоқда.

Студия тингловчиларининг кўлами кенг бўлиб, улар болалар боғчалари (кичик хор гуруҳи), умумтаълим мактаблари, харбий қисмлар, ширкат хўжаликларида, шаҳар ва республика болалар ва ўсмирлар уйлари ва саройларида, ҳар йили консерватория залида ўтказиладиган хор фестивалида “Санъат байрами” ва кўрик танловларида, Бухоро, Учкудук, Тошкент, Зафаробод шаҳарларида концерт берган.

Студиянинг педагоглари таркиби – ёш, ғайратли, ижодий ташаббускор инсонлардан ташкил топган бўлиб, уларни эзгу мақсади – болаларни гўзаллик ва олижанобликка ошно қилиш ғояси бирлаштирган. Олий ва ўрта мусиқа ўқув юртларини битирган бу ёш мутахассислар турли жойлардан келишган.

Чунончи, студиянинг Новосибирск консерваторияси хор дирижёрлиги кафедрасида таълим олган Л.Назаренко изланувчи, мусиқага меҳр қўйган инсон бўлиб, ўзининг ижодий ғайратини болалардаги мусикавий-ижодий имкониятларини оширишга қаратган. Студиянинг қатор битирувчилари ҳам мусиқа касбини танлаб олдилар. Болалар ва ёшларни тарбиялашда фаол иштирок этганлиги, эришган ижодий муваффақиятлари учун “Фарҳод” хор студиясига, 1983 йилда, ўзбекистон Касаба Уюшмалари Президиумининг қарори билан “Намунавий бадиий ҳаваскорлик жамоаси” фахрий унвони берилди.

Ёш авлодга мусиқий тарбия беришнинг янги шакллари 1988 йилда ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси қошида ташкил қилинган “Томоша” болалар театр студияси амалга оширмоқда. Унинг раҳбари – болалар мусиқа таълими фидокори, ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Н.Јурбонова пухта касбий тайёргарлик ва катта ташкилий – педагогик тажрибага эгадир. Унинг педагогик истеъдоди театр-студияга раҳбарлик қилиш жараёнида тўла намоён бўлди. Тўлақонли касбий маълумотга эга бўлишига қарамасдан, Н.Јурбонова хор ижрочилигида муҳим бўлган мумтоз усуллар (“академизм”)га суянмайди, хор санъати янги имкониятларини сабр билан излаб топмоқда ва бу жараёнида илҳом билан бадиҳа - ўйин, бадиий ижро усулларида кенг фойдаланмоқда.

Н.Јурбонова бадиий жамоага С.Рустамова, М.Хасанова каби болалар билан берилиб ишлайдиган, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни жалб этди. Ёш жамоани оёққа туриб олишига “Ялла” вокал-эстрада ансамбли ва унинг бадиий раҳбари ўзбекистон халқ артисти Ф.Зокиров, ҳамда халқ кўшиқларини қайта ишлаб берган, ансамблнинг мусиқа раҳбари Р.Илёсов катта ёрдам бердилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёрқин ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлган Н.Јурбонованинг ўзи ҳам “Томоша” учун жуда кўп кўшиқларни, кўпгина номер ва спектаклларни яратди.

“Томоша” студиясида амалага ошириладиган мусиқий тарбиянинг услуби болаларда халқ мусикасига муҳаббатни уйғотишга, ўзбек мусикасининг жорий ва услубий хусусиятларини англаб олишига қаратилган.

“Томоша” театр-студиядаги хор ижрочилгининг ўзига хос услубини ташкил этади. бунда ҳар бир кўшиқнинг асосий оҳанг бўлаклари ажратилиб, улар асосида болаларга тушунарли ҳамда яқин бўлган ўйин ҳаракатлар уйлаб топилади, ўзига хос таъсуротларини тўғдирадиган хор ёзуви воситаларидан фойдаланилади.

Шу мақсадда бунда халқ куйларига асосланган вокал-хор машқларининг тизими ишлаб чиқилди. Театр студиясида ишлар мақсадга мувофиқ ва изчил равишда амалага оширилмоқда. Болалар мусиқа бўйича саводини чиқарадилар, турли мусиқа чолғуларида ижро малакаларини эгаллайдилар, умумий билим даражаларини оширадилар.

Театр студиясининг репертуаридан “Шарқ бозори”, “Шарқ мучали”, “Даҳшатли меш полвон” каби сахна асарлари ўрин олган. Халқ - маиший мавзуларида, кулгули мазмундаги бу асарлар болаларда ўйин фаолиятини, актёрлик лаёқатларини, ижодий тасаввурни, дунёни хурсандчилик билан тасаввур этиш каби хусусиятларини шакллантиради.

Ушбу жамоа мунтазам равишда концерт фаолияти билан шуғулланиб, радио ва телевидениеда кўп кўшиқларини ёздирган, фестиваллар ва ижодий учрашувларда иштирок этиб, умумхалқ хурмат-эътиборга сазовор бўлган. У нафақат республика ҳудудида, балки хорижий мамлакатларда ҳам танилгандир. 1990 йили “Томоша” театр студияси жамоаси Асхабодда, 1991 йил Москвада, Голландиядаги болалар жамоалари фестивалида, 1992 йили Туркияда бўлиб ўтган фестивалда, шунингдек, Германия, Жанубий Корея фестивалларида иштирок этган.

“Шарқ бозори” спектакли томошабинларнинг алоҳида илтифотига сазовор бўлдики, унинг асосий қаҳрамонги Хўжа Насриддин Шарқнинг кўпгина халқлари ичида машҳурдир. 1992 йили “Томоша” болалар театри студияси ҳақида телефилм яратилди, 1993 йилда эса ўзбек телевидениесида “Томоша” телеканали очилди.

“Томоша” театр студиянинг фаолияти сермахсул бўлиб, унинг тажрибаси республикада кенг тарқалмоқда. Масалан, “Томоша” студияси бир неча йил ишлаб келган С.Рустамова ўзининг “Севинч” вокал гуруҳини ташкил қилган. 1980 –1990 йилларда республикадаги хор студиялари билан умумтаълим мактаблари, мусиқа ва умумтаълим мактаблари орасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўла бошлади. Умумтаълим ва мусиқа мактабларининг ҳамкорлиги натижасида Тошкент ва Республикамизнинг бошқа шаҳарларида мусиқий-эстетик йўналишдаги “Тажриба майдончалари” деб номланган қатор мактаблар пайдо бўлди. Улар бир-биридан мусиқий эстетик йўналишлари билан фарқ қилиб, турли ташкилий-услубий ва ўқув тузилиш шакллари эга бўлган ўқув юртлари (баъзи ҳолларда – хор синфлари шаклида, бошқа ҳолларда эса опера-хор студияси ёки умумтаълим мактаби қошида бепул мусиқа мактаби шунингдек, бадиий театр йўналишидаги студия) кўринишига эга бўлдилар.

Республикамизда бундай ҳамкорлик маълум маънода нодир тажриба бўлди; шу йўсиндаги Минск, Санкт-Петербург мактабларида тўпланган тажрибалари, уларда синовдан ўтган услубий йўл-йўриқлар педагогларга тўлақонли ўқув режасини ишлаб чиқиш имконини берди. Умумтаълим ва музика мактаблари орасидаги ҳамкорликнинг яхши намунаси сифатида Тошкент шаҳар 4-сонли музика мактаби билан 147 –сон умумтаълим мактаб ўртасида 1984-1985 ўқув йили бошланган ҳамкорлик натижасида вужудга келган болалар опера театрини келтириш мумкин.

У пайтда умумтаълим мактабида кичик ва катта хор жамоалари (“Санъат байрами” кўрик танловининг бир неча бор ғолиблари) ва вокал-чолғу ансамбли фаолият кўрсатаётган эди. Мактабнинг педагогик жамоаси болаларга музикали-эстетик тарбия бериш билан жиддий шуғулланди ва 1985 йил сентябрдан бошлаб музикали йўналишдаги биринчи синфда иш бошлади, бу синф музикали қобилятига эга бўлган болалардан ташкил топди.

Музика синфининг ўқув жадвалига қуйидаги музика фанлари: хор, ритмика, сольфежио, бирорта музикаий чолғуда ижрони ўргатиш киритилди. Музика машғулотларини БММ нинг муаллимлари олиб бордилар.

1988 йилда ўзбекистон Маданият ва Халқ таълими вазирликларининг коллегиялари қарори билан 4-сонли БММ ва 147- сонли ўТМ нинг ўқитувчиларни эстетик тарбиялаш борасидаги ҳамкорлик тажрибаси қўллаб қувватланди.

1990-1991 ўқув йилида, биринчи марта, ўзбек музика синфига ҳам ўқувчилар қабул қилинди. Мажбурий музика ўқув фанлари билан бирга болалар ўзбек халқ чолғулари – рубоб, дутор, чанг, доирада ижро этишни ўрганишди. Машғулотларни музика мактабининг ўқитувчилари олиб бордилар, шундай қилиб, мактабда халқ чолғулари ансамблини ташкил этиш имкони пайдо бўлди.

Республикадаги умумтаълим ва музика мактаблари орасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланган илк тажрибалар ўз мантикий ривожини топди. Масалан, Тошкент шаҳри 27-умумтаълим ва 2- музика мактабларида, музика синфлари негизида хор опера студияси ташкил этилди. Студиянинг хор жамоаси кўрик танловлари, кўшиқ байрамлари, концертларда тез-тез иштирок этиб, доимо совринли ўринларни эгаллаб олди.

Мустақил – эстетик йўналишдаги мактаблар ичида, бу мактаблар – “мажмуа-мактаб” ҳисобланиб, музикали-эстетик тарбиянинг уч босқичини ўз ичига олган: I босқич - болалар боғчаси, II босқич – мактаб, III-ижодий олий ўқув юрти (консерватория, санъат ва маданият институти; Педагогика билим юртининг музика факультети). Мактаб мажмуаларда болалар мактабгача ёшидан бошлаб музикага фаол суратда жалб этилиб, кейинчалик уларнинг билимлари мактабда кенгайиб ва чуқурлашиб, мактабни тугатаётган битирувчилар эса бадиий олий ўқув юртига кириш имкониятига эга бўлдилар.

Хор муסיқаси фестивалларини ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб, уларни ўтказиш жараёнида шу соҳада мавжуд бўлган асосий ижодий кучлар, эришилган ютуқлар, шунингдек болалар муסיқий тарбия тизимида вужудга келган муаммолар намоён бўлмоқда. 1970 йиллардан бошлаб болалар хор фестиваллари мунтазам равишда ўтказилиб, болалар хор санъати ютуқлар ва савиясини намоён этмоқда. 1971 йилда Тошкентда 1-болалар муסיқа мактаблари хор фестивали, 1974 йилда эса 1-республика болалар хор жамоалари фестивали ўтказилган.

1988 йилда Тошкент консерваториясида ўтказилган 1-республика хор муסיқаси фестивалида кўпгина болалар хор жамоалари ҳам қатнашган.

Болалар хор муסיқасининг биринчи фестивали 1989 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 20 та болалар муסיқа мактабларининг жамоалари иштирок этишди. “Хор ижрочилигининг бу баҳорий фестивали, моҳияти жиҳатидан, Тошкент давлат консерваториясида ўтказиладиган фестивалдан фарқ қилади. У ҳақиқий болалар фестивалидир”.

Бу борада 1998 йили апрел ойида Тошкентда ўтказилган оила йилига бағишланган “Ўшиқ байрами” шаҳар кўрик танлови диққатга сазовор. Унда бир неча умумтаълим мактаблари хор жамоалари, шунингдек, интернат, гимназия, лицейларнинг болалар оркестр, халқ чолғу, вокал, мақом ансамбллари ва рақс жамоалари иштирок этишди. Кўрик танловнинг дастури, асосан, ўзбекистон композиторларининг янги асарлари, қайта ишланган халқ куйларидан иборат бўлди.

Ижодий кўтаринкилик руҳида ўтган ушбу кўрик танлов хор санъатининг мавқеини кўтарилиши, жамоалар бадиий даражаси ўсиб бориши, репертуарни ва хор кўшиқчилиги усулларини ўзгариб туриши намоён этди. “Ўшиқ байрами” профессионал асосдаги муסיқа таълимининг муаммоларини аниқлаб, яна бир хор жамоатчилигининг диққат эътиборини хор жанрига жалб этди.

Шуниси қувонарлики болалар хор ижрочилиги республика профессионал хор санъатининг ажралмас қисмига айланмоқда. Фикримизнинг далили сифатида 1999 йил апрел ойида Тошкентда бўлиб ўтган “Ассалом Наврўз” деб номланган хор муסיқасининг республика фестивалини келтириш мумкин.

Баҳорги фестивалнинг кенг ва ранг-баранг дастурида профессионал жамоалар билан бир қаторда ўзтелерадиокомпаниясининг “Булбулча” хор жамоаси, В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика махсус муסיқа мактабдари хор жамоалари, Тошкент, Навоий, Учқудуқ шаҳар муסיқа мактаблари, Самарқанддаги чет тиллари институти талабалари хори ўз санъатларини намоёйиш этдилар.

Тажрибали амалиётчи педагоглар ўзаро тажриба алмашиб, қизиқарли намуналар мисолида хор санъати кенг заҳираларидан фойдаланиш имкониятларини намоёйиш этдилар. Шуни қайд этиш керакки, хор репертуарининг сезиларли даражада бойиши республика композиторлари томонидан яратилган асарлар ҳисобига рўй бермоқда.

Хор фестивали, шунингдек “Ўзбекистон – Ватаним маним” кўрик танлови ўзбекистондаги хор санъатининг янги йўналишлари - фольклор ансамбли, академик ва халқ хор кўшиқчилигининг истиқболларини белгилаб берди. Бўлиб ўтган фестивал хор маданиятига бўлган эҳтиёжни ўрганиш муаммоларини вазифа қилиб қўйди ва унинг аҳолининг турли ёшдаги гуруҳларига таъсир доирасини аниқлаш, ҳамда хорни ижрочи организми сифатида, унинг турлари кўринишлари, таркибини тўлдириш каби вазифаларни ҳал қилиш масалаларига эътиборни қаратди.

Фестиваллар хор санъатининг ҳозирги аҳволи, унинг замонавий мусиқа маданиятининг асл манбаи ва ишончли, ноёб негизи эканлигини ёрқин равишда намоён этди.

Хор санъатининг инсон шахсини шакллантиришда, ундагит юксак ахлоқий сифатларни мужассамлаштиришда, унинг фуқаровий бурчи ва маънавий оламини етуклик даражасига кўтаришда аҳамияти каттадир.

Нафис хор санъати болага ёшлик давридан бошлаб оламни идрок этишда ёрдам беради, айна пайтда унда ҳаётга бўлган қизиқиш, унинг ижодий бунёдкорлигига бўлган эҳтиёжини уйғотади.

Хор маданиятининг дунёқарашини шакллантирувчи тамойиллари айниқса бугунги кунда, умуминсоний маънавият қадриятларининг қайта тикланаётган даврлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ГАВАСКОРЛИК ХОРИ ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ГАВАСКОРЛИК ХОРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Гаваскорлик санъати қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- a) Кенг халқ оммасини ғоявий ва эстетик тарбиялаш
- b) Хор коллективи ва қатнашчиларининг маънавий эҳтиёжларини ва уларнинг маданий, эстетик савияларини ошириш
- c) Хор иштирокчиларига мусиқа маълумоти бериш
- d) Хаваскор артистларни бадиий ижро маҳоратига эга қилиш, уларнинг концерт ижрочилик фаолиятини ташкил қилиш.

Ҳар бир хор аъзоси коллектив олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун актив бўлиши керак. Хаваскорлик хор коллективи фақат дам олиш, кўнгил очиш мақсадлари учун тузилади, деб қараш асло нотўғри. Бундай ҳолда коллективнинг тарбия функцияси йўқолади, у кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда қолади.

Хор аъзоларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш хаваскорлик хорларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Маълумки, кишилар хаваскорлик хорларига ўзларининг дам олиш вақтларида, ўз хоҳишлари билан қатнашиб, маданий савияларини оширадilar, кўшиқ айтиш, мусиқа тинглаш ва мусиқа саводи каби билимларга эга бўладilar. Бу эса уларнинг бадиий дидларини ошира боради.

Хаваскорлик хорларининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар кенг концерт чиқишлари, концерт-лекция, концерт-суҳбат, ҳар хил учрашувлар

билан халқимизда халқ қўшиқлари, ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар, классик асарларни тарғибот қилиб, ўзига хос маданий оқартув ишларини олиб борадилар.

Шундай қилиб, хаваскорлик хор коллективлари ўзларининг бадийий-ижрочилик маҳоратларини оширишни ўқув-тарбия ва ғоявий тарбия ишлари билан боғланган ҳолда олиб борадилар ва улар меҳнаткашларга маданий хизмат қилиш вазифасини бугунги кун талабига мос равишда бажарадилар.

Хаваскорлик хорини ташкил қилиш.

Хаваскорлик хорини ташкил қилиш, асосан, икки даврга бўлинади. Биринчи даврга, хаваскорлик хор коллективини ташкил қилиш учун бажариладиган барча тайёргарлик ишлари киради.

Иккинчи даврга, раҳбарнинг хор билан биринчи учрашуви, хонандаларнинг вокал, мусикий қобилиятларини текшириш ва овозларни аниқлай бориш, хор партияларини бутлаш ишлари киради.

Мана шу ишларнинг ҳаммаси хор тузишнинг ташкилий даври ҳисобланади.

Хор раҳбари ўз атрофидаги активлар билан хор ташкил қилиш учун кенг агитация ишлари олиб бормоғи лозим. бу ишда барча агитация воситаларидан кенг фойдаланилади.

Бўлажак хор аъзолари билан бўладиган биринчи учрашувга жиддий қараш, пухта тайёргарлик кўриш лозим. агар биринчи йиғилиш ёмон ташкил қилинса, бу иш қўшиқ-хор ижрочилигини севувчиларга салбий таъсир қилиши мумкин. Хор раҳбари маҳаллий шароит билан, шу ернинг қўшиқчилиқ анъаналари билан яхши танишган ва юқоридаги кўрсатмаларга амал қилган ҳолда хор тузишга киришади. Шундан кейин иккинчи ташкилий давр раҳбарнинг хор аъзолари билан биринчи росмана учрашувидан бошланади.

Пухта тайёргарлик кўрилиб ўтказиладиган биринчи ташкилий машғулотда ходимлардан бири йиғилган кишиларга хор раҳбарини таништиради. Шундан сўнг хор раҳбари олдинга қўйилган вазифалар ҳақида, хор қўшиқ санъати ҳақида гапириб беради. Тўғарак аъзоларини янги қўшиқлар билан таништиради ва таниш қўшиқлардан бир-иккитасини айтиб беради, хонандаларни ҳам таниш қўшиқни биргалашиб айтишга таклиф қилади. Илк бор қўшиқ айтиш иштиёқида келган шахслар машғулот мазмунидан яхши таассурот олишлари керак. Биринчи машғулотда тўғарак аъзоларига хор тузиш учун ҳар бир хонандани эшитиб кўриш, уларнинг овоз характерини , қайси партияга мансублигини аниқлаш зарурлиги тушунтирилади. Шунингдек, хонандалар билан маслаҳатлашиб , машғулотларнинг аниқ кунлари ва вақтлари белгиланади.

Шундай қилиб, хор раҳбари биринчи дарсда хор қатнашчилари билан қисман танишади, уларни рўйхатга олади. Хор коллективининг ташкилий даври тезроқ и, хонандаларни хорга кўпроқ жалб қилиш учун биринчи

ташкилий кундан бошлаб раҳбар ўзининг бутун педагогик маҳоратинишга солиши ва машғулотлар қизиқарли ўтиши зарур.

Маълумки, муסיқага бутунлай ўқувсиз кишилар жуда ҳам кам учрайди. Чунки ҳозирги вақтда радио, телевидение, ахборот воситалари орқали жуда ҳам кўп муסיқа эшитиш имкониятига эгадирлар. Мана шу воситалар орқали инсонлар кўп муסיқа ахбороти оладилар. Бу ишлар албатта, ёшлар ва катталарнинг муסיқий дидларини, тушунчасини ва онгини ўстиради. Шунингдек, радио, телевидение кишиларнинг эшитиш қобилиятига ҳам ижобий таъсир қилади.

Хорда ўз-ўзини бошқариш органларини сайлаш муддати бир оз чўзилади ва бу иш хонандалар бир-бирлари билан бирмунча танишганларидан сўнг амалга оширилади. Кейинги машғулотлар давомида хор қатнашувчилари орасида актив, яхши муסיқий қобилияти бор кишилар маълум бўла бошлайди. Шулар орасидан хор бошлиғи сайланади. хорда олиб бориладиган бутун ўқув-тарбия, жамоат ишлари, шунингдек, машғулот ва концертлар ўтказиш учун жой тайёрлаш, коллективини янги хонандалар билан тўлдира бориш каби ташкилий ишлар бошлиқ ёрдамида ўтказилади. Бундан ташқари, хор коллективига котиб ва кутубхоначи ҳам тайинланади. Котиб коллектив фаолиятига тааллуқли хужжатларни йиғиб юради ва сақлайди.

Кутубхоначи эса нота материалларини сақлайди. Машғулот вақтида хонандаларга нота партияларини тарқатади ва йиғиб олади. Шундай қилиб, аста-секин ҳаваскор коллектив ўз-ўзини бошқариш принципига асосланиб иш олиб боришга ўрганади.

ХОНАНДАЛАРНИНГ ОВОЗ ВА МУСИҚА ЖОБИЛИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

Хорга муסיқа қобилияти бор, яъни муסיқавий хотирага, эшитиш қобилиятига, ритмга ва ширали овозга эга бўлган кишилар қабул қилинади. Муסיқа эшитиш қобилияти яхши ривожланмаган, аммо ўртамиёна овозга эга бўлган кишиларни хорга қабул қилиш мумкин. Бундай кишилар хорда иштирок этишни, қўшиқ айтишни астойдил хоҳлайдилар ва улар билан яхши иш олиб борилса, аста-секин уларнинг эшитиш қобилияти ва овози ривожлана боради. Шундай қилиб, хонандаларга хорда қўшиқ айтишни ўргатишга киришишдан олдин, албатта, дастлабки машғулотларда уларнинг овозларини синовдан ўтказиш зарур. Бунда хонанда овозининг:

-хорга лойиқ ва нолайиқлиги;

-қайси партияга мансублиги;

-тембри;

-диапазони;

-чидамлилиқ даражаси аниқланади.

Шунингдек, хонанданинг вокал тайёргарлиги:

-интонациянинг тозаллиги;

-муסיқий хотираси;

-нутқи;

-ритмни сезиш қобилияти;

-музикаийлиги;

-нотани ўқий олиш каби муҳим томонларини текшириб кўриш фойдали ва мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, хонанданинг юқорида айтилган овоз хусусиятларини ва унинг умумий мусуқий қобилиятларини дарҳол аниқлаш жуда осон иш эмас. Агар профессионал хорларда бу хусусиятларнинг асосийси хорга қабул қилишдан олдин аниқлашни талаб қилса, ҳаваскорлик хорларида овозни аниқлаш процесси иш жараёнида аста-секин бажарилади.

Овозни текшириш ва аниқлаш учун ҳар хил усуллар ва машқлар қўлланилади.

Масалан, профессор А.Егоров ўз тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги маслаҳатларни беради.

1. Мажор ва минор уч товушлик овозларини алоҳида-алоҳида айттириш.

2. Мажор ва минор гаммасининг товушларининг алоҳида-алоҳида айттириш.

А.Егоров бу икки машқни ўрта регистрлардан бошлаб, аввал юқоридан пастга, кейин пастдан юқorigа хроматик тартибда овоз диапазонига қараб бажаришни таклиф қилади.

3. Икки ва уч товуш оралиғини хроматик тартибда куйлаш.

4. Гар хил интервалларни ёки куйнинг кичик-кичик бўлакларини фортепианода чалиб бериш ва қайтариш.

Учинчи ва тўртинчи пунктларда хонанданинг интервалларни қанчалик соф талаффуз эта олиш кўникмасига эгаллиги аниқланиши уқтирилади. Шундан кейин нотани солфеджио қилиш қобилияти текширилиши, бунда музика адабиётидан бирор вокал ёки хор асарининг бўлакчасини матни билан куйлаш орқали, хонанда овозининг хорга яроқлилиги аниқланади. Индивидуал текшириш тугагач, бир жинсли овозларнинг бир нечтасини бирга кўшиб, ўрта регистрда, яхшиси, бир нотадан маълум бир бўғинни ёки бирор унли товушни чўзиш орқали текшириш мумкин. Бу ҳолда ҳар хил тембрли овозлар яхши эшитилади. Секин-аста овоз партиясининг ичида бир овозни иккинчи овозга яқинлаштира бориб, овозлари деярли қўшиладиган группалар барпо қилиш ва хор партиясини тузиш мумкин. Бу услуб ҳар бир хонандага бир-бирини овозини эшита билиш имконини беради.

Хаваскорлик хорларида чиройли тембрли ва ўта катта диапазонли овозлар кам учрайди. Умуман хаваскорлик хорларига қатнашишни хоҳловчилар озми-кўпми ўзларича ашула айтиб юган ва айтишни хоҳловчи, лекин умуман ашула айтмаган кишилар бўлади. бундай кишиларнинг овози ва музикаий эшитиш қобилияти ҳали ривожланмаган бўлади. хор раҳбари иш бошлашдан аввал хонандаларнинг овози бор-йўқлигини индивидуал сифатларини ва музикаий қобилиятини аниқлаш учун овознинг примар

товушларидан, яъни зўриқмасдан, бемалол жарангловчи товушлардан бошлаши керак. Бунинг учун, яъни хонандаларнинг тортинмаслиги, овозларини баралла чиқаришига раҳбар ёрдам бериши, уни қисқа вақтда бўлса ҳам тайёрлаши керак.

Бошланғич машғулотларда бутун коллектив билан уларга таниш ва яқин бўлган қўшиқлардан икки-учтасини бир овозда айтиш мумкин. “Яллама ёрим”, “Ёр-ёр” в.х.

Машғулотларда хор қатнашувчилари бир-бирларига анча ўрганиб олишади. Шу даврда хор раҳбарида қатнашувчилар билан эркин суҳбатлашиш имконияти туғилади. Суҳбатда раҳбар қатнашувчиларнинг хорга қатнашишдан мақсадларини, улар қандай ашулаларни ёқтиришларини, қандай мусиқалар уларга кўпроқ ёқишини, шу билан бирга, хор қатнашувчиларнинг бадиий-мусиқий қизиқиш ва хоҳишларини билиб олади.

Мана шу ишлардан кейин хонандаларни якка-якка эшитишга киришиш мумкин. Масалан, эркаклар учун кичик октавада, аёллар учун биринчи октавада мажор гаммасидан бирорта товушни эшитиб, хонандадан овоз билан такрорлаш ҳамда таниш ашулани айтиб бериш сўралади. У ашулани айтиб бергач, шу куйни бошқа тонликда айттирилади. Агар хонанда янги тонликка мослашиб айта олса, раҳбар унинг мусиқа қобилиятини, хотирасини ва бошқа томонларини аниқлаб олади. Шундан сўнг хор раҳбари хонандага маълум товушни эшиттириб, уни такрорлашни ёки унча қийин бўлмаган машқларни эшиттириб, уларни овоз билан такрорлашни сўрайди. Машқлар пастки ёки ўрта регистр ноталаридан бошланиб юқорига караб, кейин эса пастга тушилади. Натижада, овознинг юқори ва пастки чегаралари, яъни диапазони аниқланади. Бунинг учун мажор ва минор уч товушликларидан фойдаланиш мумкин.

Бу текшириш жараёнида раҳбар хонанда овозидаги сохталиқ, мусиқа эшитиш қобилияти етарли ривожланмаганлиги, хотиранинг ёмонлиги, нафаснинг нотўғрилиги каби сабаблар натижасида пайдо бўлишини англаб олади. Баъзи хонандалар берилган тонга дархол туша олмайдилар, лекин кварта ёки квинта оралиғида жойлашган иккинчи товушга туша оладилар. Улар фақат “обертон” товушларни эшитиш йўли билан иккинчи товушга тушадилар. Бундай кварта-квинтавий эшитиш ва уни овоз билан қайтариш “обертон-эшитиш қобилияти” деб ҳам номланади. Бундай хонандаларнинг эшитиш қобилияти машғулотлар давомида ўсади. Улар мусиқа қобилияти ва овозни ички координация қилиш малакаларига эга бўладилар. Айрим хонандалар асбобда берилган товушни қайтара олмайдилар, балки овоз билан берилган товушни такрорлай оладилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, мусиқа асбоби ҳам эшитиш қобилиятини ўстиради-яхши эшитишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, овоз аввало унинг тембрига, кейин эса диапазонига қараб аниқланади.

Текшириш пайтида овоз диапозони кичик бўлса ҳам, ундан хавотирланмаслик, балки машқлар натижасида овоз диапазонини кенгайтириб бориш зарур.

Баъзида кишилар ўзларига хос бўлмаган овоз билан кўшиқ айтиб юрадилар. Улар, асосан, кўкрак регистрда, кичик октава “со”ль”, “ля” ва биринчи октава “ля”, “си” да куйлашга ўрганиб қолган бўладилар. Агар шу овозни баландроқ ноталарда куйлатилса, у бемалол юқори ноталарни олади. Шу билан у альт эмас, сопрано ёки баритон эмас, балки тенор эканлиги аниқланади. Бу ҳол кўпинча аёлларда учрайди. Хонанданинг ритмик сезгисини аниқлаш учун қуйидаги ҳар хил ритмик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Хоанаданинг мусиқий хотирасини аниқлаш учун кичик куй, алоҳида жумлалардан иборат машқлардан фойдаланиш мумкин. Кичик бир куй хонандага чалиб эшиттирилади, кейин эса уни такрорлаш сўралади. Агар хонанда куйни аниқ такрорласа, куйни ўзгартириб, қайта чалинади. Хонанда куйни бир эшитганда илғаб олмаса, уни икки ва ҳатто уч марта чалиб эшиттириш керак. Хонанданинг тоза ва аниқ интонация қилишига қараб, унинг мусиқий хотирасини баҳолаш мумкин.

Хонандаларнинг овози текширилиб бўлгач, юқорида айтиб ўтилганидек, алоҳида журнал ёки дафтарга ҳар бир овоз ҳақидаги тўлиқ маълумот тахминан қуйидагича ёзилади.

№	Хонанадаларнинг исми ва фамилияси	Туғилган йили, кун ва ойи	Хорга кирган вақти	Умумий маълумоти	Мусика маълумоти	Эшитиш қобилияти	Ритм сезиши	Овоз тембри ва унинг тўлиқ таърифи	Диапазони	Жайси партияга ёзилди.	Айрим белгилари
---	---	------------------------------	--------------------	------------------	------------------	------------------	-------------	--	-----------	---------------------------	-----------------

Хор раҳбари-хор коллективи ижодий фаолиятининг ташкилотчиси.

Ғаваскорлик хор раҳбари қобилиятли, билимдон мутахассис бўлиши билан бирга, у маҳоратли педагог-тарбиячи ҳам бўлиши шарт. Хор раҳбарининг ташкилотчилик маҳорати эса муҳим аҳамиятга эга. Хорнинг иш фаолиятини ташкил қилишда раҳбарнинг роли алоҳида аҳамиятга эга.

Уинг жонкуярлик билан планли равишда иш олиб бориши коллективнинг оёққа туриш даврини тезлаштиради. Рахбарнинг хорда психологик ва ижодий муҳитни барпо қила олиши иш жараёнида муваффақиятга олиб келади. коллективни бошқариш маълум талаблар, назорат ва ижодий интизом билан боғлиқ. Бу ишларнинг ҳаммаси рахбарнинг коллектив олдидаги обрўсига ҳам боғлиқ бўлади. ўзининг машаққатли меҳнати, ўткир билими ва маҳорати, хулқи, шахсий намунаси ва коллектив билан муносабати орқали у хонандалар хурматига сазовор бўлади. Рахбар коллективнинг ижодий ишини аниқ ва унумли олиб бориши, ижодий режаларни олдиндан кўра билиши ва уларни бажариши керак.

Хор коллективини бошқариш-бу аввало, хаваскор хонандаларга эстетик-ахлоқий камлотларини ошириш мақсадида таъсир қилиш жараёни ҳисобланади.

Ижодий муҳит рахбар ва коллективнинг ҳамкорлигида яратилади. Лекин хаваскорлик машғулоти камолот сари элтувчи йўл бўлибгина қолмай, айна пайтда кенг маънода ташкилий-тарбиявий собақ ҳамдир. Ижодий ишни, интизомни йўлга қўйишда, олдинга қўйилган мақсадга эришишда рахбарнинг мустаҳкам иродаси ва талабчанлиги муҳим роль ўйнайди. У хор қатнашчиларининг характерларини билиши, улар билан муносабатда бўлганда индивидуал йўл тутиши, олдинга қўйилган вазифани бажаришда ҳаммага бир хил талаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Хаваскорлик хори рахбарининг вазифалари,асосан, қуйидагича:

- ижрочилик маҳоратига эга бўлган хор коллективини барпо қилиш
 - хонандаларда яхши мусиқий дид ва ижодий қизиқишни шакллантириш
 - хорда ғоявий-тарбиявий ва ўқув тарбия ишларини олиб бориш
 - концерт программаларини тайёрлаш ва концертларда чиқиш ва бошқалар.
- Ўоявий-тарбиявий ишларни ташкил қилиш.

Бадиий хаваскорликнинг асосий вазифалари инсонларнинг бадиий дидини ошириш, ғоявий-сиёсий онгини ўстириш ва уларни илғор маданиятли кишилар даражасига кўтариш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Хаваскорлик хорида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишлар хор қатнашчиларини сиёсий, маданий, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан бойитади. Хаваскорлик хорида ғоявий-сиёсий ишлар бадиий-эстетик тарбия билан бирга олиб борилади. ўоявий-сиёсий, тарбиявий ишлар шу жамоанинг кундалик маданий-ижтимоий ҳаёти билан боғланган ҳолда бажарилади.

Хонандаларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда ҳар хил лекциялар, суҳбатлар ташкил қилинади. маълум бир мавзуда маъруза ўтказиш учун тажрибали ўқитувчи жалб қилинади. Маърузачи қайси мавзуда маъруза ўтказиш кераклиги олдиндан маслаҳатлашиб олинади. Албатта, ўтказиладиган бу тадбир хорнинг умумий ғоявий-бадиий, тарбиявий ишлар режасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Гаваскорлик хор жамоаларини нимага асосланиб тузиш мумкин?
2. Гаваскорлик хор жамоаларида вокал-хор ишлари қай тарзда олиб борилади?
3. Хаваскорлик жамоаларининг ғоявий тарбиявий ишларини олиб боришда кимларни жалб қилиш керак?

Назорат иши учун саволлар.

1. Ўзбекистон мустақиллик даврида хаваскорлик хорларини шаклланиши ва ривожланиши.
2. Ўзбекистонда этнографик жамоалар фольклор, ракс ва чолғу жамоалари иш фаолияти тизимида.
3. Гаваскорлик хор жамоалари ишини режалаштириш ва уларга дастур тузиш.

Муסיқий лугат.

1. Тесситура – италянча сўз бўлиб, баланд, ўрта, паст маъносини билдиради (товушга нисбатан).
2. Тутти – италянча сўз бўлиб, аркестр хор состави билан биргаликда ижро этиш асосан яккахон ва ансамбль ижродан кейин.
3. Униссон – италянча сўз бўлиб бир овозда бир неча октава- парда куйлаш (бир охангни) ижро этиш.
4. Фонация – грекча сўз бўлиб товуш ҳосил қилиш маъносини билдиради.

Адабиётлар.

1. В.Ф.Чебаный “Самодетельный хоровой коллектив” Л.1980 й.
2. Ш.Рўзиев “Хоршунослик” Е.1987 й.
3. Н.А.Бахриддинова “Ўзбекистон болалар хор маданияти” Т. 2002 й.
4. Н.В.Романовская “Хоровой словарь” Л. 1980 г.
5. С.А.Валенков, А.Ф.Вынежнев Р.Е.Хубларов “Хаваскорлар хори” Т.1970 й.

Овоз апаратининг тузилиши.

Инсон овоз апарати ўзига хос мураккаб “муסיқа асбоби” бўлиб, у ўзининг ранг-баранг тембр бойлиги, ниҳоятда нозик муסיқа ифодалаш хусусиятларига эга. Чунки киши овози куй ва сўзни органик пайвандлаш натижасида муסיқий нутқнинг асл маъносини очиб беради. Инсон овозига тенг келадиган бирорта ҳам муסיқа асбоби йўқ.

Овоз апарати томоқ хикқилдоқ, халқум, нафас равоғи овоз пардалари (боғламлари), резонаторлар ва хор мушакларидан иборат.

1. Хикқилдоқ-овоз пайдо қилиш апарати вазифасини бажаради.

2. Хиқилдоқ узуксимон, қалқонсимон ва иккита шохсимон (учбурчак) тоғайлардан иборат. Мускуллар ёрдамида орқага ва олдинга ҳаракат қилади.
3. Јалқонсимон тоғайнинг халқа қисми устидаги пардалар эластик толалардан тузилган.
4. Томоқнинг халқум деворлари томонидан нафас (бурундан кейинги) йўли бошланади ва овоз равоғига тақалади.
5. Овоз равоғининг ҳар иккала четида жуда нозик тўла- тўқималардан иборат овоз пардалари жойлашган.
6. Одам овози жуфт ва тоқ хиқилдоқ тоғайлари пардаларининг мускуллари ёрдамида бир-бири билан бирикишидан ҳосил бўлади.
7. Нафас орқали чиқаётган ҳаво хиқилдоқдаги тоғайлар орасида тортилган овоз пардаларига урилиб тебратади ва овоз чиқаради.

- А - қалқонсимон безнинг боғловчи қисми
 Б – товуш пардалари тортилган тола тўқима
 В - қалқосимон товуш тўқималари.

Хиқилдоқнинг кесмаси

1. Јалқонсимон тоғайнинг хиқилдоқда жойланиши
2. Јалқосимон тоғайнинг олд кесмаси
3. товуш тола тўқимасининг олд қисми.
4. Узуксимон тоғай.
5. Товуш қатламлари
6. Товуш тола тўқималарининг орқа қисми
7. Јалқонсимон тоғайнинг узуксимон тола тўқималари
8. узуксимон тоғайнинг кўриниши.

Товушнинг баланд-пастлиги, йўғон ингичкалиги ҳиқилдоқ бўшлиғини катта-кичиклиги, пардаларнинг таранглиги, уларнинг узунлиги ва қалинлигига, тил, ҳалқум-ҳиқилдоқ мускулларининг қисқаришига

боғлиқдир. Овоз пардалари юқори ва пастда жойлашган бўлиб, юқорисидаги сохта, пастдагиси эса чин овоз пардалари дейилади.

Аёлларни овоз пардаси юқорида, болалар овоз пардаси ундан ҳам юқорида жойлашган. Кексаларнинг ҳиқилдоғи пастроқда жойлашган. Овозлар паст-баланд бўлади. овоз равоғи тинч ҳолатда эркин бўлганда товуш ҳосил бўлмайди.

Овоз равоғи таранглашганда товуш ҳосил бўлади.

Товуш ҳосил қилиш.

Товуш овоз апаратининг махсулидир. Товуш ҳосил қилишни фоноасция (грекча “fono”- товуш) ҳам деб юритилади.

Ўшиқ айтишга монанд товуш овоз пардаларининг тебраниши ҳамда резанаторлар товушни кучлантириши натижасида пайдо бўлади. Демак ҳосил бўган товушни резанаторлар кучлантиради ва ҳар – хил тембр бўёқларини беради. Резанатор ўзи нима? Резанатор икки хил бўлади. юқори ва пастки.

Юқори – бош резанаторга овоз пардаларининг тепасида жойлашган - ҳиқилдоқ, бурун ва оғиз бўшлиқлари киради.

Пастки кўкрак резанаторига кўкрак қафаси, трахеялар, бронхлар киради.

Резанаторлар товуш ҳосил қилиш вақтида ўз шаклини, ҳажмини артикуляция апарати орқали ўзгартириб туради.

Юқори регистр диапазонини – бош резанатор, пастки регистр диапазонини – кўкрак резанатори дейилади.

ўрта регистрда куйлаганда бош ва кўкрак регистрларидан фойдаланилади.

Юқори регистр товушларни йиғиб ниқобдор қилишга ёрдам беради. Товушни баланд ва паст бўлиши овоз пардаларининг узун ёки қисқалигига, таранглигига ҳаво йўлининг босимида боғлиқ.

Овозни йўлга қўйиш учун овоз апаратини тўғри ҳолатда бўлиши, овоз чиқариши, овозни чўзиб туриш ва овозни таянч нуқтасига нафас таянчига эришиш жараёнларини ўз ичига олади.

Овозни “қўйиш” тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Ярим ёпиқ (ниқобдор) овозда куйлаш асосан ижро услубига киради. Бу кўникмани ўзлаштириш учун юқори танглай максимал кўтарилиб, товуш ярим ёпиқ ҳолда чиқади. Бунда оғиз, лаб, тил, танглай иштирок этади. Хорда “очик” овозда куйлашга йўл қўймаслик керак.

Хор раҳбари “овоз қўйиш” жараёнида ҳар-хил усулларни қўллаши мумкин. Унли товушларни чўзиб, ундош товушларни қисқа ижро этиш керак. “а о”, “у э”, “е а” ва х.к. . Оғиз бўшлиғини кенг очилиши овоз апаратини фаолиятини таъминлайди. Бунда овоз эркин ва жарангдор бўлади. Хорда вокал тарбиясининг асосий шартларидан бири – регистрларни текислаш ва товушларнинг аралаш (микст) садосига эришиш ҳисобланади.

Регистрдан регистрга, яъни пастки, ўрта, юқори (бош) регистрларга ўтишда силлиқ равон бир текисда ўтиш учун вокал машқлари куйлаш талаб қилинади. Шунда хорда куйловчи товуш маданиятига эга бўлади.

Товуш тузилишининг юқорилама ва пастлама кучланиш белгилари.

1. Юқорилама товуш кучланиши () $\rightarrow$
2. Пастлама товуш кучланиши () $\rightarrow$
3. Турғунлик белгиси ($\rightarrow$) $\rightarrow$
4. Минор тонлиги ()
5. Хавли кийин босқичлари (X)

Асосий товуш кучланишининг асосий бешта: жуда секин, ўрта, кучли ва жуда кучли. Буларга PP, P, mf, f ва ff киради.

Товуш кучи аста секин кучланиб ва кучсизланиб бориш белгилари *crescendo* ва *diminuendo*. Хор амалиётида кўпинча P, PP – ff кучланиш қийин бўлганлиги муносабати билан хор амалиётида қийин ижро этилади.

ff	_____	f
f	_____	f
mf	_____	mf
P	_____	P
PP	_____	PP

Мутация ҳақида тушунча.

Мутация лотинча “mutatio” - ўзгариш деган маънони билдиради.

Болалар хори билан ишлаганда, уларнинг ёшига қараб, физиологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Ўғил ва қиз болаларнинг организмида 12-14 ёшда, баъзида ундан ҳам кечроқ катта ўзгаришлар бўла бошлайди. Юрак кенгая бошлайди, мускуллар мустаҳкамлана боради, овоз тонида (айниқса ўғил болаларда) ўзгаришлар бўлади ва хоказо.

Жинсий тикланиш (раста бўлиш) даври ўғил болаларда қиз болаларга қараганда 1-2 йил кейин бошланади. Бу давр мутация даври деб ҳам деб аталади. Биринчи, иккинчи ва учинчи синфларда ўғил болалар овози ўзининг кучи, тембри ва диапозони билан қизлар овозидан деярли фарқ қилмайди. Лекин 12-15 ёшдан то 15-16 ёшгача ўғил болалар овозида кескин ўзгаришлар бўлади, мутация даври ўтади. Лекин қиз болаларда мутация даври ўғил болаларга нисбатан анча енгил ўтади.

Юқори товуш интонацияси

Товушнинг аниқ баландлигига эришиш учун хонандалар бош резанаторлардан фойдалана билиши керак.

Овоз юқори (бош) резанаторда кучланганда, бошнинг маълум бир нуқтасида ўзига хос тебраниш юз беради. Бу бош “ниқоб”ида содир бўлади. ана шу тебраниш нуқтасида “ниқоб”нинг ҳар жойида сезилади. Масалан, сопранода қовоқда - қошлар ўртасида, тенорда, танглайда ва шу кабалар. Товушнинг бош томонга йўналтирилиши ва тебраниш нуқтасини сезиш, ҳар бир хонандага овозининг юқори позицияда жаранглашга имконият беради. Куйлаганда юқори позицияни сезиш учун уни олдин ҳаёлан тасаввур қилинади ва товуш бош томонга йўналтирилади.

Юқори позицияда куйлаш хорни тоза ва аниқ интонацияда эга қилади. Бу хор учун энг керакли ва муҳим омиллардандир. Хорда юқори позицияда куйлашни ўзлаштириш учун оғизни юмиб куйлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек оғизни очиб “и”, “е”, “у” унлилар ёрдамида машқ қилиш, юқори товушларни шакллантириш ва юқори позицияни англашга ёрдам беради.

Хонанда (кўпинча эркаклар) машғулотнинг айрим вақтларида овозларини толиқтирмаслик ва тежаш учун юқори регистр товушларни ярим овозда – фальцет билан куйлайдалар.

Фальцет – италянча “falso” - сохта демакдир. Фальцет билан куйлаганда юқори резанатордан фойдаланилади. Овоз пардалари аранг жипслашади, товуш эса кучсиз, тембр бўёқларисиз оханг таратади. Фальцет хор асарларида кам қўлланилади. У баъзи ҳоллардагина ўзига хос ифода, бўёқ сифатида ишлатилади.

Бундан ташқари, ўрганилаётган асардаги баланд товушлар ўзлаштирилгунча, фальцет билан айтилади (хусусан тенор партиясида). Бу усулда машқ қилганда овоз толиқмайди.

Фальцет дирижёр томонидан тон беришда ва иш жараёнида ҳам қўлланилади. Фальцет билан тон бериш ва кўшиқ ўрганиш кучсиз охангдорликда “pp” бўлади.

Баъзи ҳолларда тенорлар юқори ноталарни олишда кучлироқ фальцетдан фойдаланиладилар. Хонандаларнинг, хусусан, дирижёрнинг фальцетдан фойдалана олиши жуда муҳим роль ўйнайди.

Дикция

Хор санъати – муסיқа ва адабиёт поэтик ижодиётни органик бирлаштирувчи санъатдир.

Асардаги адабий матн сўзларини тингловчиларга етказиб бериш воситаси дикция дейилади. Дикция асарнинг ғоявий мазмунини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Агар сўзлар поэтик фикрни аниқлаштиради, муסיқа уларни эмоционал бўёқлар билан тўлдиради, чуқурлаштиради.

Демак вокал – хор муסיқасида сўз ва муסיқа бир-бирини тўлдиради ва бадиий образ яратади.

Дикция латинча “dictio” - нутқ, аниқ сўз талаффузи маъносини билдиради.

Аниқ талаффуз техникасига эга бўлиш хор ижрочилигининг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Зеро, дикция аниқ сўз талаффузи экан, у ижродаги бадий ифода ҳамдир.

Хорда сўз ва мусиқа бир-бири билан боғлиқ экан, ҳар иккаласи устида ҳам жиддий иш олиб борилади. У эса раҳбар ва хонандалар олдида маълум қийинчилик туғдиради.

Маълумки, мусиқа матни билан адабий матн мазмуни тингловчиларга уйғунликдан бир бутун ҳолда эшитилиши керак.

Хор раҳбари хонандаларга асар матнини тўғри ва аниқ талаффуз қилишни ўргатиш билан чекланмасдан, сўзларни қандай талаффуз қилишни билиши керак.

Маълумки, биз унли товушлар орқали куйлаймиз, овозни чўзамиз. Шунинг учун хорда сўз талаффузи тарбиясига катта эътибор қилинади.

Хорда олиб бориладиган вокал-хор ишлари сўз талаффузи (дикция)га жуда ҳам боғлиқ бўлади. Сўзнинг аниқ ва тўғри талаффузи овознинг интонациясига, сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Машҳур ашулачи Ф.И.Шаляпин “яхши айтилган сўз – унинг ярим куйланганидир”, - деган эди.

Умуман талаффуз 3 хил бўлади: кўшиқчилик ва кундалик турмуш нутқи, сахна нутқи.

Сахна нутқи кўшиқчиликка яқинроқ, лекин у товушларнинг беқарорлиги, овоздаги тез глисандолар билан фарқ қилади.

Мусиқа асарларида унинг автор томонидан сўзлардаги урғулар, асар темпи, куйи ва тонлиги аниқланган бўлади. Шунга қарамай, хор асаридаги адабтй матн устида иш олиб борилганда, аввало хонандаларга асар сюжети, ғояси, образлари тушунтирилади, матнни ифодали ўқиб берилади. Шунингдек, тўғри талаффуз устида орфоэпик машқ қилинади. Сўнг дикция устида ишлашга ўтилади. Бу ишларни кўшиқ ўргатиш жараёнида олиб бориш яхши натижа беради. Сўз ва куй бир вақтда, боғланган ҳолда ўзлаштирилади.

Дикциянинг аниқ бўлиши нутқ апаратининг қандай жойлашганлиги ва ишлашига боғлиқ. Овоз пардалари, тил, лаблар, юмшоқ танглай, қаттиқ танглай, жағлар, ташлар артикуляция апаратини ташкил қилади. Улар актив ва пассив бўлади. Тишлар юқори жағ, қаттиқ танглай пассив ҳисобланади.

Артикуляция – талаффуз.

Артикуляция – латинча “articulatio” - бўлиниш деган маънони билдиради. Дикциянинг аниқ (тушунарли) ё ноаниқ бўлиши артикуляция апаратининг актив ёки пассивлигига боғлиқ.

Хорда олиб бориладиган маълум машқлар артикуляцияни активлаштиради. Шунинг ҳам айтиш керакки кўшиқ айтганда артикуляцияни ҳаддан ташқари активлаштириш ҳам яхши эмас. Жаттиқ талаффуз фақат маълум сўзларда ишлатилиши мумкин.

Артикуляция апарати органлари активлаштириш учун турли хил машқлардан фойдаланиш мумкин. Масалан пастки жағ ҳаракатини

активлаштириш учун “на”, “ма”, “да” каби бўғинлардан фойдаланиб машқ қилиш мумкин.

Маълумки овоз унли товушлар ёрдамида чўзиб турилади. Хор жамоасининг бошчиси ҳар бир овоз партиясида бўлиши лозим.

Куйлаш малкасига эга бўлган бошчиси бошқа хордаги куйловчи билан малака хор-вокал техникаси устида мунтазам равишда ўргатиб боради.

Унли ва ундошларнинг ўқилиши ва эшитилиши.

Ёзилади	ўқилади.
б, г, в, д, з сўз охирида	п, к, ф, т, ш, с
о урғусиз	а
д, з, с, т	д, з, с, т
я урғусиз	я
н, нн	Юмшоқ
ж ва ш	қаттиқ
ж (жж)	Юмшоқ жж
ся ва съ	са ва с
чн ва чт	шн, шт
ч ва н	ч ва н
стн, здн	сн, зн; т ва д тушиб қолади
сч ва зш	щ қаттиқ ва узок
кк ва тт	к, т
сш ва зш	ш қаттиқ чўзиб.

Орфоэпия мантикий урғу ва цезура масалаларидан ташқари имло жиҳатдан тўғри бўлган унли ва ундош ҳарфларни орфоэпик жиҳатдан тўғри ҳарфлар билан алмаштириш масаласини ҳам ўз ичига олади.

О – а – юмшоқ а билан е орасидаги ўрта унли

Б ҳарфи – п деб гапирилади

В ҳарфи – ф деб эшитилади.

Г ҳарфи – к деб эшитилади.

З ҳарфи – с деб эшитилади.

Д ҳарфи – т деб эшитилади.

Ж ҳарфи – ш деб эшитилади.

ва хоказо.

Тўғри талаффуз қилишда ундош ва унли товушларнинг ўзаро муносабати катта аҳамиятга эга бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, унли товушларни ўзлаштиришда ундош товушларнинг аниқ талаффузи муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун дирижёр доимо ундош товушларнинг эшитилиши устида иш олиб бориши керак. Чунки ундош товушлар унлиларга қараганда қисқа талаффуз қилинади, ундош товушлар қаттиқ талффуз қилинганда ҳам уларнинг садоси унлиларга қараганда бир неча бор паст бўлади.

Масалан, “Тошкент”, “Марсел” сўзларида ундош “тшкнт”, “мрсл” товушлар аниқ айтилиб, унли товушлар туширилиб қолидирилганда ҳам бу сўзларни тушуниш мумкин. Ёки шу машқларда ундош товушларни баланд ва унлиларни паст овоз билан айтиб, ундошлар талаффузини яхшилаш мумкин. Бу эса унлиларни тўғри ўзлаштиришга олиб келади.

Шунингдек, сўз охирида келадиган ундошларни тўғри ва аниқ талаффуз этмаслик, сўзнинг маъносини англашга халақит беради. Хусусан, сўз охирида ундошларнинг баравар ижро этилмаслик холлари кўп учрайди. Бундай холларда жумла охирида хонандаларнинг баробар ва аниқ талаффуз этишига эришиш керак.

Дирижёр машқ пайтларида хонандаларда овоз ҳолатининг тўғри ёки нотўғрилигини кузатиб туриши ва ўзи тез-тез кўрсатиб бериши яхши натижа беради.

Энди лаб, тиш фаоллиги учун қилинадиган машқлардан айрим намуналар келтирамиз. Лабларнинг активлиги учун лаб ундошлари б, м, п, в, ф ва лаб унлилари о, у, ю товушлардан ну, му, мо, ю, бу, ку каби бўғинлар тузиб талаффуз қилиш мумкин.

Тил активлигини ошириш учун ундош д, з, к, л, н, р, с, т, ц, ч, ш ва унли товушлардан иборат ля, лё, лю, ле ва хоказо бўғинлардан тузилган машқлардан фойдаланиш мумкин. Барча унли (а, е, и, я, ю, э) товушлар сўзнинг асосий вокал элементлари бўлиб хизмат қилади.

Умуман ундошлар қисқа ва аниқ талффуз қилинади. Масалан: Тошкент, Урганч, дарахт, тирик, ёз, жасур, мард, қилич, қалқон, ишлаш, космонавт, машинист, гудок ва хокзо сўзларида хусусан, с, ш, з товушлари жуда қисқа ва аниқ талаффуз этилиши керак, акс ҳолда ҳуштаксимон шовқинли садо чиши мумкин.

Хор раҳбари талаффузи қийин сўз ва товушлар устида алоҳида иш олиб бориши керак бўлади.

Вокал-хор ижрочилиги тажрибасидан маълумки, кўп ҳолларда ундош товушлар бир бўғиндан иккинчисига кўчирилади. Бунда дикция аниқ ва сўзлар тушунарли бўлади.

Масалан, “а-зал-дан” сўзи “а-за-лдан” ёки “қон-ли, қо-нун-лар-нинг ис-кан-жа-си-дан” сўзи “қон-ли, қо-нун-лар-нинг и-скан-жа-си-дан” каби. Фақат стаккатода куйланганда ундошлар кўчирилмайди.

Агар бир сўз охиридв ва иккинчи сўз бошида иккита бир хил ундош ёки унли товуш келса, иккаласи ҳам ажралиб талффуз этилади, акс ҳолда, биттаси тушиб қолиши мумкин.

Масалан, “Буюк канал” сўзи “Буюк канал”, “Тақиқат томон” сўзи “ҳақиқат омон”, “сайлов вақти” сўзи “сайло вқти”, “айёр рақиб” сўзи “айёр ақиб”, “дала айвони” сўзи “далайвони” бўлиб эшитилади.

Орфоэпия қонидаси бўйича жарангли ундошлар сўзнинг охирида жарангсиз бўлиб эшитилади: б-п, в-ф, г-к, д-т, з-с, ж-ш. Масалан, барг-барк, офтоб-офтоп, бир оз-бироз ва бошқалар. Хорда ўзбек тилидаги специфик қ,

ғ, х, ж ундошларнинг талаффузини яхшилаш учун улардан сўзлар тузиб, алоҳида машқ қилиш лозим.

Агар, у, о унлилар к, қ, ғ ундошлари билан қўшиб, ку, қу, қу бўғинлари ёрдамида машқ қилинса, артикуляция аппаратининг орқа томони активлашади. Шунингдек, ди, зи де, зе бўғинлари ёрдамида машқ қилиш артикуляция аппаратнинг олдинги қисмини активлаштиради ва товуш бирмунча майин ва ҳаракатчан бўлади, тил олдинроқда жойлашади. Сўз талаффузига овоз кучи, тесситура ҳам таъсир қилади. Юқори регистрда куйлаганда овоз аппарати бирмунча қийин шароитда бўлади. Бундай вақтда юқори ноталарда овозни шакллантириш билан сўзларни аниқ талаффуз қилиш оддий иш бўлмайди.

Дикцияни яхшилаш учун машқлар қилганда, ўрта регистр ва диапазондан, ўрта овоз кучидан фойдаланиш яхши натижа беради. Доимий машқлар натижасидагина юқори регистрда куйлаш ва яхши дикцияга эга бўлиш мумкин. Шундай қилиб, хор ижросида асарнинг поэтик мазмунини тингловчиларга етказиб беришда дикция муҳим рол ўйнайди экан, хорда хонандаларнинг сўз талаффузи маҳорати билан бирга нутқ маданиятини ўстириб олиш лозим. Яхши вокал дикцияси малакасига эга бўлган коллектив ҳар қандай формада ёзилган адабий текстни тўғри талаффуз қила олади. Вокал-хор дикцияси бир бутун комплекс бўлиб, у тартибли равишда хорнинг вокал ишлари билан боғлаб олиб борилади.

Хор иштирокчиларининг овозларини қўшиқ айтишга тайёрлаш.

Хор коллективининг машғулоти хонандалар овозини қўшиқ айтишга тайёрлашдан бошланади. Хонандаларнинг овоз аппаратини маълум машқлар билан иш ҳолатига келтирмай (қиздирмай) қўшиқ айтиб бўлмайди. Бунда овоз аппаратини “қиздириш”дан ташқари, хонандаларнинг вокал-эшитиш қобилиятини созлаш ҳам кўзда тутилади. Овоз аппаратини “қиздириш” ва эшитиш қобилиятини созлаш жараёни 10-15 минут ва ундан кўп давом этади. Бу тш профессионал хорларда ҳар куни, ҳаваскорлик хорларида ҳар машғулот куни бажарилади.

Овозни тайёрлаш машқлари маълум тартибда ўтказилади. Бу машғулотлардан тўғри овоз позицияси ва нафасга, яхши ансамбл ва созга, бир хил овоз ҳосил қилишга ва яхлитлик, жарангдорликка эришилади.

Бундан ташқари, хорнинг вокал-хор техникаси мустаҳкамланади. Айниқса, артикуляция аппаратининг активлиги ошади. Шунингдек, овозни тайёрлаш ва қиздириш машқлари қилинганда, овозни ривожлантириш, унинг диапазонини кенгайтириш, сўз талаффузининг аниқлигига эришиш, гармоник қобилиятни ўстириш каби муҳим ишлар кўзда тутилади. Машғулотни ўрта регистр, қулай тесситура, ўрта динамика, секин темпода оддий машқлар билан унисонда бошлаб, аста-секин гармоник ва полифоник тузумларга ўтиш мақсадга мувофиқ.

Овозларни “қиздириш” ва тайёрлашни бутун хор билан ёки партиялар билан алоҳида-алоҳида ва уларни қўшиб ўтказиш ҳам мумкин. Масалан, аввал пастки-бас, альт партиялари, кейин тенор, сопранолар билан ёки

олдин эркаклар хори , сўнг аёллар хори билан ўтказиш кейин эса умумий хор билан машқ қилиш мумкин. Юқори позицияга эришиш учун яхшиси, юқоридан пастга қараб (оғизни юмиб) машқ қилиш фойдали.

Хорни қўшиқ айтишга тайёрлаш учун ишлатиладиган машқларни дирижёрнинг ўзи тузиши мумкин ёки методик қўлланмаларда берилган машқлардан, хор асарларидан намуналар олиб, фойдаланиши ҳам мумкин. Кўпинча унлилар орқали товушни ҳар хил характерда чўзиш мумкин.

Машқлар жўрсиз ёки фортепиано жўрлигида оли борилади. Лекин кўпроқ а'капелла услубида машқлар қилиш мақсадга мувофиқдир. Фойдаланиш учун махсус тузилган машқлар билан бир қаторда, ўргатилиши керак бўлган хор асарига боғлиқ машқлар ҳам олинади. Махсус машқлар комплекснинг асосини ташкил қилади.

Овоз созлашни октава-унисондаги машқлардан бошлаш маъқул.

Машқ охирида хор садосини ля бўғинидан юмуқ оғиз билан қуйлашга кўчириш лозим. бу эса аввало ҳиқилдоқнинг эркин ҳолатда бўлишини таъминлайди, шунингдек бутун хорнинг 1а товушини аниқроқ созлашига ва уни узоқ вақт давомида мустаҳкам-барқарор талаффуз қилишига имкон беради:

Бутун хорнинг ля товушини барқарор ва аниқ талаффуз қилишига эришгач, хор овозини С тонлигига — октава унисонида бутун хорни босқичма-босқич ҳаракатда пастга, до нотасига кўчириш ва учтовушликни қуйлаш воситасида ана шу тонликда мустаҳкамланиш мумкин.

Ниҳоят, тўрт овозли гармоник ва полифоник тузумларга ўтиш мумкин.

Масалан, бир машқда лнгато, нон легато ва стаккато каби икки, уч хил штрихлар қўллаш мумкин. Натижада, вокал-хор техникасига оид бир неча вазифа бажарилади.

Хорда вокал-хор техникаси устидаги ишни на фақат овозни кўшиқ айтишга тайёрлаш вақтида, балки бутун машғулот давомида вокал-хор ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Танланган тонликни яхшироқ сезиш учун мелодик ҳаракатда асосий уч товушликни айтиб бўлгандан кейин, шу IV-V пардадаги бошқа асосий босқичларнинг тарқалган учтовушлигини қуйлаш, сўнгра биринчи босқичнинг асосий учтовушлигига қайтиш тавсия этилади:

Шундан кейин каданслардан бирортасини куйлаб, бир вақтда чиқадиган садо билан бирор тонликнинг мустаҳкамлаш фойдали бўлади.

Нафас

Маълумки, киши нафас олганда нафас органлари орқали нафас олади. Овоз апарати орқали гапиради ва куйлайди. Вокал хор ижрочилигининг асосини нафас ташкил қилади. Тўғри нафас олиш вокал – хор техникасининг овоз шаклланиши жараёнида пойдевор вазифасини бажаради. Куйлаганда нафас олиш тез олиниб, секин чиқарилади.

Нафас олиш уч турга бўлинади:

1-юқори кўкрак кифтдан, нафас кўкракнинг юқори қисмига олиниб кифтлар кўтарилади. Нафас олишни бу тури вокал-хор ижрочилигида қўлланилмайди.

ўпка, бронхлар хиқилдоқ ва юқори резонаторларнинг қурилиш схемаси.
1-ўпка 2- бронх 3-брохиола 4-алвиола 5-тил 6-хиқилдоқ 7-қизилўнгач
8-кичик тил 9 - қалқонсимон ваузиксимон бўғимлар.

2-кўкрак қорин (ўрта қовурға- биқин)

3-аралаш. Косто-абдаминал-ёки қовурға биқин. Хорда нафас пастки қовурға диафрагма усулида олинади. Бундай нафас олишда биқин ва пастки қовурғалар кенгаяди. Тажрибали кўшиқчиларда нафас юқори кўкракда деярли бўлмайди. Уларда нафас пастга-диафрагмага олиниб қориннинг пастки қисми ҳаракатда бўлади. Нафасни тежам билан сарфлаш хонанданинг тажрибасига боғлиқ. Нафас асарнинг темпига, жумлаларнинг катта-кичиклигига қараб бир маромда, тез енгил, тез чуқур олинади.

Нафас олганда гавда эркин ҳолатда бўлиши керак.

Нафас олиш кўшиқ куйлашга тайёргарлик ролини ўйнайди. Нафас чиқариш эса овоз пардаларини таранглашуви натижасида овоз чиқа бошлайди. Хорда куйловчилар нафасни аралаш усулда оладилар. Детонация бу французча сўз бўлиб, “фальш” маъносини билдиради. нафасни зўриқиб кўп олганда ҳосил бўлади. нафас хор партитурасида V белги билан белгиланади. Нафас жумла бошида ва охирида олинади. Фраза ва сўз ўртасида нафас олинмайди.

Занжир нафас олиш усули.

Бу усул хорда кўп қўлланилади. Асосан полифоник асарларда: тоника ва доминанта орган пунктларда аралаш нафас олганда жумлаларга қараб, қисқа, чуқур ва кетма-кет занжир усулида олинади. Яхши нафас олиш, уни ушлаб ва тежаб сарфлаш малакасига эга бўлиш хорда “Таянч” товуш барпо қилиш имкониятини яратади.

Товуш таянчи.

Товуш таянчи бу нафаснинг текис ва босим билан чиқиши, тежаб сарфланиши, овоз пайдо бўлиши пайтда товушга айланади. “Таянч” италянча сўз бўлиб, “arraggiu” товушни ушлаб туриш маъносини билдиради. Хор жамоасида товуш таянчини ҳосил қилиш сезгисини вокал тарбиянинг муҳим ва ҳал қилувчи элементи ҳисобланади. У хорда барқарор интанацияни юзага келтиради.

Товуш атакаси (хужуми).

Нафас олиш тугаб, товушнинг бошланиши атака дейилади. Атака италянча “attacare”-хужум қилмоқ, деган маънони билдиради. Атака сўзи вокал-хор, шунингдек, бошқа мусиқа жанрларида қўлланилади.

Вокал-хор ижрочиличида юмшоқ, қаттиқ ва нафас олингандан сўнгги атака турлари бўлади.

Товушнинг юмшоқ, майин бошланиши юмшоқ атака дейилади. Юмшоқ атакада овоз пардалари нафас чиқа бошлаши билан кучсиз жипслашади.

Товушнинг қаттиқ, қўққисдан пайдо бўлиши (чиқиши) қаттиқ атака дейилади. Жаттиқ атакада овоз пардалари нафас чиқишдан олдин қаттиқ жипслашади.

Нафас олингандан сўнгги атакада овоз пардалари нафас чиқа бошлагандан сўнг кучсиз жипслашади. Бундай атака кам (ожишлик, қўрқоқлик ифодалари учун) қўлланилади.

Товуш атакиси асарнинг характериға боғлиқ бўлади. Атака ифодали ижро воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, асар характериға мос овоз тембри ишлатилади.

Товуш атакаларини ўзлаштиришда овозни ҳар доим юмшоқ атакадан овознинг кенглигига, майинлигига, “ниқобдор”лигига езроқ эришилади. Аксинча, кучли товуш ҳосил қилиш яхши натижа бермайди.

Юмшоқ атакадан фойдаланганда товуш “таянч”сиз, мажхул бўлмаслиги керак. Жаттиқ атака марш характеридаги асарларда кўп қўлланилади. Шунингдек, ваҳима, даҳшат, қаттиқ изтироб чекиш, фиғон, тантана, шолик каби ифодаларда қаттиқ товуш атакиси қўлланилади. Жаттиқ атакадан товуш ҳосил қилишда, таъкидлаганимиздек, овоз қичқириққа ўхшаб чиқмаслиги керак, акс холда, овоз пардалари ўта жипслашиши мумкин. Бу хол овознинг бузилишиға олиб келади.

Шундай қилиб, товуш ҳосил қилиш ва уни шакллантиришда нафас олиш ва чиқаришни, артикуляция аппаратининг тўғри ишлатилишини хонандалар томонидан яқдиллик билан бир хил бажарилишиға эришиш лозим.

Кейинги масала эса, ушбу ҳосил бўлган товушнинг софлигига эришиш (хусусан, юқори регистрда), яъни овушни юқори позицияда куйлаш, бунинг учун бош резонатордан фойдаланиш хор аъзоларининг малакаларини ўстиради.

Товушнинг юқори позицияси ёки юқори позицияда куйлаш вокал-хор ижрочиличининг энг муҳим компонентиدير. Юқори товуш позициясига эга бўлмаган ҳар қандай хор ёки хонанда тўғри ва аниқ интонацияға эга бўлмайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Овоз аппарати қандай тузилган?
2. Товуш қандай ҳосил бўлади?
3. Товуш атаки деб нимага айтилади?
4. Нафас олиш турларини моҳияти қандай, уларни шарҳлаб беринг.

Назорат учун мавзулар.

1. Овоз аппаратининг физиологик тузилмаси.
2. Хорда нафас олиш турлари ҳақида қандай қоида ва қонунларга амал қилинади?

Адабиётлар.

1. Курбанова. Некоторые вопросы вокальной работы с детьми в Узбекистане. Т. 1991.
2. Ш.Рузиев “Хоршунослик”. Т.1987.
3. Г.П.Стулова. Теория в практика вокальной работы в хоре. М.1983 г.
6. Вопросы хороведения на музыкально педагогическом ф-те. М.1981 г.
7. Н.Н.Добровольская.Вокальные упражнения в хоре подростков. М.1959 г.
8. М.Глинка.Упражнения для усовершенствования голоса методические к ним пояснения и вокализы-сольфеджио. М.Л.Гос муз изд-во 1951 г.

Муסיкий луғат

1. Товушларни йўналтириш деб ҳар бир товуш оҳангини бир тарфлама, қарама-қарши, параллел ва гармоник ёки бир овози қолиб иккинчи овози йўналтирилса, оҳангни текис йўналтира олиш , бир хил текисликда ушлаб турилиши, тесситурани мослигига интервал сакрашларни ва сўз талаффузини маҳорат билан ижро этиш деб тушунилади.
2. Глиссандо-французча сўз бўлиб, сирғалиш маъносини бтлдиради. Товушни ёки муסיқа асбобини товушини юқорига ёки пастга туширилишига айтилади.

Хор турлари, уларнинг кўриниши ва таркиби.

Хорлар икки асосий турга бўлинади. Яхлит (бир жинсли) ва аралаш хорлар.

Яхлит-бир жинсли хорларга:

1. Болалар хори (Дискант, сопрано овозлар)
2. Аёллар хори (Сопрано. Альт овозлар)
3. Эркаклар хори (Тенор, бас, баритон, окт-бас)

Аралаш хор деб турли овоздан (С.А.Т.Б.) ташкил топган хор жамоасига айтилади. Бу хорда эркаклар ва аёллар иштирок этади.

Болалар хори.

Болалар хори асосан икки, уч овоз партиясидан ташкил топади.

1. Дискант-юқори овоз.

2. Альт-пастки овоз ҳисобланади.

Партияларнинг икки овозга бўлиниши “дивиз” дейилади.

Тўрт овозли болалар хори - ҳар иккала партияни иккитадан партияга бўлиниши

I Дискант + I альт

II Дискант II альт

ёки 3 овозли болалар хори

Дискант I

I Альт

+ Альт I

+Дискант I

Дискант II

II Альт

I Дискант + I альт

II Дискант II альт

Кўпроқ болалар хорида ишчи диапазон мавжуд бўлади, бу ўрта диапазон бўлиб кўшиқ куйлаш осон ҳисобланади.

Кўпинча хаваскор болалар хорида ишчи диапазон кўшиқлар ижро этилади. Юқори ижро маданиятига эга болалар хорида умумий юқори диапазонда ёзилган кўшиқлар хор дастури тузилади, шунда ҳам кўпинча болаларни овозини зўриқтирмайдиган кўшиқлар олиш тавсия этилади. Диапазонлар баланд бўлсапастга (0,5 ёки 1 тон) тушириб ижро этиш тавсия этилади. Хорда асосан қайси партияда кўп кўшиқчи бўлса, шу партия икки овозга “дивизга бўлинади” дейди.

Хорларни жойлаштириш.

Дирижёрнинг чап қўли тарафида асосан баланд овозлар, ўнг томонида эса паст овозлар жойлашади.

Тенор II	Тенор I	Бас I	Бас II
Сопрано II	Сопрано I	Альт I	Альт II

Дискант I	Альт I
Дискант II	Альт II

Кўпгина хор жамоаларида биринчи овозлар ўртада, иккинчи овозда четда жойлашади, октавачи баслар марказда жойлашади. Бунда биринчи овозларнинг жарангдорлигини иккинчи овозлар беркитиб туради.

Аёллар (Болалар) хори.

Сопрано II	Сопрано I	Альт I	Альт II
------------	-----------	--------	---------

Эркаклар хори.

Октавачи баслар

Тенор II	Тенор I	Бас I	Бас II
Тенор II	Тенор I	Бас I	Бас II
Тенор II	Тенор I	Бас I	Бас II
Тенор II	Тенор I	Бас I	Бас II

Хорни бундай жойлаштиришкўпинча хор асарларининг студияларда ёзганда жойлаштирилади.

Хорнинг кўриниши.

Хор партитурасид ҳар бир партияни қора тўғри чизик ва акколлада билан улайди, бу хор ҳар бир партия сонини ва неча овоздан иборатлигини билдиради. Бу хорнинг ижро имкониятларини, асардаги мустақил овоз партиялари борлигини билдиради. С.А.Т.Б. 4 овозли аралаш хор CI, CII, CIII, AI, AII, AIII ёки TI, TII, TIII, BI, BII, BIII, ва хоказо.

Хор асарлари ҳар хил бўлиб, икки, уч, тўрт, беш ва олти, ундан кўр бўлиб, вақти-вақтида “дивиз”ларга партиялар бўлиниши мумкин.

Тенор I	Тенор II	Тенор III	Бас I	Бас II	Бас III
Тенор I	Тенор II	Тенор III	Бас I	Бас II	Бас III
Сопрано I	Сопрано II	Сопрано III	Альт I	Альт II	Альт III
Сопрано I	Сопрано II	Сопрано III	Альт I	Альт II	Альт III

Агар хор икки овозга бўлинган бўлса, С.А. ёки Т.Б. Бу икки овозли бир жинсли хор деб аталади.

Агар хор уч овозга бўлинган бўлса, CI, CII, AI ёки TI, BI, BII. Бу уч овозли бир жинсли хор деб аталади.

Агар хор тўрт овозли С.А.Т.Б. бўлиб, айрим холда ҳар бир овоз қисқа муддатга икки овозга бўлинса ҳам бу хор 4 овозли дейилади.

Хор асари гармоник товушлардан ҳосил бўлса, бунда аёллар ва эркаклар партияси оралиғи кичикроқ бўлиб гармоник товушнинг текис эшитилиши, равонлиги ҳамоҳанг бўлади.

Иккитали хор-бу алоҳида бир жинсли хорнинг биргаликда ҳамоҳанг бўлиб қўшиқ ижро этишига айтилади. Учтали, тўрттали ва хоказо.

Аёллар хори.

Аёллар хори таркиби, қуйидаги овозлардан иборат бўлади.

1. Сопрано

2. Mersiso-Сопрано (Альт)

3. Контральто. Бир овозли аёллар хори, альт, уннисон примада.

Аёллар хори икки, уч, тўрт, беш ва олти овозга бўлиниб, хорда эпизодик равишда бўлинган бўлади.

Уч овозли аёллар хори

I Сопрано

II Сопрано альт ёки контральтодан иборат бўлади.

4

овозли аёллар хори.

I Сопрано

II Сопрано

I Альт (Mersiso-Сопрано)

II Альт (контральто)

5 овозли аёллар хори.

I Сопрано

+

I Альт

II Сопрано

II Альт

III Сопрано

ёки

I Сопрано

+

I Альт

II Сопрано

II Альт

III Альт

6 овозли аёллар хори.

I Сопрано

+

I Альт

II Сопрано

II Альт

III Сопрано

III Альт

7 овозли аёллар хори.

I Сопрано

+

I Альт

II Сопрано

II Альт

III Сопрано

III Альт

IV Сопрано

Эркаклар хори.

Эркаклар овози хор таркибида Тенор, Бас, Баритон овоз партиялари ташкил қилади.

Эркаклар хори 2,3,4,5 ва ундан ҳам кўп овозли бўлади.

2 овозли эркаклар хори унисом-примада
тенор+бас

5 овозли эркаклар хори

I Тенор I Бас

II Тенор II Бас

III Тенор

ёки 6 овозли эркаклар хори

I Тенор I Бас

II Тенор II Бас

III Тенор III Бас

ва хоказо.

5 ёки 6 ва ундан ҳам кўп овозга эпизодик равишда овоз партияларига бўлинади.

Тўлиқсиз аралаш хор.

Тўлиқсиз аралаш хор деб уч овоз партиясидан ташкил топган аёллар ва эркаклар овози С.А.Б. ёки Т. Эркаклар ва аёллар овози Т.Б.С. ёки А. овозлари бўлиши мумкин. Гар бир овоз партияси “дивиз”ларга бўлиниши мумкин. (2,3 ва хоказо)

Аралаш хор.

Аралаш хор деб ҳар хил жинсли овозлардан С.А.Т.Б. баритон ва октавачи баслар қўшилишидан иборат бўлиб, болалар овози ҳам иштирок этиши мумкин. Дискант,альт. Аралаш хор хор санъатидаги энг такомиллашган тури бўлиб у ранг баранг тембр буёқларига катта овоз диапазони ва кенг ижро имкониятларига эга.

Унда асосан тўртта овоз иштирок этади.

Сопрано + Альт

Альт Бас (баритон)

Масалан: 12 овозли

6 ОВОЗЛИ

8 овозли, 10 овозли хор жамоалари шў асосда тўзилиши мўмкин.

Хорлар таркиби.

Кичик тузилишдаги аралаш хор – 12, 16, 24 киши,

ўрта тузилишдаги аралаш хор – 24, 48, 60, киши,

катта тузилишдаги – 48, 54, 70 киши ва ундан ортиқ хорда куйловчилар қатнашиши мумкин. Хорда хонандалар сони куйидагича бўлиши мумкин.

1. Тенг сонли ва бир хил (ҳар бир овоз партияси) тембри,
2. Хордаги баланд овозлар сони (сопрано, тенор) овозлар сони паст (альт, бас) овозларга қараганда қисман кўпроқ хаваскорлик хорларида бўлади.

Энг кичик аралаш хорнинг ҳар бир партиясида 3 тадан қўшиқчи бўлиши мумкин. 12 қўшиқчи ҳаммаси бўлиб, бир жинсли аёллар ёки болалар хорида 3 та сопрано+3 та альт = 6 та. Бир жинсли эркаклар хорида 3 та тенор+3та баслар = 6 та қўшиқчи. Бундай хор жамоаларини “камер” хорлар дейилади. Кичик хорларни жамлашда буюк хоршунослар Пигров К.К. 12 –15 қўшиқчидан иборат бўлиши мумкин дейди. П.Г.Чеснаков эса 25 кишидан иборат бўлиши мумкин дейди. Масалан: кичик аралаш хорда

I Сопрано 3

II Сопрано 3

I АЛЪТ 3

II АЛЪТ 3

I Тенор 3

II Тенор 3

I Бас 3

II Бас 4

Гаммааси бўлиб 25 қўшиқчи.

Кичик аралаш хорда октавачи баслар иштирк этмайди. Уларнинг кучли тембри ажралиб туради.

ўрта аралаш хор – бу кичик ва катта аралаш хорнинг ўртаси бўлиб бунда 25 (27) қўшиқчидан то 80 тагача қўшиқчи иштирок этиши мумкин. Масалан:

I Сопрано 3

II Сопрано 3

I Альт 3

II Альт 3

I Тенор 3

II Тенор 3

Баритон 3

Бас 4

Октавачи бас 2 та жами 27 кишидан иборат.

К.К.Пигров хоршунос айтадики, ўрта хорда 25-35 кишидан иборат бўлиб ҳар бир партияда 6, 8 киши иштирок этиши мумкин.

А.А.Егоров хоршунос таъкидалайдики: –хор 32-40 та кишидан иборат бўлиб, ҳар ьбир партияда 7, 8 киши бўлиб, октавачи баслар эса 2,3 кишидан ташкил топса.

Н.А.Римский – Корсаков опера хори жамоасидан келиб чиқиб шунлдай дейди: 16 – 20 қўшиқчи ҳар бир партияларда жами 64-80 қўшиқчи бўлиши мумкин деб таъкидлаган.

Катта хор.

Катта хор ташкил қилиш кенг тарқалган бўлиб, 54-150 қўшиқчидан ташкил топади.

П.Г.Чеснаков схемаси бўйича катта аралаш хор 54 кишидан иборат бўлиб:

I Сопрано 3+3=6

II Сопрано 3+3=6

I Альт 3+3=6

II Альт 3+3=6

I Тенор 3+3=6

II Тенор 3+3=6

Баритон 3+3=6

Бас 4+4=8

Октавачи бас 2+2=4 жами 54 кишидан иборат.

А.А.Егоров – катта хор жамоаси 40- 120 кишигача (3тадан то 5 октавачи баслардан).

П.П.Левандо – катта аралаш хор жамоаси 60-80 киши ва ундан ортиқ.

В.Г.Соколов – 100-150 та кишидан.

В.И.Краснашеков 80-120 кишидан

Н.А.Римский – Корсаков эса катта аралаш хор партиясини ҳар бирида 32 кишидан иборат бўлиш керак деб таъкидлайди. Композиторлар, хор дирижёрлари ва хоршунос асосчилари қайд қилганларилек хордаги овоз кучига чиройли тембрга , ансамбл созига эга бўлиш маҳоратига боғлиқ деб ҳисоблаганлар. Катта аралаш хор ижро этган асарни ўрта хорда ижро яхши чиқмайди. ўрта хор учун ёзилган асар кичик хор ижросида яхши

жарангламайди. Сабалари : кичик зал, залнинг акустикаси, куйловчиларни ҳаммасини олиб келиш ва шунга ўхшаш муаммолар бўлиши мумкин.

Хорни сахнада жойлаштириш.

Тўлиқ аралаш хор кенг ижро имкониятларига эга бўлиб, техник жихатдан ривожланган, ҳар бир хонанда етук, юқори малакали бўлади. бундай катта аралаш хор ҳар қандай мураккаб асарни ҳам ижро эта олади. Унинг овоз кучи кенг садоси тўлиқ бўлади.

Тўғри чизиқ бўйлаб

Ўй шаклида



Кавартет тарзида



Янги педагогик технологиялар тизимида мавзуни ўзлаштириш

1. Зиг-заг усули— мавзуни бўлакчаларга бўлиб сипекер сайлаш керак. 3-4 гуруҳ мавзуни бир-бирига сўзлаб бергандан кейин ҳар бир гуруҳни ўзлари баҳолашлари лозим.
2. Кластер усули. Мавзуларни ўзлаштиришда тармоқлаш тизими қўл келади. Хор жамоаси унинг тузилиши, турлари ва хиллари, хор асарларининг ўрганишдаги кетма-кетлик. Асарнинг ғоясини шарҳлаб бериш, динамик ривожланиши, авжини аниқлаш овоз партияларда интерваллар сакраши ва х.к..

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Хор турлари, уларнинг кўриниши ва таркиби деб қандай хор жамоаларига айтилади.
2. Болалар, аёллар, эркаклар вааралаш хор жамоаларининг ижро имкониятлари ва тузилиши қандай?

Назорат учун мавзулар.

1. Балалар, аёллар ва эркаклар хор жамоаларини ташкилилй асослари ҳақида.
2. Аралаш хор жамоаларини ишини ташкил қилишда метод ва малакалар.

Адабиётлар

1. Г.П.Струве “Школьный хор” Книга для учителя. М.1981 г.
2. Г.П.Стулова “Хоровой класс” Теория и практика работ в детском хоре. М.1988 г.
3. В.А.Самарин “Хороведение” Учебное пособие, М.1998 г.
4. Н.А.Бахритдинова “Ўзбекистон болалар хор маданияти” Т.2002 й

Хор садосининг муҳим элементлари.

П.Г.Чесноков ўзининг “Хор и управление им” (“Хор ва уни бошқариш”) фундаментал китобида: “Хор садосининг асосини интервал ва аккордларнинг аниқ талффузи, яъни соз, хор партияларининг мослашган садоси-ансамбль ва асар мазмунини очувчи бадий-ифода воситалари-нюанслар каби асосий элементлар ташкил қилади”,-деб уқтириб ўтган.

Кейинчалик бу назария анча такомиллашиб, хорда яхши соз, тўғри нафас ва тўғри товуш ҳосил қилишдек вокал-хор техникасига оид муҳим масалалар ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги тажрибада тасдиқланган.

Хор ансамбли.

Ансамбль хорнинг асосий элементларидан бири бўлиб, товушлар садосидаги бирлик, аниқ темп ва ритмда овозларнинг тембрига кўра ҳамоҳанглиги, хор ва жўр, солист ва хор овозининг уйғунлашуви натижасидир.

Хор ансамбли мусиқа ансамбллариининг энг кенг ва қийин турларига киради ва ўз ичига кўп сонли ижрочиларни олади.

Ансамбль сўзи (французча “ensemble”) –бирга, яъни ҳамоҳанглик демакдир.

Ансамбль кенг маънода ишлатилади. Масалан, архетиктура ансамбли, мусиқа ансамбли ва ҳоказолар.

Мусиқа ансамбли турли хил бўлади; икки хонандадан иборат-“дуэт”, уч киши –“трио”, тўрт киши-“квартет”, беш киши-“квинтет”, олти киши –“секстет”, тўққиз киши-“нонет”, ўн киши – “децимет” ва ҳоказолар вокал ансамблига киради.

Бир неча кишининг бирга кўшиқ айтиши ёки мусиқа асбобларида куй чалиши ҳам ансамблни ташкил қилади.

Лизлар вокал ансамбли, йигитлар вокал ансамбли, ҳар хил инструментал ансамбллар шулар жумласидандир.

Хор ва оркестр ҳам коллектив ансамблга киради. Хорда ёки оркестрда хонанда ва созандалар группаларга бўлиниб, партияларни ташкил қиладилар. Алоҳида бир хор партиясидаги хонандаларнинг овоз тембри ва диапазони тахминан бир хил бўлса, шунинг ўзи хонандалар ансамбли бўлади.

Демак, юқоридаги мисолларга таяниб, хор вокал ансамблларида, оркестр эса инструментал ансамбллардан ташкил топади десак, хато бўлмайди.

Хор ансамбли икки асосий кўринишда бўлади-хусусий ва умумий ансамбл.

Хусусий ансамбл-маълум бир партиядаги овозларнинг кўшилиши, уйғунлиги.

Демак, алоҳида бир партия товушларнинг уйғунлиги (бемалоллиги) хусусий ансамбль дейилади.

Умумий ансамбль – хордаги ансамблларнинг қўшилиши, яъни хор партияларининг ҳамоҳанг садоси.

Тўртта (сопрано, С. альт, А. тенор, Т. бас, Б) партиянинг қўшилиши ва уйғунлиги умумий ансамблни ташкил қилади.

Хор партияларида бирор хонанданинг овози ўзига мансуб партияга қўшилмаса (ажралиб турса), ўша партияда ансамбль бўлмайди. Хусусий (партиядаги) ансамбль бузилгач, бу ҳол умумий ансамблга ҳам таъсир қилади натижада, умумий ансамбль ҳосил бўлмайди. Демак, овозларнинг бир-бирига мослиги, узвийлиги ва умумий ҳамоҳанглиги хорнинг умумий ансамблини ташкил қилар экан, хор раҳбарининг асосий вазифаси ана шу уйғунликка эришишдир.

Хорда тўлиқ ансамбль барпо қилиш жуда кўп факторларга боғлиқ. Профессор Г.А.Дмитриевский ўзининг “Хор ансамбли” илмий мақоласида хор ансамбли қуйидаги элементлар билан боғлиқлиги ҳақида тўғри фикр юритади. Улар:

- горизонтал интонация;
- овоз характери (тембри);
- овоз кучининг динамикаси,
- товушларнинг чўзими (ритм);
- ҳаракат бирлиги (агогика);
- талаффуз бирлиги (дикция-орфоэпия) ва бошқалар.

Шунингдек, автор хор ансамблини мусиқа асаридан ажратган ҳолда кўрмаслик, балки уни конкрет мусиқа асарида кўриш ва таҳлил қилиш кераклигини тўғри маслаҳат бериб, хоршунослик назариясига ўз ҳиссасини қўшади. Бугунги хоршуносликда қуйидаги тушунча ва терминлар мавжуд:

- интонация ансамбли;
- соз ансамбли;
- тембр ансамбли;
- динамик ансамбли (партиялардаги овоз кучининг тенглиги);
- агогик ансамбли;
- дикция-орфоэпикансамбли;
- тесситур ансамбли;
- фактура ёзуви ансамбли.

Маълумки, хорнинг ансамбли ушбу элементлардан ташкил топади.

Лайд қилинган ансамбль элементларидан бирортаси бузилса умумий хор ансамбли ҳам бузилади.

Ҳусусий ансамбль

Ҳар бир хор партиясини тузаётганда бир овоз тембри иккинчи овоз тембрига мос келишига қараб танлаш партияни бир бутун қилади. Натижада овозлар уйғунлигига эришилади. Бу ҳусусий ансамблнинг асосий хусусиятлардан биридир. Шундай йўл билан тузилган партияда, бир хил овоз барпо қилиш ва чиқариш, динамик белгилардан фойдаланиш,

нафас олиш, талаффуз ва интонация қилиш малакаларига эришиш каби ишлар олиб борилади. Хорда хонандалар бир текис оханг таратадилар.

Ярим ансамбль. Иккита бир жинсли овоз партияларининг қўшилиши ва товушлар уйғунлиги-ярим ансамблни ташкил қилади. Масалан, С+А ёки Т+Б.

Потўла ансамбль уч овоз партиясининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Масалан, аёллар хори ва тенор (ёки бас)=С+А+Т (ёки +Б), эркаклар хори ва алтъ (ёки сопрано)=Т+Б+А (ёки +С).

Умумий (тўлиқ) ансамбль ҳамма (тўрттала) овоз партияларида товуш динамикасининг тенглиги ва уйғунлигидир. Умумий хор ансамблига мукаммал динамик ва товуш садоси мувозанатини ҳосил қилиш орқали эришилади.

Хорда умумий ансамблни барпо этиш учун биринчидан:

А) ҳар бир хор партиясидаги хонандалар сон жиҳатидан тенг бўлиши керак

Б) ҳар бир партиядаги овозлар сифат жиҳатидан бир хил бўлиши керак

В) ҳар бир партиясида тоза унисонли ансамблга эришиш керак.

Маълумки, хор қўшиқчилигини якка хонандалар овозининг органик бирлиги ташкил қилади. Шунинг учун ҳар бир хонанданинг ўзига мансуб овоз партиясига қўшила олишиш, ритмик ижрога, аниқ ва равон сўз талффузига эга бўлиши шарт. Зеро, хор партияларида унисон ансамблни барпо қилиш учун овозларнинг тембр, динамик, темп, интонацион ва сўз талффузи (дикция) бирлигига – ансамблига эришиш зарур.

Ҳар хил фактурали асарларда хор ансамбли

Хор асари фактуросининг тузилишига қараб, унда ансамбль турлари ҳам ҳар хил бўлади.

1. Унисон ёки октавали унисон ансамбли

2. Аккорд-гармоник асарлардаги хор ансамбли
3. Полифоник асарлардаги хор ансамбли
4. Хор ва солист ўртасидаги ансамбл
5. Хор, жўр ва солист ўртасидаги ансамбл ва ҳоказолар.

Хор адабиётида фактураси унисон ёки октавали унисон бўлган оммавий хор қўшиқлари ва бошқа кўпгина асарлар мавжуд.

Аккорд-гармоник асарлардаги хор ансамбли.

Хор партияларининг динамик тенглиги нисбий бир хил аҳамиятга эга бўлади. асарнинг асосий куйи ҳар хил овозда бўлиши мумкин. Агар бош

куй бирорта партияда аниқ ифодаланмаган бўлса ҳам, у гармоник образлар орқали ифодаланади.

Полифоник асарлардаги хор ансамбли. Бу фактурадаги асарларда хор партиялари ҳар хил аҳамиятга эга бўлади.

Асосий мавзу қайси партияда бўлса, айнан шу партия умумий ансамблдан бир оз ажралади. Асосий куйни олиб борувчи овоз солистлик вазифасини бажаради, қолган овозлар фон бўлади. масалан, хорнинг уч партияси “Р”да куйланса, биттаси “Solo” олиб борувчи партия улардан ажралиброк “mf”да қўшиқ айтиши мумкин. Шунингдек, навбат билан асосий куй бошқа овозларга ҳам ўтиши мумкин. Ансамблнинг бу тури фақат полифоник фактурали асарларда бўлади.

Хор ва солист ўртасидаги ансамбль куйидагича бўлади: асосий куй яккахон ашулачига топширилади, хор эса, умуман фон вазифасини бажаради. Солист хор жўрлигида оханг таратади.

Асосий куй солист томонидан хорга нисбатан кучлироқ таралса ҳам хор билан солист ўртасида ҳамоҳанглик бўлади. бу ўзига хос ансамбл туридир.

Хор, жўр ва ўртасидаги ансамбль. Ансамблнинг бу тури концерт практикасида кўп учрайди. Бундай асарлар ижро қилинганда аввал солист, кейин хор ва жўр (оркестр), фақат хор билан унинг жўригина бўлганда, биринчи планда хор оҳанги бўлиб, оркестр унга жўрлик қилади. Агар оркестр партиясида алоҳида аҳамиятга эга жойлари бўлса, шу ерларда оркестр биринчи планга чиқади. Бундай ҳолларда умумий садо шундай бўлиши керакки, яккахон ашулачиёққол эшитилсин, хор эса солист овозини, оркестр хор ва солист овозини эшитишга ҳалақит бермасин, балки ҳар уччаласи ҳам баралла эшитилсин. Бунинг учун созандалар хорни ва солистни эшитиб чалишлари, хордаги хонандалар эса ўзаро ансамблда бўлиши керак. Дирижёр хор билан жўр ҳамоҳанглигига эришиши лозим.

Табиий ва сунъий ансамбль.

Овоз партиялари тенг тесситур шароитда бўлиб, бир хил регистрлардан фойдаланилса, ҳамоҳанглик табиий бўлади. Бу табиий ансамбл дейилади. Партитурада овоз партиялари бир хил тесситур баландлақда ёзилиб, уларга бир хил товуш динамикаси берилган бўлса, ҳар бир овоз партияси, шунингдек, бутун хор табиий шароитда садо беради. Бу садо ҳамоҳанг, жуда уйғунлашган бўлади.

Сунъий ансамбль.

Баъзи хор асарларида мусиқа сифатлари етарли даражада бўлмайди. Бундай асарларни хор билан ижро қилишда дирижёр сунъий равишда партиялар садосини уйғунлаштиради, яъни динамик жиҳатдан тенглаштиради. Бу сунъий ансамбл дейилади.

Агар асарда партияларидаги баъзи эпизод, фраза ва аккордлар ҳар хил регистрларда ёзилган бўлса, овоз кучи бир хил жарангламайди. Бундай ҳолда дирижёр овозлари динамикасини сунъий тенглаштиради.

Масалан, асар муаллифи ҳамма партияларда қаттиқ “f” ни қўллаган. Дирижёр эса юқори тесситурадаги партияга “f”ни эмас “mf” ни қўяди, паст регистрдаги овозларда “f”ни қолдиради. Овоз кучини бундай пасайтириш ёки кучайтириш йўли билан товушлар сунъий тенглаштирилади.

Баъзан ҳамма партиялар бир хил тесситура шароитда бўлиб, фақат битта партияда пастки регистр ноталари берилган ва умумий хорга “mf” қўйилган. Дирижёр уч партияда “mf” қолдириб, тўртинчи партияга “f” қўйиб, уни кучайтиради ва умумий овоз тенглигига эришади. Сунъий равишда ҳамоҳанглик барпо қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бой хор адабиётида хор партияларининг бир-бирларидан баланд ёки паст тесситура шароитида ёзилган хор фактуралари мавжуд. Масалан, аралаш хор учун ёзилган партитураларда тенор партияси альтга кўра, альт сопранога кўра баландда ёки тенор басдан, альт тенордан, сопрано альтдан пастда бўлса, бунга икки томонлама қараш ва ансамбль турини аниқлаш керак.

Биринчидан, ёш композиторлар хор ва унинг овозлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ҳолда фақат овозлар тахминий диапазонига қараб ёзган бўлади.

Иккинчидан, композитор атайин янги темър бўёқларига эришиш мақсадида ижодий тафаккури таъсирида шундай фактурада асар ёзган. Ансамблга тесситура шароитнинг таъсири ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Шундай қилиб, партияларда соз бўлмаса, хор ижросида ансамбль ҳам бўлмайди. Хорда тўлиқ ансамбль барпо қилиш хор ижрочиларининг асосий ишларидан биридир.

Хор сози.

Соз-интервалларнинг товуш баландликлари муносабати системаси.

Кўп овозли музиканинг ривожланиши билан тоза квинта ва катта терция созига эҳтиёж сезила бошлаган. Бу соз гармониянинг асоси-уч товушликнинг консанантлигини таъминлайди. Кейинчалик темпперациянинг пайдо бўлиши замонавий тенг темпперация созига олиб келади. октава лад билан боғлиқ бўлмаган 12 бир хил тенгликдаги ярим тонликка бўлинган. Бу соз эшитиш қобилияти билан координация қилинади.

Хорнинг сози табиий бўлганлиги учун унда “зона сози” қўлланилади. Бунда товуш маълум зона кенглигида ўз сифатини ва номини сақлайди. Хордаги зона сози товушларнинг лад асосида юқорилатиш ва пасайтириш имкониятини беради.

Демак, соз тушунчаси, аввало, товуш баландлиги, кейин эса хордаги алоҳида овозлар ва партияларнинг ўзаро интонацион муносабати билан боғлиқ. оддийгина қилиб айтганда, соз-интервал ва аккордларнинг тўғри талффузидир.

Соз-хар қандай музикаий ижрода, шунингдек, хор қўшиқчилигида ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Созсиз музика асбобини эшитиб бўлмаганидек, созсиз хорни ва оркестрни ҳам тинглаб бўлмайди.

Тадқиқотчиларимиз П.Г.Чеснаков, А.А.Егоров Соколовлар таърифлаганларидек, соз ҳам ансамбль ва нюанслар каби хорнинг асосий элементларидан бири ҳисобланар экан, хорда соз лад қонуниятларининг очилишига, интонация барқарорлигига имконият яратади.

Соз турлари.

Хор сози таъбний соз бўлиб, у икки турга бўлинади.

1. Мелодик (горизонтал)-хор партияларидаги соз, яъни интервалларнинг аниқ интонация қилиниши
2. Гармоник (вертикал)-умумий хор сози. Бу аккордларнинг аниқ интонация қилиниши.

Хор ижросида тиниқ созга эриши учун хонандалар ва раҳбар олдида катта вазифалар қўйилади. Аввало, раҳбар юқори малакали мутахасис бўлиши ва профессионаллик асосида иш тутта билиши керак.

Хор созининг тиниқ ва яхши бўлиши хонандаларнинг музика тайёргарлигига, овоз аппаратининг ҳолатига, хорнинг қандай жойлашганлигига, хона ёки сахнанинг акустикасига боғлиқ бўлади.

Хор созининг муҳим омилларидан бири, хонандаларни вокал тарбиялашдир. Ўшиқ айтиш, солфеджио каби машғулотлар орқали хор аъзоларининг вокал ва гармоник қобилияти ривожлантирилади.

Кўп овозли хор асарларини айтиш, хонандаларнинг гармоник эшитиш қобилиятини ўстиради.

Хорнинг яхши созга эга бўлиши, мажор ва минор гаммаларини тўғри талффуз қилиш қоидаларини ўзлаштиришга боғлиқ.

Мажор ва минор интервалларини, уч товушликларини, уларнинг айланишларини тўғри интонация қилиш устида иш олиб борилади.

Демак, хор сози тоза интонацияга боғлиқ.

Интонация ва соз бир-бирлари билан узвий боғланган бўлади.хорда тоза интонациясиз соз бўлмайди.

Интонация - товуш баландлигини овозда аниқ талаффуз қилиш.

Товушни овоз билан аниқ юқори талаффуз қилиши учун нафасни аниқ олиш, уни ўз вақтида ушлаб, кейин овоз чиқариш, товуш ва эшитиш қобилиятини тўғри уйғунлаш муҳим роль ўйнайди.

Хорнинг сози табиий бўлганлиги учун ундаги интонация лад билан боғлиқ бўлади.

Агар соль-диез, до-диез, фа-диез ноталари турғун товушда бўлмаса, улар бирмунча баландроқ юқорилашга мойиллик билан интонация қилинади.

Гармоник қобилиятни ўстириш учун турли хил аккордлар, уч товушликлар кенг ва тор жойлашган холда олинади.диезлик товушларини юқорилатиб, бемоллик товушларини эса ырмунча пасайтириб талафуз қилинади ва кейинги нотага ўтилади.

Соз устида ишлаганда хонандаларнинг лад-тонликларини сезиш қобилиятини ҳар доим ўстириб борилади. Ўшиқ ижросида аввал ўша қўшиқ тонлигидаги барқарор босқичларни, товуш қаторни, айрим аккордларни машқ қилиш фойдали бўлади.

Маълумки, хор созига асарнинг динамикаси таъсир қилади. Чунки хонандалар қаттиқ овоз билан куйлаганда маълум даражада уларнинг эшитиш қобилияти пасаяди, натижада, сохталик пайдо бўлади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, мажор интонацияси минорга қараганда енгилроқ ижро этилади. Табиий минорни тоза интонацияда ижро этиш анча мушкул, хусусан, унинг еттинчи босқичи пасайтиришга ва кейинги тоникаси юқори интонацияга мойилдир.

Шунингдек, кварта, квинта, октавалар ҳар доим бир текис талффуз қилинса, катта терция мажор уч товушликда ва доминант септаккордда баланд интонация қилинади.

Хор ижрочилиги тажрибасидан маълумки, мажор ва минор товуш қаторлари, уч товшликлари, септаккордлар ва уларнинг айланишлари орттирилган ва камайтирилган интерваллар қуйидагича садолантирилади. Мажор гаммаси

Табиий минор гаммаси

Гармоник минор талаффузи

Мелодик минор

Хорда кичик интерваллар бир омонлама пасайтиришга ва катта интерваллар бир томонлама кенгайтиришга мойиллик билан садолантирилади. Кичик интерваллар

Катта интерваллар

Ҳар иккала товуш ҳам турғун бўса, тоза интерваллари барқарор интонация қилинади.

Орттирилган интерваллар ҳар иккала томонлама торайишга мойиллик билан интонация қилинади.

Интервал ва аккордларни аниқ интонация қилиш вокал тессетураси билан ҳам боғлиқ бўлади. агар интервал юқори овоз тесситураси бўлса, зўриқиш сабабли овоз пардалари таранглашади ва бу интервалларни талаффуз қилиш жуда қийин бўлади.

Хроматик, диатоник интервалларни талаффуз қилишда, шунингдек, модуляция, вақтинча бошқа тонликка оғиш каби ҳолларда раҳбар уларнинг садоантириш қоидаларига таянган ҳолда иш кўради. У конкрет асарлар лад билан боғлиқ бўлади. Агар асар тез темпда бўлса, ҳамма хонандалар ҳаи ноталарнинг аниқ баландлигига етмасдан куйлайди. Бундай асарларни секин темпда ўргатиш, интервалларнинг аниқ садосига эришиш имконини беради, сўнг ижрони тез темпда давом эттириш мумкин. Аксинча, репетиция пайтида оғир темпдаги асарларни сал тезроқ темпда ўрганилса, асар тезроқ ўзлаштирилади ва хор сози тоза бўлади.

Шундай қилиб, хорда тоза созни барпо қилиш учун овоз партияларининг соф интонацияси бирлигига эришиш зарур. Овоз партияларининг бирортасида соз ноаниқ бўлса, умумий хорда ҳеч вақт тоза бўлмайди.

Умуман, юқорида кўзда тутилган хусусиятларни билиб, тўғри интонация қилиш ва яхши ижро техникасига эга бўлиш-хор созида сохталиқ каби камчиликларнинг олдини олади ва аниқ созга замин яратади.

Хор раҳбари бутун иш жараёнида хонандаларга интервалларни лад билан боғланган ҳолда тўғри тушуниб ижро қилиш, нафасни тўғри олиш ва сарфлашни тинмай ўргатиши ва кузатиб бориши лозим.

Агар ижро пайтида бирор хор партиясининг интонацияси бироз паст ёки баланд бўлса, дирижёр ўз вақтида ўша томонга қараб, шартли бармоқ ҳаракатлари билан хатоларни дарҳол тузатиши керак. П.Г.Чеснаков ибораси билан айтганда, хор сози “кўп қиррали тош”га ўхшаган бўлиб, унга машаққатли меҳнатлар орқали эришиш мумкин.

Хорга тон бериш.

Асарни ўз тонлигида ижро қилиш учун хордан жўрсиз услубда маҳоратли куйлай олиш малакаси талаб қилинади.

Юқори позицияда куйлаш, интервал ва аккордларни тўғри талаффуз қилиш каби машаққатли меҳнат эвазига а’капелла услубида куйлашга эришилади.

Мана шундай жўрсиз асарларни ижро қилишдан олинган хорга тон берилади, яъни хор ижро қилинадиган асар лад-тонлигига соزلанади.

Демак, тон бериш хорни маълум лад-тонликка мослаштириш, ҳар бир овоз партиясига тонликдаги тегишли товушни эшиттиришдир.

Одатда, а’капелла (жўрсиз) хор асарларининг ижросини бошлашдан олдин тон берилади.

Хорга тон беришда камертон ёки роялдан фойдаланилади. Тон бериш жараёнида ҳар бир хор партияси, ҳар бир ижрочи маълум тонликка мослашади ва ўша лад-тонлигида аниқ бошланади.

Хор дирижёри тонни шошилмасдан, аниқ ва ишонч билан берди бу муҳим аҳамиятга эга. Агар раҳбар тон беришда шошилса ва оз бўлса-да, ноаниқликка йўл қўйса, хорнинг ижроси барқарор тоналлика эга бўлмайди.

Тон бериш катта масъулиятли иш бўлиб, ўта зийраклик, махсус тайёргарлик талаб қилади. Бунинг учун хор раҳбари тон бериш йўллари пухта эгаллаган бўлиши керак. Баъзида жўрли асарларни бошлашдан олдин ҳам хорга тон берилади. Масалан, ижро қилинадиган жўрли асар ҳеч қандай муқаддимасиз бўлиб, хор ва оркестр ижрони бирга бошлайди. Хонандалар асар тонлигига созланмаганлиги учун улар керак бўлган товушларга дарҳол туша олмайдилар. шундай пайтларда жўрли хорга тон берилади.

Хорга тон бериш йўллари ҳар хил бўлса ҳам хор олдидан тон бериш анча афзалроқ.

Тон бериш учун “ля” ёки “до” камертонидан ижро қилиниши керак бўлган а’капелла хорининг тоникаси, доминантаси ёки терция товуши топилади ва тўлиқ тоник уч товушлилик тузилади. Хор партияларига керакли товушлар берилади. Шундай қилиб, хор айнан шу тонликка созланади.

Масалан, “ля” товушидан “до мажор” уч товушлигини бериш учун “ля”дан кичик терция юқорига “до”га чиқилади. “До” товушини тоника деб қабул қилиб, пастга қараб тўлиқ тоник уч товушлик овозда ёки пианинода эшиттирилади.

Минор тонлигида тон бериш учун минор тоник уч товушлигини овоз билан айтиш мумкин.

Агар асар гармоник минор ладида бўлса, хорни куйидагича созлаш мумкин.

Масалан, М.Бурхоновнинг жўрсиз хор учун қайта ишлаган “Сари кўҳи баланд” гармоник “си-бемоль” минор тонлигида ёзилган.

Хорни ушбу гармоник минор тонлига созлаш учун аввал “ля”дан “си-бемоль” товушига ярим тон кўтарилади. Си-бемоль тоника деб қабул

қилинади ва пастга қараб “си-бемоль”, “фа”, “ре-бемоль” товушларини, кейин асосий куйнинг бир бўлакчасини чалиш ёки айтиш ҳам мумкин. Асар тоникадан бошланмай, доминанта ёки бошқа босқия товушларидан бошланган вақтда ҳам дирижёр, албатта, хорга аввал тоник уч товушликни, кейин эса доминанта уч товушликни эшиттириши керак.

Умуман ҳар доим хорга тоник уч товушликни тўлиқ эшиттириш зарур.

Ижро қилинадиган асар солист билан бошланса ва кейин хор қўшилса, бундай ҳолда якка хонандага фақат бошловчи тоннинг ўзинигина бериш нотўғри бўлади. солист тонликдан чиқиб кетмаслиги, балки ладни сезиш учуш тўлиқ тоник уч товушлик берилади. Шунинг билан бир қаторда хорга ҳам эшиттирилади.

Хор дирижёри камертон ёки мусиқа асбобида берилган тондан мажор ва минор тонликларини топиб, тоник уч товушликларини туза олиши ва хорга аниқ тон бера олиши керак. Машқ қилиш йўли билан хоҳлаган тонликда тон бериш мумкин. Хоршунослик адабиётларида мавжуд схемалар бўйича машқ қилишяҳши натижа беради. Масалан, А.А.Егоровнинг схемасидан фойдаланиш мумкин.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Хордаги сўз талаффузи қандай бўлиши керак, шархлаб беринг.
2. Хонанда овозларни қандай қилиб қўшиқ айтишга тайёрлайди.
3. Хор садоси деганда нимани тушунаси.

4. Хор ансамбллари неча хил бўлади?
5. Хор сози соз турлари ҳақида нимларни биласиз?
6. Хорга нима учун тон берилади?

Назорат иши учун мавзулар.

1. Хор жамоаси билан ишлашдан олдин, нималарни билиш ва ўрганиш назарияси ва амалда қўллаш услублари
2. ўзингиз ўрганаётган хорасари устида қандай иш режаларини бажарасиз. Янги педагогик технология ахборотларидан унумли фойдаланиш услублари ҳақида тафсилот беринг.

Муסיкий лугат

1. Cantique –(французча кантик) қўшиқ мадхия.
2. Canto – 1. Куйлаш оханг, 2. Юқори товуш дискант сопрано.
3. Canto a capella – черков қўшиғи, жўрсиз ижро.
4. Canto fermo – асосий оханг йўли
5. Canto gregoriano – григорян куйи

Адабиётлар.

1. В.А.Самарин “Хороведения и хоровая аранжировка” М. 2002 г.
2. К.Пагров “Руководство хором” М.1964г.
3. П.Г.Черняков “Хор и управления им” 1952 г.

Хоршуносликнинг бадий ифода воситалари

Бадий ифода асарнинг ғоявий мазмунини очиш формуласи ҳисобланади. Хор яхши созга ансамблга ва сўзталафузига, вокал хор техникасига эга бўлсаю, унинг ижроси бадий ифодага эга бўлмаса ундда асарнинг бадий ғоясини инглоовчирга тиб бормаидди. Ифодали ижро асарнинг тўлиқ асосий моҳиятини очиб беради. Тингловчилар қалбини хаяжонга солади, қувнчга тўлдиради.

Хорда яхши созга ришишдан катъий назар унда нюанслар агогика, динамикаю ва жумлалаш каби ижро воситалари етишаса унинг ижроси жонли

Асар жумлаларини аниқлаш. (фразалаш)

Муסיқа асари қисм ва даврларга бўлинди. Асарнинг маълум бир қисмидаги музикавий фикр даврни ташкил қилади. Давр эса гапларга, гаплар жумлаларга, жумлалар оҳангларга бўлинади. Ана шу оҳанг музика бўлакларини яхлит бир фикрга бирлаштириб, маъносини тушунган ҳолда ижро қилиш муסיкий жумлалаш дейилади.

Муסיкий жумлалаш муҳим ифода воситасидир. Музиқа асарининг ижросида жумлаларни аниқ тушунган ҳолда ифодали ижро этиш катта аҳамиятга эга.

Раҳбар хор жамоасига асарнинг музикавий тилини, ифода воситаларини ва унинг мантикий ривожланишини, умуман, асар мазмунини тўлиқ тушунган ҳолда ижро этишни ўргатиши зарур.

Муסיқавий жумлалашнинг ифодали нутқ билан яқинлигини назарда тутиб, уларни таққослаш мумкин. Масалан, ифодали нутқда фикрлар бир-биридан енгил ажратилган ҳолда, уларнинг асосийсига мантикий урғу берилади. Муסיқавий жумлалашда ҳам шундай деб тасаввур қилиш мумкин.

Тингловчи қулоғига ва лўнда эшитилиши учун ритм ва ўлчовларга путур етмаган ҳолда сезилар – сезилмас цезуралар (ажратиб турган жумлалар) лигалар ёрдамида улаб борилади. Асардаги сўз ва муסיқа урғуларининг ҳамда адабий муסיқавий матннинг бир-бирига тўғри келиши хонандаларга матн ва муסיқа мазмунини яққол очиб беради.

Муסיқа жумлаларини равон ижро қилиш, сўздаги асосий фикрни яққол кўрсатиш ва кульминациясини аниқ қуйлаш – тўғри ва ифодали жумлалаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Станиславскийнинг – қуйлаганда жумла, сўз, ҳатто бўғинлар билан фикрлаш кераклиги ҳақидаги маслаҳатини ва “фикрни қуйланглар!” каби иборасни эслаш ўринлидир.

Жумлалаш: динамика, цезура, агогика, нафас, тембр, артикуляция, ритм, темп, фермато каби муסיқавий ифода воситаларини ўз ичига олади. Асарни тўғри жумлалаш билан уни бир бутун талқин қилинади, умумий кулминациясига эришилади ва муסיқавий бадиий образ яратилади.

Ўлчов. Хор, оркестр, умуман, муסיқа ижрочилигида асарнинг ўлчов ва ритмининг сезиш, уни англаш зарур ҳисобланади.

Умуман ўлчовсиз муסיқа бўлмайди. ўлчов – кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг ритмик алмашинишидир. Кучли ҳисса ўлчов зарбини ҳосил қилади. Шу орқали муסיқа тактларга бўлинади.

Маълумки, ўлчовлар оддий (тактда битта кучли ҳисса бўлади) ва мураккаб-аралаш (бир неча кучли ҳиссадан иборат) бўлади.

ўлчов сони асар бошида калит олди белгиларидан сўннг ёзилади. Масалан битта кучли ҳисса иккита кучсиз ҳисса билан алмашинаётган бўлса, у уч ҳиссали (3/4) ўлчов бўлади.

Ритм. Ритм муסיқада асосий ифода ва шакл ҳосил қилиш воситаси ҳисобланади. У асар чўзими, урғуларни, тузилиши ва хокозоларни ўз ичига олади. Асарни ўргана бошлашда ритм устида иш олиб бориш зарур. Ритм оддий, мураккаб, бир ва ҳар хил бўлиб, у муסיқанинг юраги ҳисобланади. Ритмсиз муסיқа бўлмайди. У темп билан узвий боғланишда бўлади, шунинг учун ҳам муסיқада ҳусусан, хор қўшиқчилигида ўлчов, ритм ва темп катта бадиий аҳамиятга эга.

Фермато. Бадиий ифоданинг темпдаги яна бир тури ферматодир.

Фермато жумла охирида, сўз ўртасида ва асар (кўп ҳолларда) охирида қўйилади.

Темп - ҳаракат тезлиги – бадиий ифода воситаси ҳисобланади. Асарни композитор томонидан қўйилган темпда ижро қилиш зарур. Агарда асарнинг темпи (сезиларли даражада) ўзгарса, унинг маъноси ҳам ўзгариб, бутунлай бошқа асарга ўхшаб кетиши мумкин. Шунинг учун дирижёр иш бошлашдан аввал асарнинг ўлчови, ритми, темпи билан яхши таниш

бўлиши, идрок этиши лозим. бунинг учун у асарни пухта таҳлил қилиши, чалиши, куйлаш ва асарнинг характериға монанд темпни аниқлаши керак. Албатта, аниқ темпни топиш мумкин, лекин айрим сабабларға кўра (хонанинг акустикасига, хор составига қараб) у (бир оз тез ёки секин) ўзгариши ҳам мумкин. Айнан бир асарнинг ижросида ҳар хил темп бўлиши мумкин. Гамма хор асарларида ҳам бошдан то охиригача бир темп сақланмайди. Асарнинг маъносига қараб темпда агогик ўзгаришлар бўлиши мумкин. Масалан, жумла ўртасида ёки охирида товуш бир оз чўзилиши (тенуто ёки фермато), асарнинг айрим жойларида тезлашиши (аччелерандо) ёки секинлашиши (ритенуто) мумкин.

Масалан:

Темп, ўлчов ва ритм – муסיқада бошловчи сифатида, хусусан, кўп сонли хонандалар жамоаси ижросига мансуб хор санъатида яна ҳам аҳамиятлироқдир. Жамоа ижрода яхши ритмик бирликка эришиши учун нутқ ритмидан фойдаланиши, уни ўрганиши яхши натижа беради. Сўзлардаги урғули ва урғусиз бўғинларни аниқлаш асарнинг ритмик хусусиятларини очишга, улар устида ишлашга ёрдам беради.

Хорда ритм устида ишлаш энг муҳим ишдир. Темп ҳақида гапни давом эттирар эканмиз, асосан, қуйидаги темп белгилари кўп қўлланилади.

Булар:

адажио - секин-оғир,

ларго – жуда секин,

анданте – шошмасдан, текис,

аллегро – тез,

престо – жуда тез.

Хор ижросида мана шу асосий темплар ўзлаштирилса, асардаги бошқа агогик ўзгаришларни аниқлаш қийин эмас. Яна бир ритмик эркинлик

белгиси “rubato” қўлланилади. Бу бир жумлани торайтириб, иккинчисини кенгайтириб ижро қилишга имконият беради. “Рубато” усули хор ижрочилигида деярли кам учрайди. у асосан, халқ қўшиқлари якка хонанда томонидан ижро қилинганда ишлатилади.

Хор раҳбари асарнинг темпини метронимсиз, соатга қараб ҳам аниқлай олиши керак. Масалан, метроном ММ-60 бўлса, бир минутда метроном 60 марта, яъни секундига бир мартадан урилади. Агар М.М. =120 бўлса, метроном бир минутда 120 марта ёки ҳар бир секундда икки марта уриши керак.

Шунингдек $ММ^5=60$ бўлса, бир минутда метроном 60 марта уради, яъни бир минутда 60 та яримталиқ нота куйланади. $^6=1$ секунд бўлади. Мазкур усул асарнинг темпини деярли тўғри топишга ёрдам беради.

Эмоционаллик. Вокал-хор ижрочилигида эмоционаллик алоҳида ўрин тутати. Эмоционал ижро бадиий ифода воситаси ҳисобланади. Хор асари мазмунини очишда унинг адабий текстининг эмоционал, жонли чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Ижрода мусиқа ва сўз бирлигига эришиб, уни эшитувчига жонли – эмоционал етказиб берилмаса, асар ғояси тушунарсиз бўлиб қолади. Асар мазмунини тўлиқ очиш учун фақат овоз характери ва тўғри сўз талаффузи кифоя қилмайди. Балки хонандалар мимикаси ҳам ижро қилинаётган асарни ифодалаши зарур.

Дирижёр хорнинг бадиий ифодалари устида ишлаганда асардаги овоз тембри (характери) га, унинг тўғри ижросига эришишдан ташқри, у хонандаларнинг асар мазмунига қараб, мимик образ ярата олишига эришиш зарур. Масалан, хор қувноқ характердаги қўшиқни яхши ижро қиса-ю, хонандалар чехрасида хурсандлик аломати сезилиб турмаса, ижро жонли бўлмайди. Бу эса тингловчиларга жўшқин, эмоционал кайфият ҳадя қилмайди. Шунинг учун ҳам хор ижросида эмоционаллик энг муҳим таъсир воситаси ҳисобланади. Хусусан, эстрадада дирижёрнинг мимикаси муҳим роль ўйнайди. У ўз мимикаси билан хорга таъсир қилиши, хорни асар характеридаги образда бошқариши лозим. Шунинг унутмаслик керакки, аввало, дирижёрнинг ўзи асар характери яхши сезиши ва унга тегишли мимикаларни ўзлаштириши ва хонандаларда ҳам ўша характерни пайдо қилиши керак, албатта.

Хорнинг эмоционал ижроси ундаги барча бошқа муҳим томонларнинг муҳайёлигида (яхши соз, ансамбль, дикция, нюанс ва бошқалар) томошабинларга эстетик завқ бағишлайди. Гар бир дирижёр ўз билими, кучи ва ғайратини ишга солгандагина хор муваффақиятга эришади. Хорнинг ижро маҳоратини унинг вокал –хор техникаси билан ижродаги бадиий ифода воситалари ташкил қилади.

Демак, ижродаги маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун эмоционаллик ифодали ижронинг муҳим шарти эканлигини унутмаслик лозим.

Хор ижросининг бадиий ифода воситалари.

Бадиий ифода асарнинг ғоявий мазмунини очиш формаси ҳисобланади. Хор яхши созга ансамблга ва сўз талаффузига, вокал хор техникасига эга бўлса-ю унинг ижроси бадиий ифодага эга бўлмаса, унда асарнинг бадиий ғоясини тингловчига етиб бормади. Ифодали ижро асарнинг тўлиқ асосий моҳиятини очиб беради. Тингловчилар қалбини хаяжонга солади, қувончга тўлдиради.

Хорда яхши созга соф интонацияга ва ансамблга эришишдан қатъий назар унда нюанслар агогика, динамика ва жумлалаш каби ижро воситалари етишмаса унинг ижроси жонли, эмоционал қизиқарли бўлмайди.

Шунинг учун хор раҳбари, дирижёр бадиий ифода воситаларида ўз ўрнида моҳирорна ишлата билиш керак. Хор жамоаси эса динамик, ритмик, темп жумлалаш каби ҳар хил бадиий ифода воситаларига эга бўлиши керак.

Динамик туслар (нюанслар).

Динамик грекча “динамис” (“dynamis”) – куч демакдир. Мусиқада динамикка товуш кучини билдиради. Товушнинг динамик белгиси нюанс (французча “нюансе” - тус) деб ҳам юритилади. Мусиқа асарини динамик тусларсиз тугал, тўлақонли, асар деб бўлмайди.

Баъзида нюанслар билан динамик тусларни ажратишади. Лекин бу иккала тушунча бир-бирини тўлдиради. Ва бир маънода ишлатилади. Демак нюанслар – товушнинг динамик тусларидир.

Мана шу товуш кучининг асарнинг бошидан то охиригача тақсимланиши унинг динамикаси дейилади.

Асар мазмунига қараб, товуш кучи маълум жойларида ўзгариши мумкин. Дирижёр – интерпретатор асарни хорга ўргатиш жараёнида динамик тусларни, мусиқа тилини, табиий логик урғуларни ўзлаштирган ҳолда ҳар бир мусиқали жумла ва даврдаги фикрни хонандаларга ўргата билиш лозим.

Нюанслар ҳам бадиий ифода воситаси ҳисобланади. Асарнинг бадиий ғоявий мазмунини очишда бадиий ифода воситалари (ифодали ижро, жумлалаш, асарнинг асосий оханги куйининг равонлигига эришиш) катта рол ўйнайди.

Хорининг ижросидаги бадиийликка эришишида динамик тусларнинг аҳамияти чексиз. Композитор томонидан қўйилган динамик белгиларни аниқ бажариш, яъни уни тушуна билибгина қолмай, хорга ўргата билиш керак. Маълумки, ҳар бир катта ва кичик мусиқа жумласи бошланиш, ўрта (авж) ва охириги қисмларга бўлинади. Хор раҳбари шуни назарда тутиб, жумлаларнинг мантикий нуқтасини топиши ва ижро қилиши (агар автор томонидан қўйилмаган бўлса ҳам) лозим.

Хорда тўғри фортиссимо (“ff”) нюансига эришиш бир мунча қийинчилик туғдиради. Чунки овоз кучи қаттиқ бўлганда эшитиш органларига салбий таъсир қилиши сир эмас. Жаттиқ ижрода ансамблга, яхши созга эришиш қийин.

Асарнинг характериға қараб форте ҳам “қаттиқ”, ҳам “юмшоқ”, тўлиқ жарангдор қилиб ижро этилиши мумкин.

Хорда пиано ижросига оғир, босиқ товушда оғизни юмиб ва очиб бир овозда (I октавада) машқ қилиб эришиш мумкин. Пиано пастки регистрда юмшоқроқ, ўрта регистрда равон ва юқори регистрда енгил, майин бўлиб эшитилади. Умуман, хорда фортиссимо ва пианиссимо овоз кучларига эришиш қийин ҳисобланади. Хорда ҳар қандай динамик тусни барпо қилиш учун кўп машқ олиб бориш талаб қилинади.

Масалан, А.Егоров динамик туслар устида ишлаганда, аввало октава-унисон машқларидан бошлаб, аста-секин гармоник тузумларга ўтиш мақсадга мувофиқдир, дейди ва мисоллар тавися қилади.

Ўйидаги мисоллардан крешчендо, диминуэндо, форте, пиано, сфорцандо, акцент, пианиссимо ва фортиссимо каби динамик туслар устида ишлаш учун фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, машқлар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, крешчендо ва диминуэндога бир текис эришиш учун маълум бир нотани ёки аккордни

(ўрта регистрда) яхши занжирий нафасда икки, уч унинг характериға қараб икки ўзгариб турувчи ёки қарама-қарши (контраст) динамик туслар қўлланилади.

(икки, уч ёки тўрт такт давомида) кретчендо ва диминуэндо динамик тусларини ҳосил қилиш мумкин.

ёки аёллар кречендо, эркаклар хорида диминуэндо динамик тусларни ҳосил қилиш мумкин.

Аксинча, олдин диминуэндо, кейин киришчендо каби динамик тусларни ҳосил қилиш анча мураккаб бўлиб, хор коллективидан тегишли техник малака талаб қилади.

Шунингдек sforzандо, субито пиано, акцент каби динамик белгилар устида алоҳида ёки асарлардан эпизодлар олиб ишлаш ва малака ҳосил қилиш мумкин. Айрим вақтларда бир асарнинг ўзида унинг ҳарактерига қараб икки ўзгариб турувчи ёки қарама-қарши динамик туслар қўлланилади.

Куплет формасидаги асарларда нюанслар ҳар хил кўринишда қўлланилади. Масалан, қўшиқнинг бир банди m, F, S да куйланса, бошқа бандида пиано қўлланилиши мумкин. Бу усул композитор томонидан қўлланилиши ёки дирижёрнинг интерпритацияси бўлиши мумкин. Буни қилиш мақсад асарни бир хил нюансда эмас, балки ҳар хил қилиб ижро қилишдир. Гар бир банднинг динамикаси унинг сўз мазмунига қараб аниқланади. Шундай қилиб, хор коллективида жумлалаш қобилиятини ва ҳар қандай динамик туслардан тўғри фойдаланиш малакаларини ўстириш ифодали ижрога замин яратади.

Вокал хор тарбияси

Хор жамоасининг асосини ундаги вокал хор ишлари ташкил қилади. Вокал хор комплекс ишлари хорнинг муваффақиятли фаолияти учун замин яратади. Хорда вокал ишларининг сифат даражаси хор дирижёрининг малакасига, вокал қобилияти ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Хорда олиб бориладиган вокал ишларининг мақсади, хонандаларда тўғри куйлаш малакаларини ўстиришдир. Вокал ишларига:

- хорнинг муҳим элементлари устида ишлаш (ҳамоҳангликка, яхши сўзга, сўз талаффузига, бадий ифода воситаларига эришиш);
- тўғри нафас олиш, вокал товуш барпо қилиш ва уни шакллантириш;
- хор коллективи аъзоларини бир хил вокал малакаларига эга қилиш кабилар киради. Хор ижросининг муҳим элементларини барпо қилиш унинг вокал хор техникасига боғлиқ. Вокал хор техникасига асосан, нафас, товуш ҳосил қилиш, уни чўзиш, динамика, интонация ва дикция малакалари киради.

Хор коллективи яхши вокал техникага эга бўлмаса, у хорнинг ижросида на уйғунлик (ансамбль), на тиниқ соз, на аниқ талаффуз ва бадий ифода бўлади. шунинг учун хорда ҳар доим вокал хор техникасини

ривожлантириш ва уларни такомиллаштириб бориш зарур. Чунки хорда яхши ансамблга, созга, динамик мустаҳкамлик мустаҳкам бўлиши керак. Хорда вокал шунчалик муҳим аҳамиятга эга эканки, хор раҳбари вокал педагогикасини яхши билиши ва ўзи яхши ижро эта олиши талаб қилинади. хонандалар эса овоз гигиенасини билиши ва овозларини эҳтиёт қилиб юришлари керак. Товушни шамоллатиш, овоз пардаларини толиқтириш қаттиқ қичқириш (хусусан ҳаваскорлик хорларида) ҳоллари хорда вокал ишлари савиясини пасайтиради.

Раҳбар ҳар доим вокал тарбияси устилда иш олиб бориши, хорнинг иш фаолиятини шу тарбия асосида бошқариши ва хорнинг чиройли, ифодали жарангига эришмоғи керак.

Ўшиқ айтиш кўрсатмаси

Ўшиқ айтишдан олдин хонандалар унга тайёр бўлишлари, маълум ҳолатни эгаллашлари зарур. Бу ҳолат икки хил бўлади: туриб куйлаш ва ўтириб куйлаш ҳолати.

Туриб куйлаганда гавдани ва бошни тўғри, эркин тутиш, оёқларни ерга бир хил куч билан босиш, кўкрак қафасини салгина кўтариш ва олдинга чиқариш, кифтларни тўғри тутиш ва улар сезиларсиз орқага тортилган бўлиши, қўллар пастга туширилган бўлиши керак.

ўтириб куйлаш ҳолатида бош ва гавда тўғри ва эркин тутилиши оёқларни ерга тўғри бурчак қилиб босиш, қўлларни эса тиззаларга эркин қўйиш лозим. Агар гавда бўш, бел эгилган ҳолатда бўлса овоз кучсиз, ёқимсиз чиқади. Шунинг учун бўйинни, бошни бемалол тутиш керак. Халқум ва пастка жағ томоқни сиқмаслиги, бош (шунингдек, тил, оғиз, юз) эркин тутилиши керак. Шунингдек юзда зўриқиш аломатлари сезилмаслиги лозим. Умуман, хорнинг туриб куйлаши энг қулай ҳолат ҳисобланади. Баъзи раҳбарлар овоз апаратини қиздириш процессини туриб (15-20 мин.), қўшиқ ўрганишда ўтириб, ва ўргатилган асарни туриб куйлашни афзал кўрадилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, машғулотни бошдан оёқ туриб ўтказиш хонандаларни жисмоний толиқтиради. Машғулотни ўтириб ўтказиш мақсадга мувофиқ. Фақат юқоридаги кўрсатмага риоя қилиш керак. Хонандаларнинг тўғри куйлаш, ўтириш ҳолатини хор раҳбари доимо назорат қилиб туриши керак.

Оҳангни йўллаш (юргизиш) усуллари

Хор адабиётида ҳам бошқа мусиқа санъатида бўлгани каби ҳар хил ижро белгилари мавжуд. Масалан, оҳанг бир текис, боғланиб янграса – нон легато, узиб-узиб ижро этилса – стакатто ва алоҳида – алоҳида, таъкидлаб таралса – маркато дейилади.

Легато – мусиқа санъатида, шунингдек вокал хор ижрочилигида кенг қўлланиладиган асосий штрихдир.

Маркато –легатога нисбатан кам ишлатиладиган штрих.

Нон легато ва стаккато штрихли асарлар хор адабиётида тез учраб туради.

Масалан, Дж.Вердининг “Риголетто” операсидаги “Тише, тише” эркаклар хори бошидан охиригача сатаккато штрихида куйланади.

Шунингдек, А.Рубинштейннинг “Демон” операсидаги “Ноченька” эркаклар хорининг II қисми ёки М.Бурхонов қайта ишлаган афғон халқ кўшиғи “Чашми сиёҳ” а’капелласининг муқаддимаси ижросида нон легато ва стаккато белгилари қўлланилади.

Артикуляциянинг яна бир усули – бу цезурадир.

Алла

Цезура кенг маънода асарнинг қисмлари чегараси. У сезилмасдан, паузадай бажарилади. Хорда цезура вақтида нафас олинади. Цезура товушлар орасида ҳам учрайди. У шундай (‘) белгиланади. Цезура тўғрисида турли тушунчалар мавжуд. Масалан, П.Левандо катта, кичик паузаларни цезура деб ҳисоблайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Нафас олиш турлари.
2. Хор турлари ва уларни кўриниш деб нимага айтилади?
3. Болалар, аёллар, эркаклар хори қандай ташкил қилинади.
4. Камер хор ва катта хор деб қандай хор жамоаларига айтилади? Хорни сахнада қандай жойлаштириш мумкин?

Назорат иши учун саволлар.

1. Хорнинг тури ва хили. Динамик туслар нюанслар. Вокал хор тарбия . Ўшиқ айтиш кўрсатмаси. Охангни йўллаш.
2. Ўзбекистонда профессионал хор жамоаларини ижодий ҳаёти ҳақида.

Адабиётлар

1. Ш.Рўзиев “Хоршунослик” Т. 1987 й.
2. Левандо “Проблемы хороведение”
3. С.А.Валенко, А.Ф.Вынежнев, Р.Е.Хубларов “Хаваскорлик хори” Т.1970 й.
4. Хороведение и аранжировка
5. Н.А.Бахриддинова “Ўзбекистон болалар хор маданияти” Т. 2002 й.

Хорни сахнада жойлаштириш.

Ҳаракатчанг *dim* ва *cresc* динамик кўпайиш ва камайиш кучига эга.
Асосий 7 хил нюанслар мавжуд:

Хорда тўғри (А) нюансига эришиш бирмунча қийин шунинг учун қаттиқ ва юмшоқ *ff* куйланганда яхши соз ва ансамблга эришиш қийин. Шунинг учун жарангдор “f” ва “Р” да куйлаш керак.

Хор асарларини ўргатишда услуб ва методлар.

Хор асарини ўрганиш кўпинча нотўғри ва оғир кечади.

Бу салбий ҳолат дирижёрнинг айби бўлиб, асарни тўлиқ ўрганмаганлигидандир;

Асарни ўрганишда техник қийин фразалар, жумлаларни ўзлаштиришда шошқалоқлик қилмаслик;

Пассив лаёқатсиз ижодий кўтаринкилик руҳини йўқлиги;

Бефарқ режасиз олиб орилиши, буларнинг бир ёки икки сабаби асар ўрганиш жараёнини оғир ва ёқимсиз кечишига олиб келади.

Дирижёр аввало оддий қоидаларга риоя қилиши керак. Асарни пухта ва чуқур хорга режаси бўйича ўргатиши даркор. дирижёр ўзи яхши куйлаб кўрсата олиши, олдига қўйган мақсади сари поғонама-поғона сермашаққат меҳнатга сабр тоқатли бўлиши лозим. хордаги яхши соз ва ансамбль эришиш ўз - ўзидан осон бўлмайди. Дирижёр асарнинг қийин жойлари ечимини бўлмаса тушкунликка тушиш хорлари бўлмаслиги керак. Хар хил усул ва методлардан фойдаланган ҳолда жамоани руҳини кўтариши, толиқтирмаслик ўз вақтида ҳазил қила билиш ва ўз мақсадига эришиш учун дирижёрнинг ишчанлик изланувчанлик бадий ижодга

Дирижёр эркин тарздаги иш фаолияти енгил иш олиб бориши, асарни пухта ва чуқур ўрганганлиги иш жараёнини тўғри шаклланишига боғлиқдир.

Дирижёр – бу бошқарувчи, мусиқий асар ижросида қатнашувчиларнинг барчасига, яъни яккахон, хор, хор бўлувчилар ва бошқаларга раҳбардир.

Профиссионал дирижёрлик соҳасини шакллантириш бир аср даврни ўз ичига олиб ҳозирги дирижёрлик санъати маҳорати чўққисига келган дирижёр хор асарини тўлақонли бадий-ижодий нюансларига бой товуш кучи, суръат бошқарувчи бўлишидан ташқари – талқин этувчи ҳамдир. Хор асарини якка тарзда талқин эта олишга қодир ижрочиларни бирлаштириб жамоага айлантира олишга эришишлар дирижёрдан мустаҳкам ирода, ғайрат ва шижоат, матонат ва маҳорат, ҳамда ижодий тафаккур талаб этади. Юқори маданиятли билимдон инсон бўлиб, ижрочи ва тингловчиларни ўзига жалб қила олиш хусусиятларига эга бўлиши дирижёрнинг маҳоратига хор билан ишлаш тажрибасига боғлиқдир. Дирижёр яхши овозга, мусиқий хотирага, яхши эшитиш қобилиятига, мусиқа усуллари чхши хис этиш овоз санъатига хос билимга, ўзини санъаткор, дирижёрлик қобилиятига эга бўлиши лозим.

Дирижёр бу – хор жамоасининг яхши педагог, психологи. Дўсти ва талабчан бошқарув хусусиятларига эга инсондир. Ўз вақтида турли шароитдан чиқиб кетадиган, муаммолар ечимини енгиллик билан топа олишга қодир бўлиши керак.

Товуш равоғи мушак пардаларининг узвий боғланиши.

Адабиётлар рўйхати

1. ўзбекитон Республикасининг Конституцияси Т. ўзбекистон 1998 й.
2. И.А.Каримов “Истиклол ва маънавият” Т. ўзбекистон 1994 й.
3. И.А.Каримов “Баркамол авлод ўзбекистон тараққётинининг пойдевори” Т. 1997 й.
4. Й.Жумабоев “ўзбекистон фалсафий ва ахлоқий таълимотлар тараққийети тарихидан” Т. 1997 й.
5. О.Мансурмонова “Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси”
6. Ш.Рўзиев “Хоршунослик” Т. 1987 й.
7. Н.А.Бахриддинова “ўзбекистон болалар хор маданияти” Т. 2002 йил.
8. П.Г.Чеснаков “Хор и управление им.” М. 1964 г.
9. К.Пигров “Руководство с хором” М. 1964 г.
10. М.Конерштейн “Вопросы дирижирования” М.1972 г
11. Г.П.Стулова “Теория и практика вокальной работы в хоре” М. 1983 г.
12. Вопросы хороведения на музыкальном педагогическом факультете М. 1981 г
13. Т.Крутяева, Н.Молокова, А.Ступель “Словарь иностранных музыкальных терминов” изд. 3 Ленинград 1982 г.
14. Л.В.Иамина “Работа с самостоятельным хоровым коллективом” Т. 1974 г.
15. С.А.Валенков, А.Ф.Вынежнев, Р.Е.Хубларов “Хаваскорлик хори” Т. 1970 й.
16. “История Узбекской сов. музыки” I, II том Т. 1973 г.
17. М.Ковбас “Некоторые вопросы развития музыкальной самостоятельности в Узбекистане” “Вопросы музыкальной культуры Узбекистана” Т. 1961 г.

18. Ж.Шукуров “Дирижёрлик” Истиклол нашриёти 2006 й.
19. В.А.Самарин “Хороведение и хоровая аранжировка” Москва Академия 2002 г.
20. В.Г.Сколов “Работа с хором” М. 1983 г.
21. Г.П.Струве “Школьный хор” Книга для учителя М. 1981 г.
22. К.Б.Птица “Хоровое искусство основа музыкальной культуре”
23. П.П.Левандо “Хороведение” Л. 1982 г.
24. Л.Х.Джумаева, Н.А.Бахриддинова “Узбекская хоровая литература” Т. 1987 г.